Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

ИШОНЧ

37

1992 йил 14-20 сентябрь (76)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Касаба уюшмаларида

«Ишонч» мухбирлари хабар қиладилар:

СЕМИНАР-КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ шаҳрида вилоят ҳудудидаги барча бошланғич касаба уюшмалари қўмиталарининг раислари иштирокида «Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаларининг фаолияти» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи муовини Т. Ҳ. Собитов Меҳнаткашлар манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг фаолияти тўғрисида ахборот берди ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида касаба уюшмаларининг ўрни ҳақида маъруза қилди.

Семинар-кенгашда Жиззах вилояти ҳокими муовини О. Муродов, касаба уюшмалари Жиззах вилояти кенгаши раиси И. Хушнев иштирок этдилар. Бир гурух касаба уюшмаси фаолларига Фахрий ёрлиқлар ва Мустақиллик нишонлари топширилди.

ЙЎЛЛАНМА НАРХИ АРЗОНЛАШДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Тахиатош ГРЭСи касаба уюшмаси қўмитаси меҳнаткашларга навбатдаги ғамхўрлик намунасини кўрсатди. Мазкур корхона қошидаги санаторий-профилакторий учун бериладиган йўлланма нархи анча арзонлаштирилди. Энди шифо масканида йил давомида даволаниб, дам оладиган ГРЭС жамоасининг 1500 нафар аъзоларининг ҳар бири 24 кун учун атиги 185 сўм тўлашади. Йўлланма қийматининг қолган 1145 сўми касаба уюшмаси ҳисобидан тўланади.

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН ўрмончилик соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раёсатининг бўлиб ўтган йиғилишида «Андижон мебель комбинати, мебель фабрикаси ҳамда вилоят ўрмон хўжалигида меҳнаткашларнинг иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан касаба уюшмаси қўмиталари иши ҳақида»ги масала муҳокама қилинди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан келиб чиққан социал қийинчиликларни енгишда бу уч корхона меҳнат аҳлига амалий моддий кўмак беришда касаба уюшмаси қўмиталари маъмурият билан ҳамкорликда бирмунча ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, бу корхоналарда ишчиларга бериладиган овқатлар нархи арзонлаштирилди. Узоқ муддат ишлаб нафақа олишга чиқувчи кишига ҳар бир ишлаган йили учун 100 сўмдан ёрдам пули бериладиган бўлди. Мебелсоз ва ўрмончиларга уй-жой қурилишида ёрдамлашиш тадбирлари белгиланмоқда.

Раёсат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТДИ

ФАРҒОНА касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳамда вилоят ёшлар иттифоқининг ташаббуси билан сўлим Шоҳимардон қишлоғидаги «Старт» кашшофлар оромгоҳида 100 дан ортиқ қорақалпоғистонлик, хоразмлик ҳамда навоийлик болалар қувноқ ёз фаслини мароқли ўтказишди.

Оролбўйидан келган ёш меҳмонларни бепул йўлланмалар билан деҳқончилик мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар қўмитаси таъминлади, уларнинг йўл харажатларини вилоят ёшлар иттифоқи ўз зиммасига олди.



Қўчат экиб, боғ яратганнинг ҳурматини ўрнига қўядилар, эъзозлайдилар. Абдурахмон Нормуҳамедов ҳам ана шундай эл меҳрига сазовор бўлган боғбонлардан. У 1980 йилдан бери астойдил меҳнат қилиб, 7,5 гектар ерда ажойиб боғ яратди. Яна 18 гектар ерга олма, шафтоли кўчатлари ўтказиб, парвариш қилмоқда ҳозир.

Суратда: Тошкент вилояти, Зангиота район Акмал Икромов номли жамоа хўжалигининг боғдорчилик бригадаси бошлиғи Абдурахмон Нормуҳамедов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Хабарлар маҳзи

● **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Тожикистон Олий Кенгаши Раиси Абкаршо Искандаровга жаҳон тожиклари вакилларининг анжумани қатнашчиларига МУРОЖААТНОМА йўллади.**

● **ТОШКЕНТда Ўзбекистон Республикаси Президентининг журналистлар, пойтахтдаги хорижий элчихоналарининг ходимлари билан бўлган шошилинч учрашуви Тожикистондаги воқеаларга бағишланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибига мактуб йўллади.**

● **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституция комиссиясининг навбатдаги йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.**

● **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти «Давлат мулки жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида»;**

«Нефть маҳсулотларини сотишда тартиб ўрнатиш ва тармоқни бошқариш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармонларни имзолади.

Обуна — 93

«ИШОНЧ»ГА ОБУНА БЎЛДИК, ЛЕКИН...

Ҳурматли газетчилар!

Мана бир ярим йилдан бери чиқаётган нашрингизга обуна бўлсаммикин деб, иккиланиб юрардик. «Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр» деганларидек саҳифалари кўп, ҳафтада бир марта чиқадиган газетангизга ўзимизда маънавий эҳтиёж сездик щекилли, 1993 йил обунаси ҳақида гап кетганда оиламиздагиларнинг фикри бир жойдан чиқиб, оила жамғармасидан 208 сўм 80 тийин ажратиб, «Ишонч» газетасига ёзилдик. Бетга айтганнинг заҳри йўқ, кўнглингизга олмасангиз «Ишонч» ҳақидаги баъзи фикр-мулоҳазаларимизни ҳам билдирсак:

1. Ҳозирги бизни юқори ташкилотлардан сўрайдиган сўровимизку йўқ, лекин «Биздан сўрабсиз» саҳифасининг кўпчиликнинг қонун олдидаги манфаатини кўзлаб, инсонга ўз бурчини англатиб туриши хайрли иш бўлаяпти. Шундай экан, меҳнаткашларнинг муаммолар олдидаги мушкулини осонлаштириш мақсадида саволнинг ҳам, жавобнинг ҳам қамровлари кенгайиб бу рукнга 2 саҳифа ажратилса демоқчийдик.

2. Республикамиз жаҳон янгиликларини «Хабарлар маҳзи»да қисқа ва лўнда бериб боришингиз яхши. Аммо, баъзи мақолаларнинг зардоби кўпроққа ўхшайди.

3. Касаба уюшмалари ҳаёти ёзилаётганда бизнингча ургу фақат раҳбарларга бериляпти. Тилагимиз бошланғич ташкилотлар раислари ҳам газетанинг бетларида кўпроқ чиқиб турса.

4. Ибратли ҳикоятларни чоп этишни давом эттирсангиз.

5. Яхши ҳикоя, шеър кўпроқ берилса, айниқса жону дилимиз бўлган спорт ҳақида мунтазам саҳифа бериб борсангиз.

6. Сўнгги сонларингизда «Оила: қувонч ва ташвишлар» рукни камроқ кўринмоқда. Донохон аянинг донолигини сезмаяпмиз. «Атторнинг қутиси» саҳифаси эса янада қизиқарли чиқса, деймиз. Янги йилда ҳам уларга ўрин берилса.

7. Ойнан жаҳон телепрограммалари албатта босилсин.

8. «Адолат тарозиси»да ноҳақ жабрланувчиларнинг тақдирини ҳуқуқий ҳимоя қилганингиз жуда яхши. Аммо, нега унинг баъзиларига айрим мутасадди мансабдор шахслар жавоб беришни ўзларига эп кўрмаяптилар. Қонун фақат уларнинг жиловидами? Биз уларнинг жавобини ўқишни ҳоҳлаймиз.

9. Ёшларимиз ҳаётига оид —«Ҳилол» саҳифаси фақат студентлар ҳақида бўлиб қолмасин.

Умуман айтганда, гапирса гап кўп. «Ишонч»да чиқаётган саҳифаларнинг ранг-баранглигидан мамнунмиз. Албатта, ёритилиш жиҳатидан айрим мақолаларнинг бири очроқ, бири тўқроқ рангдадир. Энг муҳими, дилимиздаги фикр-мулоҳазаларимиз ҳисобга олинишига, қолаверса, «Ишонч» илк бор қалбларимизни забт этгандек, бундан буёғига ҳам оддий меҳнаткашларнинг газетаси бўлиб қолишига умид билан:

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов район, тиббиёт шаҳарчаси 7-уй, 31-хонадонда яшовчи оила номидан ўқитувчи Боймурод КЕЛДИЕВ.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

Биз 1993 йилда ҳам аҳли юрт тақдири, манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ниятидамиз. Фақат, Сиз йиллик обуна нархи 208 сўм 80 тийин (Нашр кўрсаткичи — 64560) бўлган «Ишонч» газетасига ўз вақтида обуна бўлишни унутмасангиз бас.

Корхона ва муассасалар обунасига ҳам ташаббускор бўласиз, деган умиддамиз. Унинг йиллик нархи 312 сўмдир (Нашр кўрсаткичи — 64561).

«Ишонч» газетаси таҳририяти

№ 37
ИШОНЧ
1992

Касаба уюшмаси ҳаёти

ИККИ ЙИЛДИРКИ, касаба уюшмаси Марказий қўмитаси деҳқончилик-саноат мажмуига кирувчи вазирликлар ва маҳкамалар билан социал-иқтисодий масалалар юзасидан битимлар тузиб келяпти. Шу битимлар ва жамоа шартномаларининг бажарилиши деҳқончилик-саноат мажмуига кирувчи кўпгина хўжаликлар, корхоналар ва ташкилотларда социал имтиёзларнинг кенгайтирилишига, иш ҳақининг оширилишига, меҳнат шароитларини ва муҳофазасини, уй-жой ва тиббий хизматни яхшилашга эришиш имконини берди.

Корхона, хўжаликларнинг маблағлари (даромад, кирим) бизнинг агросаноат комплекси меҳнаткашлари доимий равишда олаётган бадалларнинг асосий манбасидир. Жаҳон тажрибасига қараганда, ижтимоий ҳимояни амалга оширишда жамоа шартномаси асосий восита бўлиб хизмат қилади. Маълумки, жорий йилда касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларини инобатга олган ҳолда унинг янги шакллари ишлаб чиқилди. Бу тавсияномалар (рисолалар) ишда фойдаланиш учун бошланғич ташкилотларга юборилди.

Касаба уюшма қўмиталари, касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнат масалалари бўйича техник назоратчилар муҳофаза ишларида меҳнаткашларга бепул хизмат қилишяпти. Касаба уюшмаларининг юқори ташкилотлари меҳнат масалалари бўйича техник назоратчилар ёрдамида меҳнатни муҳофаза этиш ва яратилган шароитларни назорат қилиб, ишлаб чиқаришда оғир оқибатли бахтсиз ҳодисалар юз берган, кишилар ҳалок бўлган ҳолларни текширишяпти. Ишлаб чиқаришда хавфхатарсиз меҳнат шароитларини яратмаган айбдор мансабдор шахсларни жазолаяпти ва бахтсиз ҳодисанинг чинакам сабабларини аниқлаш ўрнига жабрланувчиларнинг ўзларини айбдор қилиб қўйиш ҳолларининг олдини олишяпти.

1991 йилнинг ўзида деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнат техник назорати содир бўлган 254 та бахтсиз ҳодиса сабабларини текширди Текширув материаллари айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун прокуратура органларига жўнатилди. Меҳнат масалалари бўйича техник назоратчиларнинг талабига кўра, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини бузган 124 мансабдор шахс вазифасидан четлаштирилди ва 1200 раҳбарга жарима солинди.

3069 корхона, хўжалик ва ташкилотда техника хавфсизлиги талаблари ва шунга оид қонунлар қандай бажарилаётганлиги текширилди. Натижада меҳнаткашларга жароҳат етказиши мумкин бўлган 2798 ускуна ҳамда 355 та ишлаб чиқариш участкаси ва цехи тўхтатиб қўйилди. Фойдаланишга топшириш учун тавсия этилган 139 та янги объектдан 55 таси меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермаганлиги учун қабул қилинмади.

Социал суғуртани бошқаришга келганда эса, инсон туғилишидан тортиб то у дафн этилгунича бўладиган асосий ташвишлар ва катта моддий харажатларни касаба уюшмалари ўз зиммасига олган.

Касаба уюшма қўмиталари меҳнаткашларни социал ҳимоялашни кучайтиришга интилиб, меҳнат қилиш қобилиятини вақтинча йўқотиш, ҳомиладорлик ва тўғиш муносабати билан бериладиган нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши, касаба уюшмаси аъзолари ва уларнинг оилаларига тиббий хизмат кўрсатиш тармоқ соғломлаштириш муассасаларида ўз саломатликларини тиклашларини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини назорат қилмоқда.

Жамоа хўжаликлари аъзоларига, улар социал суғурта жамғармасига бадал ўтказгунларича, нафақаларнинг барча турлари касаба уюшма қўмиталари томонидан олдиндан «хамир учидан патир» сифатида тўлаб турилади.

Касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, жамоа хўжаликлари Кенгаши ва қишлоқ хўжалиги Вазирлигининг таклифига кўра Республика Олий Кенгашининг Қарори билан 1992 йил 1 январдан бошлаб колхозчиларга социал суғурта жамғармаси ҳисобидан тўланадиган нафақалар учун суғурта тарифи деярли бир ярим фоиз оширилди. Бу эса колхозчиларга барча турдаги нафақалар тўлашга сарфланадиган маблағларни (иш ҳақи ошганлигини ҳам ҳисобга олганда) 350 миллион сўмдан кўпроқ ошириш имконини берди.

Ҳатто нарх-наво тинимсиз ошиб бораётган ҳозирги шароитда ҳам санаторий муассасаларида даволаш учун қилинадиган асосий харажатларни касаба уюшмалари ўз зиммасига олган. Бундан ташқари Республиканинг аксарият минтақаларида колхозчиларни социал суғурта қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ва аввало уни марказлаштириш ҳисобидан хўжаликлараро кучли шифохоналар тармоғи вужудга келтирилди. Касаба уюшма қўмиталари (касаба уюшма органлари) шифохоналарни пул билан таъминлашда, фойдаланишда ва уларни ривожлантиришда бевосита иштирок этяпти.

Биз касаба уюшмаси аъзоларининг фарзандлари соғлом дам олиши ва даволанишининг анъанавий турини сақлаб колиш учун ва соғломлаштириш лагерларини ким ошди савдосига қўйиб сотиб юборилишига ва фаолияти тўхтатиб қўйилишига қарши биринчи бўлиб бонг урдик. Ҳозирга қадар касаба уюшмалари маданият ва спортнинг моддий базасини ривожлантиришга катта маблағлар сарфлаб келди, болалар ва ўсмирлар клубларини пул билан тўла ёки қисман таъминлаяпти.

Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси спорт ва маданий-оммавий ишлар ўтказиш чораларини кўраяпти, жумладан 29 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини пул билан таъминлаш учун ҳар йили 3 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаяпти.

Ҳозирги кунда маданий-оқартув ишлари ва кино хизмати соҳаларида қийин аҳвол юзага келди. Касаба уюшмалари ва давлат маданий-оқартув ва кино хизмати соҳаларни ажралиши сабабли чалкашликлар бўлиб турибди. Бир маданий-оқартув биносида икки орган вакиллари ўтирган ҳоллар ҳам бор.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керак-ки, Республика деҳқончилик-саноат мажмуи тизимида меҳнаткашларни соғломлаштириш учун 600 ўринли 3 та санаторий, 5400 ўринли 67 та санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Шулардан 23 таси жамоа хўжаликлараро шифохона бўлиб, уларда ҳар йили деҳқончилик-саноат мажмуида меҳнат қилаётган 50 мингдан кўпроқ киши саломатлигини тиклаяпти.

Бир қанча шифохоналаримиз ўзининг ускуналари, жиҳози ва даволаш самарадорлигига кўра марказий шифохоналардан колишмайди. Наманган вилоятидаги «Гулшан» ва «Шоҳанд», Фарғона вилоятидаги М. Топиволдиев номли, «Искра», «Рапкон», Тошкент вилоятидаги «Оккўрғон», Сирдарё вилоятидаги «Сирдарё» ва бошқа кўпгина шифохоналар шулар жумласидандир. Асосан иқлим шароитлари қулай зоналарда жойлашган бу шифохоналарда соғломлаштириш жараёнида минерал сув булоқлари, шифобахш балчиқдан ва бошқа табиий-иқлимий омиллардан фойдаланиляпти.

Биз меҳнаткашларни қўшни республикалар шифохоналарида соғломлаштириш имкониятларини ҳам излаяпмиз. Қирғизистондаги бир қанча шифохоналарга ва Тожикистондаги «Зумрад» санаторийсига йўлланмалар ажратиш тўғрисида шартномалар тузилган. Умуман, касаба уюшма қўмиталари 1991 йилда меҳнаткашларни соғломлаштириш ва уларнинг дам олишларини ташкил этиш учун 32 миллион сўм сарфлаган эди. Ҳозир, санаторий ва курортларга йўлланмалар нархи 3—5 минг сўмга чиқиб кетган бир пайтда йўлланмалар баҳосининг 85 фоизини касаба уюшма қўмиталари тўлаяпти.

Оролбўйидаги экологик фалокат туфайли меҳнаткашларни соғломлаштириш борасида жуда ўткир муаммолар вужудга келаётганлиги муносабати билан касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раёсати Қорақалпоғистон деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика қўмитаси билан биргаликда тармоқ касаба уюшмаси фаолларини, шунингдек Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмиталарининг вакилларини жалб этиб, бу масалаларни жиддий муҳокама қилди.

Раёсат қарорларини амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон касаба уюшмаси тармоқ қўмитасига соғломлаштириш муассасаларини таъмирлаш учун касаба уюшмаси бюджетидан 50 минг сўм ажратилди, колхозчиларни социал суғурта қилиш марказлаштирилган жамғармасидан «Орол болалари» жамғармасига 50 минг сўм ўтказилди. Жамоа хўжаликлари аъзоларини ва улар оилаларини соғломлаштириш учун қарийиб 300 минг сўм берилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида Республикамиз вилоятларидаги шифохоналарда Қорақалпоғистондан келган 800 дан кўпроқ меҳнаткаш, соғломлаштириш лагерларда эса 1000 дан зиёд бола парвариш қилинди.

Касаба уюшма қўмиталари касаба уюшмаси аъзолари билан маъмурият ўртасидаги меҳнатга оид ва бошқа баҳсларни ҳал этишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатаяпти, зарурат туғилганда меҳнат ҳуқуқларининг судда бепул ҳимоя қилинишини таъминлаяпти. Бу иш касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг 43 нафар штатли ва 150 нафар штатсиз меҳнат ҳуқуқи назоратчилари амалга ошираяпти.

Меҳнат ҳуқуқи назоратчилари ўтган йили 1112 та хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасада меҳнат ҳамда уй-жой тўғрисидаги қонунларга қандай амал қилинаётганлигини текширдилар. Текширув материалларига кўра амалдаги қонунлар бузилиши ҳолларини бартараф этиш ва олдини олиш тўғрисида раҳбарларга 625 та талабнома жўнатилди. Шу давр ичида касаба уюшмаси органларига меҳнаткашлардан турли масалалар бўйича 900 га яқин ариза тушди, 5000 дан кўпроқ фуқаро қабул қилинди.

Кўриб чиқилган аризаларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Меҳнат ҳуқуқи назоратининг талабига кўра 254 киши ўз иш жойига тикланди ҳамда меҳнат уй-жойга оид қонунларни бузган 40 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилди.

Қишлоқлардаги бутун социал инфраструктурани жадал ривожлантириш, социал-иқтисодий шароитларни шаҳардаги шароитлар билан тенглаштириш ҳозирги кунда касаба уюшмамиз ўз олдига қўйган асосий мақсадлардан биридир. Меҳнаткашларни ҳимоя қилишдек олий мақсад бизга янги куч ва қудрат бахш этаверади.

Турсун ҚЎШАЕВ,
Ўзбекистон агросаноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси
«Ишонч» газетаси таҳрир ҳайъати аъзоси.

НИМАЛАРГА ҚОДИРМИЗ?

***ДЕҲҚОНЧИЛИК**-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуи барча тармоқлари меҳнаткашларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланади.*

Яқинда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар мажмуига мувофиқ касаба уюшмамиз ҳозир меҳнаткашларнинг кўпгина қонуний ҳуқуқларини таъминлашга интилаяпти. Зеро, ишчилар, колхозчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчиларнинг ҳаётий манфаатларига даҳлдор аксарият масалаларни маъмурият, мулкдор ёки улар ваколат берган бошқарув идораси тармоқ касаба уюшмаси ҳамда унинг қўмиталари билан келишиб ҳал қилишга мажбурдирлар.

ЙШТАҲА БЎҒИЛАДИ

(ИШЧИ ОШХОНАЛАРИДА)

Ошхона озода, кўркам бўлсагина бир ниёла чой устида бироз чак-чаклашгинг келади, наридан-бери овқатни еб тезроқ чиқиб кетишни ўйламайсан. Афсуски, биз кўздан кечирган айрим ошхоналарнинг тозалик ҳолати ночор бўлганлиги учун ҳам овқатдан сўнг сухбатлашиб ўтирган ишчиларни кўрмадик.

Ҳамза район ошхоналар трестига қарашли 3-ошхонага кирган киши хотиржам овқатланишни эмас, тезроқ чиқиб кетишни ўйлайди. Чунки бино ошхона учун ярамай қолган. Якинда ҳаво шар этиб ёғган эди, ҳаммаёқдан чакка ўтиб-кетди. Идиш-товоқ ювиладиган жойда канализация ишламайди. Деворлардан сувоқлар кўчиб тушган. Столларда ёйилиб ётган ювиқсиз идиш-товоқларни ғапирмаса ҳам бўлади. Шу манзаранинг ўзиёқ киши иштаҳасини бўғади.

Ошхона бўйича биттагина совутгич ишлаяпти, холос. Унинг ҳам тозалик-техник ҳолати талабларга жавоб бермайди. Ускуналар янгиланмаса масалликларнинг бузилиб колиши ҳеч гап эмас. Ёг-мой комбинати раҳбарлари эса ошхонани янги бинога кўчириш ёки тубдан таъмирлаш устида бош котирмаяптилар. Ҳамза район ошхоналар трести раҳбарлари ошхонадаги аҳволни кўрсалар ҳам, ўзларини кўрмасликка олмоқдалар. Бу аҳволда ошхонада бирор ўзгариш бўлишига кўзимиз етмай турибди.

1-троллейбус депосидаги 11-ошхона хизматидан ҳам ишчилар коникиш ҳосил қилмаяптилар. Бу ерда масалликларни сақлаш қоидалари қўпол равишда бузилаяпти. Ўрнатилган совутгичнинг фақатгина битта камераси ишлаяпти. Барча хилдаги маҳсулотлар шу камерада устма-уст сакланаяпти. Ошхонанинг тозалик-техник ҳолати ночор. Ускуналарнинг ҳаммаси эскириб, яроксиз ҳолга келиб қолган. Бу масала 1-троллейбус депоси ва Миробод район ошхоналар трести раҳбарлари олдига бир неча марта қўйилди, лекин улардан садо чиқмаяпти. Ишчилар эса кенг ва ёруғ ошхоналарда иштаҳа билан овқатланишни исташаяпти.

М. ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация кенгаши ишчи назорати инспекциясининг жамоатчи инспектори.

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Бу кунни Данғара районидаги Тайпоқ қишлоқ аҳли орзиқиб кутишган эди. Республикамиз мустақиллиги тўйининг Г йиллиги муносабати билан қишлоқ хонадонларига табиий газ келди.

— Президентимизнинг «Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисида»ги фармонини бош вазифаларимиздан бири деб билган ҳолда,— дейди Х. Худойбердиев номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Муҳториддин ака Насриддинов,— хўжалик ҳудудидаги қишлоқ хонадонларига газ ўтказишни 1995 йил охиригача якунлаймиз, деб мақсад қилиб қўйдик. Бу ишда асосан 348-ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колоннанинг Маъруфжон Усмонов бошлиқ бригада аъзоларининг хизматлари катта бўлмоқда. Ҳа, меҳнаткашлар орзиқиб кутган кунлар келди, энди улар қишга кўмир, ўтин қидириш ташвишидан халос бўлдилар.

А. ТИЛЛАХЎЖАЕВ.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» КИТОБИ ҲАҚИДА.

ИЖТИМОИЙ тараққиётнинг ҳар қандай соҳасига бағишланган яхши китобнинг нашр этилиши жамият ҳаётида ҳамиша муҳим воқеа бўлади. Ўзбекистон Республикасининг шодиёна байрами—Ўзбекистон давлати Мустақиллиги куни арафасида чиққан Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби халқимиз ҳаётида ана шундай муҳим воқеа бўлди. Мен бу китобни зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим.

Унинг амалий аҳамияти нимада? У кишиларда қандай таассурот қолдиради? У аҳолининг турли табақаларини қайси жиҳатлари билан қизиқтириши мумкин? Газетхонлар эътиборини ана шу масалаларга қаратмоқчиман.

Китоб кенг халқ оммасига мўлжалланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг ўз йўли — унинг ривожланиш шароитлари ва истиқболлари чуқур очиб берилган. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини қидириб, янги жамият қуришнинг ўз усулини ишлаб чиқади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ижтимоий тараққиёт жараёнида таркиб топган социал иқтисодий ва сиёсий вазият шуни тақозо қилади. Дунёда ижтимоий тараққиётнинг ҳилма-хил вариантлари бор. Ўзбекистон бошқа давлатлар ривожланиши жараёнида тўплаган барча энг яхши ва фойдали тажрибадан фойдаланиши турган гап. Бунда у Республикамиз ривожланишининг миллий шароитларини ҳисобга олади, албатта.

Муаллиф Республиканинг принципиал мавқеини аниқ таърифлаб берган. Бу мавқе социал иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий ривожланишнинг ўзимизга хос йўлини танлаб олишдан иборатки, бунда ўтмиш йилларидаги хатолар, давлат тузилишининг шакллари ва усулларига турлича қарашлар ҳисобга олинган. Бунда замонавий воқеаларга, вужудга келган ижтимоий воқеликка тўғри баҳо берилган. Ўзбекистон халқининг ижтимоий жараёнга қўшилиб, муносиб турмуш шароитига интилаётганлиги акс эттирилган. Муаллиф таъкидлаганидек, танлаб олинган йўлнинг асосий моҳияти ва мазмуни — сохта инқилобий сакрашларга, фожиали оқибатларга ва ижтимоий лаҳзаларга йўл қўймасдан, эволюцион йўл билан маърифатли, текис ривожланишга ўтишдан иборат.

Китобда Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка эришишидаги ўз йўлининг илмий асосланган мезонлари баён қилинади, бу эса аҳоли турмушининг таърифи, тарихий уфқлари, тафаккур тарзини, халқ анъаналари ва урф-одатларини, демографик вазиятнинг ўзига хослигини, миллий таркиб хусусиятларини, республиканинг қулай географик мавқеини, табиий иқлим шароитларини, одамларнинг ижтимоий онги ва қадриятларини ҳисобга олиш заруратидан иборатдир.

Муаллиф, янгиланиш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимизга хос йўли — республика ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини: иқтисодий, сиёсий, социал, маънавий, маданий ва бошқа соҳаларини қамраб олувчи мураккаб жараёндир, деёди. Буларнинг жами Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатини, унинг мустақиллигини таъминловчи умумий стратегияни белгилайди.

Газетхонлар эътиборини шу нарсага ҳам қаратмоқчиманки, китобда давлатнинг сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларидаги асосий вазифалари ниҳоятда аниқ баён қилинган. Бундай давлатга эришишнинг калити — фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлигини, мамлакатимиз яхлитлиги ва бирлигини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ташқи халқаро сиёсатининг шаклланиши жараёни баён қилинган боб зўр қизиқиш билан ўқилади. Миллий манфаатлар талабига жавоб берувчи фаол кўп қиррали ташқи сиёсатни амалга ошириш керак. Бу давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ҳамда ижтимоий тараққиётдаги иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир.

Ташқи халқаро сиёсатимизга қандай қоидалар асос қилиб олинган? Муаллиф таъкидлаганидек, миллий давлат манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш ташқи сиёсатда жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасидаги муносабатларда умумбашарий қадриятлар устиворлиги ҳамда ташқи сиёсатдаги ошкоралик, ички давлат ҳуқуқига нисбатан халқаро ҳуқуқнинг устиворлиги ва ниҳоят тўла ишонч асосида икки томонлама ва кўп томонлама ташқи сиёсатларнинг, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилишни ривожлантириш — муҳим мезонлардир.

Ана шу қоидаларнинг амалга оширилиши қисқа муддат — бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дунёдаги 125 мамлакат танишига, қиркдан ортиқ ажнабий мамлакатлар билан дипломатия муносабатларини ўрнатишга эришиш имконини берди.

Муаллиф ташқи сиёсатни амалга ошириш диалектикасини очиб берар экан, чет эл мамлакатлари билан давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари устида батафсил тўхталади, у МДҲ мамлакатлари ўртасида 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида таркиб топган муносабатлар устиворлигини, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг натижадор эканлигини таъкидлайди. Шу бобда Республикамизнинг бошқа давлатлар билан ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларидаги муҳим негизлар баён қилиб берилади.

Ўз-ўзидан маълумки, пухта ўйланган ва илмий асосланган, халқ ва ички сиёсат манфаатларига мос бўлган сиёсатсиз республика мустақиллигини мустаҳкамлаб бўлмайди. Шу сабабли рисолада республика иқтисодиётининг бозор муносабатлари асосида ривожланаётганлиги батафсил таҳлил қилинади. Муаллифнинг таъкидлашича, бозор иқтисодиётига ўтишда бозор механизми жорий этилгунча аҳолининг социал ҳимоясини мустаҳкамлаш, иқтисодий стратегияни ҳар қандай сиёсий мафкурадан ҳоли қилиш, инсон, давлат ва хўжалик тизилмалари манфаатларини уйғунлаштириш, иқтисодиётга раҳбарликда давлатнинг ролини ўзгартириш зарур. Фуқароларга ўз ташаббуси ва тадбиркорлигини ривожлантириш учун тенг имкониятлар бериш керак

Муаллиф чуқур иқтисодий билимлардан фойдаланиб, социал иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишларини аниқламай туриб, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш мумкин эмаслигини кўрсатади. Бизнинг мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги устун даражада ривожланиб келди, чунки аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларда яшайди, миллий даромаднинг 44 фоизидан кўпроғи қишлоқ хўжалигида рўёбга чиқарилади. Шу сабабли рисолада аграр дастурнинг асосий йўналишлари: фермерлик хўжалигини ривожлантириш, харид нархларини тартибга солиш, мулкка муносабат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бевосита тартибга солиб туришдан давлатнинг воз кечиши зарурлиги батафсил баён қилинган.

Китобда бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий мезонлари муфассал ёритилган. Бунда давлат мулкини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш муҳим рол ўйнаши керак. Иқтисод барқарор бўлган шароитдагина бозор муносабатларига ўтиш мумкин. Хўш, барқарорликка қандай йўл билан эришилади? Ана шу муҳим масалага муаллиф батафсил жавоб беради. Бу масала иқтисодчилар, аграрчилар ва бошқа барча ихтисосдаги меҳнаткашларни қизиқтиради, албатта.

Мустақил Республика қарор топишининг ва ривожланишининг сиёсий, иқтисодий негизлари билан бир қаторда муаллиф мустақил Ўзбекистон ривожланишининг маънавий, ахлоқий дастакларига тухталади. Бу дастаклар: умуминсоний қадриятларга садоқат, халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз интелектуал имкониятини эркин рўёбга чиқаришидан иборатдир.

Бу бобда сиёсий тарихимиз хусусида ҳам мароқли далиллар келтирилади. Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий сингари бобокалонларимиз сиёсий тарихимизнинг безагидир. Китобда инсон ва жамият маънавий ривожланишининг асосий манбалари ҳам очиб берилган. Ватанпарварлик, Ватанни севиш, байналмилалчилик, кўп миллатли давлат халқлари ўртасидаги дўстлик, инсонпарварлик ва инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига қатъий риоя қилиш ана шу манбалар жумласига киради. Турли халқлар ва мамлакатларга мансуб кишилар руҳан биродарлашсалар, бир-бирларини ҳурмат қилсалар, уларнинг тақдири порлоқ бўлади.

Ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган бу китобда давлатимиз мустақиллигининг ўтмишда ва ҳозирги даврда ривожланишига оид кўпгина мароқли қоидалар баён қилинган.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби жамиятшунос олимларга жамият тараққиётининг замонавий жараёнларини ўрганиш, тадқиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қила олади.

Барча ташкилотлар ва корхоналар, жамоа хўжаликларида, айниқса халқ таълимининг барча бўғинларида ана шу долзарб масалаларга бағишланган китоб юзасидан маърузалар қилиш ва суҳбатлар ўтказиш учун алоҳида соатлар ажратиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Элбек КАРИМОВ,
Тошкент аграр университети сиёсатшунослик кафедраси мудири, профессор.

ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

АЙНИ кунларда тамойилга кираётган фермерлик, ишбилармонлик ҳаракатларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Қичик корхоналарнинг ташкил этилиши, қурилиш маданий-маиший соҳасидаги муаммоларни тезроқ бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилаётганлиги халқнинг турмуш шароитини яхшилашга қўшилган улкан ҳисса деб қарамоқ лозим. Бу борада, айниқса Дўстлик районидаги Ленин номли давлат хўжалиги ҳудудида ташкил этилган кичик корхоналар фаолиятидан аҳоли мамнун бўлаётир.

Ўтган икки йил мобайнида якка тартибда уйжой қуришга беп боғлаган оилаларга «Дурадгор» кичик корхонаси усталари томонидан кўплаб эшик ва дераза ромлари ясаб берилди.

Жорий йилнинг бошларида хўжаликда маккажўхори қаламчалари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилармиш, деган гап чиқиб қолди. Лекин нарх-наво назоратга бўйсунмай кўйган бир пайтда шакар ва салат мойидан тайёрланадиган маккажўхори қаламчаларини ишлаб чиқариш ҳамда керакли маҳсулотни топиб келтиришнинг ўзи муаммо эди. Шунинг учун баъзилар «Ҳолва деган билан оғиз чучийвермайди», дегандек бўлишди. Лекин кичик корхона етакчиси Маҳаммаджон Турдиқулов ўзи бошлаган ишни аросатда қолдириб кетадиганлардан эмасди. У тез орада енг шимариб ишга киришди. Ўзи кўп йиллар монтёрлик, механизаторлик бўлимида механиклик қилиб кўзи пишиб қолган эмасми, қурувчилар билан шартнома тузиб, кичик корхона учун бино қуриб олди. Кейин маккажўхори қаламчалари ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатди. Садбарҳон Турдиқулова, Рухсора Мирфозилова, Мавжуда Турсунова, Норбодом Бобобекова, операторлардан Дилшодбек Аскаров, Адҳамжон Мадумаров, Абдуҳамид Қодировлар «Орзу» кичик корхонасида районда биринчи бўлиб, маккажўхори қаламчалари чиқаришни бошлаб юборишди. Кичик корхонанинг дастлабки маҳсулотлари совхоз болалар боғчасига етказиб берилди.

«Орзу» кичик корхонаси ҳали тўла оёққа туриб олганича йўқ. Унинг тўла қувват билан ишга тушиб кетиши учун хўжаликда бир талай ишлар қилиняпти. Шу мақсадда 27 гектар майдонда қанд лавлаги етиштириляпти.

Хуллас, бу ерда бозор иқтисодиёти шароитига ўтиб ишлашнинг барча қирралари ўзини намоён этмоқда. У ишчанлик, ишбилармонлик йўлларини ўзлаштириш, унумли меҳнат қилиб, салмоқли даромад олиш, ўз-ўзини таъминлаб, тўқ ва фаровон ҳаёт кечириш учун шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Т. СОЙНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти.

АВВАЛ ИҚТИСОД...



ҲАР бир халқнинг ўз озодлиги учун кураши асосий гоя — мустақиллик ва суверенитетга, миллий уйғониш имкониятларига эришиш йўлидаги интилиш руҳи билан чамбарчас боғланган. Кўп миллатли тузилмада бу ҳаракат барча миллат ва элатлар вакилларининг жипслашуви ва иноклиги, аҳолининг барча гуруҳ ва табақалари ягона фронтини шакллантириш асосида кечган.

Бу назария Ўзбекистонда бугунги кунда бўлаётган сиёсий жараёнлар ривожида ҳам тасдиқланмоқда. Тўғри, республикамиз мустақиллиги муаммоларни ўз-ўзидан, автоматик тарзда ҳал эта олмайди. Чунки мустақиллик тушунчаси фақат сиёсий тушунча бўлмай, социал-иқтисодий характерни ҳам касб этади. Мустақиллик — энг аввало ва биринчи навбатда иқтисодий ҳамда хўжалик жиҳатидан ўзига-ўзи хўжайин бўлиш маъносини билдиради. Демак, у моддий-техника, табиий, хомашё ва меҳнат ресурсларини, иқтисодиётнинг тузилмасини, социал ва ишлаб чиқариш кўламини ўз тасарруфига олмоғи керак.

Маълумки, Ўзбекистоннинг конституцион суверенитети бошқа республикалар қатори узоқ тарихий давр мобайнида Марказнинг иқтисодий ва сиёсий тазйиқи остида бўлди. Марказ бу регионга иттифоқ хўжалигининг мустамлакачиликка асосланган тузилма элементи деб қараб келди. 70 йил давомида иқтисодий, меҳнат ресурслари, миллий манфаатлар Марказ измида бўлди. Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаш Ўрта Осиё регионидаги республикаларнинг байналмилал бурчи, деган ғоя халқимизнинг қонқонига сингдирилди. Шу тарика бу ўлка Иттифоқ, кардош, чет эл давлатларининг ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондирувчи хомашё базасига айланиб қолди. Ўтказилган нотўғри сиёсат оқибатида «суверен республика» аҳоли жон бошига ҳисобланганда Иттифоқнинг ўртача кўрсаткичига нисбатан ялпи миллий маҳсулотнинг атиги 56 фоизини ишлаб чиқарадиган бўлиб қолди. Истеъмол бўйича кўрсатгич 59 фоизни, миллий бойликлар бўйича эса 50 фоизни ташкил этди.

МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ

Мустақиллик даражаси ва босқичи тавсифномасининг аниқ ўлчовларидан бири давлатнинг мулкка бўлган муносабатидир. Таҳлил ва ҳисоб-китоблар шуни кўрсатаяптики, Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон миллий бойликларининг асосий қисми Иттифоқнинг катта-катта вазирликларига топшириб қўйилди. Республикада ишлаётган йирик саноат корхоналаридан 12 фоизи Иттифоқ, 55 фоизи Иттифоқ-республика бўйсинувида бўлди.

Ялпи саноат маҳсулоти ҳажмининг 92 фоизи шу мулк ҳиссасига тўғри келарди. Республика қонуний мулкининг арзимаган қисмига эга бўлган Ўзбекистон Иттифоқ дотациясига ва мамлакатнинг бошқа регионларидан келадиган молларга умид кўзи билан боқишга мажбур эди. Чунки у ўз маҳсулотлари билан республика халқининг оддийгина эҳтиёжларини ҳам ўзи қондира олмасди.

Шу ўринда ижтимоий меҳнат такси-мотининг ривожланиши ва сиёсий тузилманинг етуклиги устида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз бўлур эди. Айтингчи, саноатда тайёр маҳсулот ҳиссаси атиги 50 фоизни ташкил этган, 80 фоиз кишлоқ хўжалик маҳсулоти эса ташқарига қайта ишлаш учун ташиб кетиладиган республиканинг мустақиллиги ва суверенитети ҳақида гап юритиб бўладими? Етиштирилаётган пахта толасининг атиги 12 фоизини, каноп толасининг 23 фоизини, нитрон толасининг 7 фоизини қайта ишлашга қурби етадиган республика саноатида индустирлаштириш тўғрисида гапириб бўладими? Ўзбекистонга ҳар йили эҳтиёж учун ташиб келтирилаётган товар ва маҳсулотларнинг умумий миқдори 2,6 баравар ошиб бораётган бир пайтда мустақиллик тўғрисида гап очиб бўладими?

Шундай қийин шароитда биз мустақиллик томон қадам ташладик. Эндиликда миллий манфаатларни ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳимоялаш муҳим вазифа қилиб қўйилмоқда. Таҳлилий ва статистик материаллар шуни кўрсатаяптики, республикада шу жиҳатлар маълум тарихий даврда ҳаммадан ҳам кўра камроқ таъминланган эди. Маълумотлар Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳосил қилинадиган миллий даромад умумиттифоқ даражасидан 2,3 баробар паст эканлигини исботламоқда. Банд аҳоли сони муттасил камайиб, 1989 йилда 39.4 фоизга тушиб қолди. Бундан маълум бўладики, демак республикада ҳар бир ишловчининг қарамоғида 7 киши бор экан. Бу кўрсаткич мамлакатда 2 кишини ташкил этади. Меҳнатга яроқли ёшдаги ҳар 9 кишининг бири социал ҳимояланмай ишсизлар табақасига қўшилиб бораверди. Туб миллат вакилларидан юқори малакали мутахассислар тайёрлашда Ўзбекистон собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирига тушиб қолганди.

Миллий маданият, тил, анъаналар, умуман халқнинг ўзига хос томонлари камситилиб келди, авлодлар билан боғловчи тарихий илдизлар ва алоқалар йўқола борди.

Умид қиламизки, Ўзбекистон мустақиллиги мустақил иқтисодиётни шакллантириш учун кенг имкониятлар очади, миллий ўзини ўзи англаш имконини беради, охир-оқибатда ҳар бир миллат ва элат ўзини Ўзбекистон Республикасининг ягона ва бир бутун суверен халқи деб ҳис этиши учун имконият яратади, янги жамият ва ҳамдўстликка тенг ҳуқуқли субъект бўлиб кириш, шартлашувчи юксак томонлар даражасида халқаро алоқаларга киришиш имконини яратади.

Арслон ТАҚСАНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Мўминов номли фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари номзоди.

МАРКЕТИНГ НИМА?

МАРКЕТИНГ — инглизчадан олинган сўз бўлиб, бозор ёки савдо-сотиқ маъносини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, маркетинг корхоналарда товар ишлаб чиқаришни, сотишни ташкил қилиш ва бошқаришнинг илмий дастурамалидир. Маркетингнинг асосий мақсади ва вазифаси бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш йўли билан товарларни ишлаб чиқаришни ҳамда сотишни ташкил қилиб, яхши фойда олишни уюштиришдир.

Бозор иқтисодиётининг муҳим таркиби бўлган маркетинг иши ва фаолияти унинг махсус дастурлари орқали амалга оширилади. Бу дастурларда харидорларни ва рақобатчиларни комплекс таҳлил қилиш ва ўрганиш асосида товарлар сифатини яхшилаш, товар нархини ўзгартириш реклама йўли билан товарга талаб горларни чақириш, товарларни ўз вақтида етказиб туриш, харидорларга маъқул тушадиган хизмат кўрсатиш каби чора-тадбирлар албатта кўзда тутилади.

XX-асрнинг 50-йилларига келиб ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил қилиш компаниялари фаолиятининг монополлашишининг кучайиши туфайли маркетинг юзага келди. Чунки монополиянинг кучайиши ишлаб чиқариш ва сотиш ташкилотларини истеъмолчиларга нисбатан юқори мавқега олиб келганди. Натижада халқ истеъмол товарлари турларининг камайиши ва уларнинг нархларини кескин ошиши вужудга келди. Бунақа шароитда нафақат асосий истеъмолчи — халқ, балки йирик-йирик компаниялар ҳам қийин аҳволга тушиб қолдилар. Бу эса ўз навбатида истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ҳаракатларни вужудга келтиради. Ишлаб чиқариш маркетинг воситасида ғоят тез ўзгариб турадиган бозор талабига мослашади ва юқори самарага эришади. Товар ишлаб чиқарувчилар маркетинг туфайли бозор билан узвий боғланадилар, ишлаб чиқариш манбаларини бозорталаб товарлар яратишга қаратадилар, соҳибкорлик ва тижорат ишларини режалаштирадилар. Маркетинг ўз фаолиятини қуйидаги муҳим қоидалар асосида олиб боради: товар ишлаб чиқариш талаби ва корхона имкониятларини ҳисобга олиш; харидор талабини тўла қондирилиши ва бўлажак талабни назарда тутилиши; мўлжалланган бозорда товарлар айтилган вақтда ва белгиланган миқдорда сотилиши; янги товарларни ўзлаштириш билан бир қаторда корхонанинг узоқ муддат мобайнида самарали ишлашига эришиш; корхонанинг ишлаб чиқариш йўналишлари, тутган йўли бозор шароитига, харидор талабига мослашиш билан чекланмай, балки талабни ўзи мўлжаллаган йўналишда ўзгартиришни таъминлайди.

Маркетинг корхона фаолиятининг дастлабки босқичи сифатида бозорни ўрганиш тадқиқотларини амалга оширишни тавсия қилади. Чунки, ишлаб чиқаришнинг негизида бозор таркибининг айрим аҳоли гуруҳининг, корхоналарнинг, ташкилотларнинг ва бошқа истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжи ҳақидаги ўрганилган маълумотлар ётиши керак. Ҳозир ғарбнинг етакчи мамлакатларидаги саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси компанияларининг катта қисми 90 фоизгача бозорни ўрганиш тадқиқотларини амалга оширадилар.

МИНДЖМЕНТНИНГ МАЪНОСИ

МИНДЖМЕНТ ҳам инглизча сўз бўлиб, бошқариш ёки ташкил қилиш маъноларини билдиради. Минджмент бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларни бошқаришнинг бир шаклидир. Минджментнинг мақсади моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлигига, доимий равишда маҳсулот турларини кенгайтириш ва янгилаш асосида уларнинг юқори сифатга кўтарилишига эришишдир.

Минджментнинг асосий вазифаси у ёки бу масаланинг ечими бўйича қарор қабул қилиш ва уни амалга оширишдан иборат. Бу эса ўз навбатида қуйидаги принциплар бўйича амалга оширилади: аниқ стратегиянинг мавжудлиги ва шу бўйича эркин ҳаракат қилиш; шахсий манфаатдорлик ва тадқиқот мақсадларининг интеграциялашуви; ташқи алоқалар бўйича махсус ахборотлар тўплаш, бевосита фирманинг ўзида ҳамда фирмалараро кадрлар алмаштириш ва янги ғоялар яратишда фаол иш олиб бориш; янги ғояларни баҳолаш тизимини шакллантиришдир. Минджмент ўз фаолиятида социал муаммоларни ўрганувчи фанларга суянади.

Минджмент асосан олтита тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади; мақсад ва вазифаларни аниқлаб олиш; мақсадга эришиш усулларини яратиш; бошқарув масалаларини амалга оширищ; кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш; қўйилган вазифаларни бажарилишини текшириб бориш; бошқарув таъсирини корректировка қилиб бориш.

МЕНЕДЖЕР ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

МЕНЕДЖЕР инглизча сўздан иборат бўлиб, у ёлланма профессионал бошқарувчи маъносини билдиради. Бозор муносабатлари ривожланган давлатларда компания, банк, молия муассасалари ва уларга қарашли бўлинмаларнинг раҳбар ходимлари, облигация заёмлари чиқариш (эмиссия) ва уни капитал бозорида ўтказиш билан шуғулланувчи банк синдикатлари раҳбар гуруҳи аъзолари ҳам менеджерлар ҳисобланади. Улар бозор иқтисодиёти таркиб топган жамиятда махсус ижтимоий қатламни ташкил қилади. Менеджерлар маъмурий-хўжалик раҳбарлиги соҳасида маълум мустақилликка эга бўлиб, уларнинг бозор муносабатларини қарор топтиришдаги роли ортиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида менеджерлар хизмати ишлаб чиқаришда ва товарлар муомаласини ташкил қилишда зарур омил бўлиб қолади.

Суюн АСАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФА Иқтисод илмгоҳи илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди.

КИЧИК КОРХОНА— КОНИ ФОЙДА

Беруний номли давлат хўжалиги кичик корхоналардан катта фойда кўраяпти. Беш йил муқаддам совхоз касаба уюшмаси кўмитасининг консерва цехи ташкил этиш ҳақидаги фикри баъзиларга эриш туюлганди. Лекин кўмита раиси Ражаббой Қодиров ўз сўзида собит турди. Ўша йили зарур асбоб-ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Кичик корхона дастлабки мавсумдаёқ 50 минг дона шартли банка консерва ишлаб чиқарди.

Сифатли маҳсулотларга ҳамиша харидор сероб. Куни кеча мазкур цех бу йил ҳисобига дастлабки маҳсулотларни чиқарди. Янги териб олинган помидорлардан тайёрланган консервалар совхоз дала меҳнаткашларининг тушлик пайтларида тановул қилишлари учун жўнатилди. Барча сарф-харажатларни маъмурият ва касаба уюшмаси ўз зиммасига олди.

Беруний номли совхозда ёрдамчи хўжаликларни кўпайтириш учун ҳам сай-ҳаракат қилинаяпти. Натижада йилига 4 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод, ойига 30 квадрат метр полос тўқийдиган цех узлуксиз ишлаб турибди.

Бу йил полиз сероб бўлиши кутилмоқда. Шуни эътиборга олиб, меҳнаткашлар дастурхонига 80 минг сўмлик ковун қоқи етказиб бериш режалаштирилган.

Совхоздаги кичик корхоналар ҳар йили 2,5 миллион сўмлик даромад бериши билан бирга, 400 нафар кишини иш билан таъминламоқда.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
Рўзиммат ЎТЕМУРОДОВ,
Қорақалпоғистон республикаси Беруний райони.

Суратда: консерва цехининг илғор ишчиси Гулчехра Одамбоева.

Ишбилармонлик

ЧИНОРЛАР

Ҳанифа Соипова ўз ишидан, ҳаётидан миннатдор. Шарқ хотин-қизларига хос сабрлилик, шукроналик уни шундай тарбиялаган. Менга қолса, унинг меҳнатини оғир, ҳатто жуда оғир, турмушини эса қийин бир шароитда ўтяпти деб ҳисоблар эдим. Агар ушбу мақолам чоп этилиб, Ҳанифанинг қўлига тушса, бу одамнинг менинг ҳаётим билан нима иши бор, турмушимга ўзгалар эмас, менинг ўзим баҳо беришим керак деб ўпкалаши мумкин.

УЗР, синглим Ҳанифахон, мен турмушингизни ёмон демоқчи эмасман. Баъзи бировларга нисбатан яхши яшаяпсиз. Умр йўлдошингиз Абдунаби Соипов яқинда олий маълумотли иқтисодчи бўлади. 2 ўғил, 2 қизингиз бор экан. Набиралар кўриб, буви ҳам бўлибсиз. Хўжаликда обрўингиз бор, яхшигина иш ҳаки оласиз. Ҳалол меҳнатингиз учун орден ҳам, медаллар ҳам беришган. Бироқ мен сизни, сизга ўхшаган барча аёлларни бундан анча яхши яшашларини, бахт-иқболларни чарақлаб, бутун умр бўйи қувончга тўлиқ бўлишларини истайман. Шу истак мени сут-товар фермасининг пешқадами бўлган сиз ҳақингизда ва умуман аёлларнинг ҳозирги меҳнатию ҳаёти тўғрисида жиддийроқ ўйлашга мажбур қиляпти.

Кейинги йилларда болалик аёлларни умуман ишдан озод қилиш зарур, деган гаплар чиқиб қолди. Албатта, бунга эришиш осон эмас. Лекин умид қилайлик, шундай кун келсин. Ўшанда сизга ўхшаш аёллар кетмон ва ўроқ ўрнига қўлига игна-ип олиши, бола тарбияси билан куйманиши, эркаклар ишдан қайтишига ширин, мазали таомлар тайёрлаши, қўшни аёллар билан узоқ суҳбатлар қуриши мумкин бўлар.

Ҳозир-ку қизингиз Насиба ишдан сизга нисбатан эртароқ келиб, қозон осади, уй супуради... Сиз эса кечаси соат учда фермага жўнайсиз. Ўн саккиз бош сигирни қўлда соғиб, қарамоғингиздаги ўн кунликкача бўлган бузоқларга қарайсиз. Бу ишлар олти-етти соат чўзилишини биламан. Кейин уйга қайтиб, кечки соат тўртда яна фермага кетасиз. Шу кетганча яна бел-олти, балки олти-етти соат ишлайсиз. Тасаввур қиламан, ишдан ҳорғин қайтасиз. Иложи бўлса, тезроқ уйқуга кетишу, яна соат учда ишга боришни ўйлайсиз. Фақат сиз эмас, бошқа сигир соғувчи аёллар ҳам шундай. Сизлар учун дам олиш куни йўқ, байрам-ҳайит йўқ. Бир йилда бир марта бериладиган дам олиш вакти эса нари борса йигирма тўрт кун.

Иккаламиз суҳбатлашиб ўтирганимизда енгил автомашина сотиб олиш ҳақидаги орзуингиз анча йилдан бери амалга ошмагани маълум бўлди. Бу менимча, барча хонадонларнинг орзуси. Қани энди машина бўлса-ю, узоғингни яқин, оғирингни енгил қилса.

Шерикларингиз сигирларни машинада соғишади. Улар ҳар килограммига 39 тийиндан ҳақ олишади. Сиз қўлда соғиб, ҳар килосига 4 тийиндан оласиз. Бузоқларнинг ҳар бирига тийиндан тўлашади. Сиз уйим-жойим, болам-чақам деб оғир меҳнатдан қўркмайдиган, болалар келажаги учун ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам урадиган валломат, фидойи аёлсиз. Хонадонингизда бўлажақ тўйлар ҳақида гап кетганида мен ўйланиб қолдим. Ҳали бир қиз чиқариб, икки келин олишингиз керак. Оналарча бўлмаса ҳам, бир ота сифатида бу ишлар қанчалик машаққат эканини тушунаман. Шу сабабли оналарга ачиниб кетаман. Оталарча демаганимнинг сабаби бор. Улар йўққа чидашади бугун, бўлмаса, эртага, бу йил бўлмаса, янаги йил иложи топилар, деб ўзларини юпатишади. Оналар эса тезда битмаган ҳар бир ишдан ўртанишади, асаблари таранг тортилади. Ишқилиб, сизларга тўзим берсин.

Бу йил қирқ икки ёшга киряпсиз, меҳнат фаолиятингизга эса ўттиз бир йил тўлибди. Демак ўн бир ёшлик қизалоқ пайтингиздан қўлингизга кетмон олиб, далага чиққансиз. Бундай қисмат — бутун шарқ болаларининг, аввало, ўзбек ва тожик болаларининг қисмати. Ҳозир Ўзбекистонимиз мустақиллик олиб, ўзини ўзи истаганча бошқариш имконияти туғилганда ҳам биз болаларни оғир меҳнатдан халос қилолмаяпмиз. Бу иллат асосан, ота-оналарнинг, барча катта ёшдаги кишиларнинг қон-қонига сингиб кетган дейман. Шундай бўлмаса, битта ёки иккита бола туғиб олган баъзи ёшгина, соғлом куч-қуввати бор аёл уйда ўтиради-ю, 12—15 ёшлик қизчалар далада кетмон чопиб, кунига ерга юз минг марта эгилиб пахта терармиди. Наҳотки биз, катталар, ўз фарзандларимизга нисбатан шунчалик шафқатсиз, тошмеҳр бўлиб кетганмиз?!

Эсимда, фермага ишга келганимга ўн йил бўлди, деган эдингиз. Сиз далани ёқтирар эдингиз, бироқ сигир соғувчи бўлишга тўғри келиб қолди. Чунки далада, пахтада ишлайдиганлар орасида ўттиз ёшдан ошган битта сиз қолган эдингиз. Бошқаларнинг ҳаммаси ёшлар — сиздан анча кичик ёшдаги ўсмирлар, асосан қизлар. Бу ҳам давримизнинг иллати. Афсуски, бу иллат тузалгани йўқ, ҳали-бери тузаладиганга ўхшамайди.

Синглим Ҳанифахон, ҳар ойда 3000 сўмдан зиёдроқ меҳнат ҳақи олаётганингизни айтганингизда, гапнинг рости, қувонишимни ҳам, хафа бўлишимни ҳам билмай қолдим. Бошқалардан кўпроқ даромад қилаётганингиз, албатта, яхши. Аммо бу уч йил аввалги уч юз сўмчалик ҳам қадри қолмаган сўм жуда қийин меҳнатингиз маҳсули эканини ўйласам, қувонч ўрнини афсус эгаллайди.

Бу гапларимни меҳнатдан, фермадан совутиш деб ўйламанг. Аксинча, сизнинг бардошингиз, уринчоқлик ва ишга меҳрингизга таҳсинлар айтаман. Лекин шуки, бу меҳнатингиз ҳозиргидан анча катта даромад ва мукофотларга лойиқ. Ана шундай кун тезроқ келса-ю, оналаримиз, опаларингилларимиз, қизларимизнинг меҳнати енгилроқ, турмуши яхшироқ бўлса дейман. Шунда турли касалликлар, камқонлилик, ногиронлик туфайли бевақт пенсияга чиқиш камайиб, ўз жонига қасд қилишлар йўқолиб кетармиди.

* * *

Гулистон районидаги «Бешбулоқ» жамоа хўжалигида яшовчи Ҳанифа Соиповага юқоридаги гапларни айтмоқчи бўлдиму, унинг шошиб турганини кўриб бу фикримдан қайтдим. Бу сердарахт, сермева қишлоқдан чиқаётганимда йўл бўйида савлат тўкиб турган азамат чинору унинг атрофида енгил тебраниб турган ёш чинор ниҳоллари эътиборимни ўзига тортди. Манави каттаси Ҳанифа, деган фикр ярақлаб ўтди миямдан. Ёш ниҳолларни Ҳанифанинг ўғил-қизлари, набираларига ўхшатдим. Шу чинорларни шамол йиқитмасин, сув оқизмасин, ўт куйдирмасин, илоҳим. Қичик ниҳоллар ҳам худди каттасига ўхшаб, ерга чуқур томир отиб, булутларга бўй чўзиб бораверсин. Уларнинг соясидан баҳраманд бўлганлар қўл очиб дуо қилишиб, экканга, тикканга минг раҳмат дейишсин.

Саминжон СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири,
Сирдарё вилояти.



Ҳунардан-унар, дейди халқимиз. Ёшлар ҳар қанча ҳунар ўрганса ярашади, топган-тутгани баракали бўлади. Қарши шаҳрида очилган «Мадина» номли кичик корхонада ёшлар ганчкорлик, дурадгорлик ҳунарини, турли ўйинчоқлар ва спорт анжомлари ясашни ўрганишмоқда. «Мадина» маҳсулотларига талаб катта. Булар тушган маблағнинг бир қисмини кексаларга, ногиронларга беришга аҳд қилишган.

Суратда: уста Элдор АМИРХОНОВ (ўнгдан иккинчи) ёшлар билан.

Ш. ШАРОПОВ суратга олган, ЎзА.

ДАРОМАД ЎЗИГА ҚОЛДИ

РОМИТАН пахта тозалаш заводи тўрт йил муқаддам «Москва» пахта тайёрлаш пункти ҳузурида ташкил этилган эди. Биринчи йилда Наримонов номли ва Ленин номли жамоа хўжаликлари пахтакорлари етиштирган ҳосил қайта ишланди. Чунки унинг қуввати бор-йўғи 8—10 минг тонна ҳосилни қайта ишлашга етарди, холос. Районда эса шу пайтда 35—40 минг тонна «оқ олтин» етиштириларди. Пахтанинг қолган 25—30 минг тоннасини Бухоро шаҳридаги пахта заводига элтишга тўғри келар эди. Бу эса ортиқча харажат бўлиб, анчагина маблағнинг бекорга совурилишига олиб келарди.

Буни пухта ўйлаб кўрган район раҳбарлари ва мутахассислар Ромитан пахта тозалаш заводи қувватини янада ошириш йўлларини изладилар. Қўшимча цех ва ускуналар қуришга киришилди. Тез орада завод 40 минг тонна пахтани қайта ишлаб берадиган йирик корхонага айланди.

Лекин бу билан барча муаммолар ҳал этилмади. Янги тўсиқлар пайдо бўлиб, даромад чегаралаб қўйиладиган бўлди. Чунки ўша пайтда завод «Бухаразаготхлопкопром» бирлашмасига қарар, у хўжаликларнинг пахтасини сотиб олиб, уни қайта ишлаш эвазига олинган даромаднинг бир қисминигина уларга қайтарар эди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, хўжаликларда етиштирилган «оқ олтин» корхонага топширилганидан сўнг унга фақат завод ягона хўжайин бўларди. Пахтани қайта ишлашдан келадиган мўмайгина даромадга завод эга бўларди. Ҳосилнинг асосий эгаси бўлган хўжаликлар эса озгина улуш билан бармоқ тишлаб қолаверишарди. Яқинда бу адолатсизликка барҳам берилди. Завод «Бухаразаготхлопкопром» ихтиёридан район агросаноат бирлашмаси тасарруфига ўтказилди. Райондаги пахта тайёрлаш, қабул қилиш пунктлари эса хўжаликлар ҳисобига ўтказилди.

Ўзгаришлар натижасида ўтган йили райондаги пахта етиштирувчи жамоа ва давлат хўжаликлари қарийиб ўн миллион сўмдан ортиқ соф фойдани шу завод орқали қўлга киритдилар. Район деҳқонлари фақатгина пахтачиликнинг ўзидан бултур 160 миллион сўмдан ортиқ даромад қилдилар.

Хўжаликлар деҳқонлари бир нарсани яхши англаб олишди: Улар қанчалик сифатли ва пишиқ пахта етиштирсалар, шунча кўп даромад қиладилар. Завод фақатгина ҳосилни қайта ишлаб бергани учунгина даромаднинг озгина қисмини чегириб қолади, холос. Қолган фойданинг барчаси хўжаликлар чўнтагига тушади. Пахтани тозалаш эвазига ҳосил бўлган чигит, шелуха, линт каби иккиламчи маҳсулотларга ҳам хўжаликлар эгалик қилишади. Уни қайси йўл билан сотишни ҳам ўзлари белгилайдилар.

Бозор иқтисодига ўтилаётган, озиқ-овқат, кундалик зарур молларнинг нархи ҳадсиз кўтарилган бир шароитда завод маъмурияти ишчиларга қулай иш ва дам олиш шароитлари яратиб бериш, уларни социал жиҳатдан ҳимоя қилишга катта эътибор бераётир. Худди шу мақсадда завод ишчилари учун ҳар бири юз минг сўм турадиган 10 та коттеж уй, уларнинг фарзандлари учун эса 140 ўринли боғча, уйга муҳтож меҳнаткашлар учун 32 квартирали иккита тўрт қаватли турар-жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мутахассислар тайёрланаётган маҳсулот — тола сифатини жаҳон бозори талаблари даражасида бўлишини таъминлаш устида бош қотиришмоқда. Улар ўз маҳсулотларини халқаро бозорга чиқариб, товар айирбошлаш эвазига танқис, кундалик зарур моллар, истеъмол товарлари, қурилиш материаллари, пахтани қайта ишлайдиган нодир машиналар, умуман олганда район меҳнаткашлари турмушини яхшилайдиган барча нарсаларни ўзаро келишув, тижорат йўли билан муҳайё этиш ниятидадирлар. Тижорат давр талаби, ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик эса тўкинлик калитидир.

Суннат БЕШИМОВ,
Ромитан райони.

№ 37
ИШОНЧ
1992

Кечиккан ғала изҳори

Шароф Рашидов таваллудига 75 йил тўлиши олдидан

ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАДИ

***ИНСОННИНГ** улуғлиги унинг одамийлиги, олий ҳимматлари, қилган ишлари билан ўлчанади. Бундай одамни тиригида ҳам, вафотидан кейин ҳам иззат-икромини ўрнига қўйиб, эъзозлайдилар. Бундай одамлар қанчадан-қанча юраклардан ўзига муқаддас жой олиб, бир умрлик мустаҳкам қаср қуришадики, уни қулатиш ва ҳатто ўрнидан силжитишга ҳам ҳеч қандай қуч-қудрат қодир эмас.*

Улуғ Ватан урушидан кейинги оғир йиллар эди. Аҳли юрт моддий-иқтисодий мушкулликни бошдан кечирарди. Уруш туфайли қурбон бўлган отам, онамдан айрилиб, кенг-мўлгина ҳовли-жойимиз кўзимга ниҳоятда тор ва шумшукдай кўриниб қолгандан кейин ҳайё-ҳу деб, Намангандан бош олиб чиқиб кетганман. Пиёдалаб йўл юриб, не-не саргузаштларни бошдан кечириб, Тошкентга етиб келганман. Ўзбекистон радиоси ўз бағридан паноҳ беради. Кейинчалик менга мураббийлик ва устозлик қилган Ҳаким Назир, Туроб Тўладан иш ўрганаман. Радио орқали «Пионер эрталиги»ни олиб бориш якка-ёлғиз менинг зиммамга тушади. Лекин кечираётган турмушимдан мамнун эмасдим асло. Ҳамма қатори бош кўтариб юришга ҳақ-ҳуқуқсиз сезардим ўзимни. Чунки қўлимда на бирон ҳужжатим бор, на турар-жойимнинг тайини ва бирон маҳалла-кўй (прописка) рўйхатида тураман. Хуллас, дарбадарлик ҳаддан зиёд жонга текканлар эди. Ана шундай кунларнинг бирида мени Шароф Рашидов йўқлаётганларини кимдандир эшитиб ҳайрон бўламан. Нимага бошқалар қолиб, келиб-келиб шундай қатта одам айнан мени йўқлайдилар? Мен киму у киши ким? Ўша маҳаллар Шароф ака Ўзбекистон ёзувчилари (союзи) уюшмасининг раиси, машҳур журналист эканликлари ҳақида таъриф-тафсифларни орқаворотдан эшитиб юрардиму бирон марта у кишини кўриш менга насиб қилмаганди. Хуллас, минг хил фикр-мулоҳазалар оғушида Тошкентдаги 1 Май кўчаси, 20-уйга жойлашган Ёзувчилар уюшмасини топиб, Шароф аканинг ҳузурларига яланг оёқ кириб бордим. Ийманиб-тортиниб, қатор стулларнинг бирига омонатгина ўтирар эканман, у киши қошларини хиёл чимирган ҳолда, бошдан-оёқ мени синчиклаб кузатаётганларини ҳам сездим. Кейин ҳол-аҳвол сўрадилар. Бошдан кечирганларимни эътибор билан тингладилар. Ҳаётий йўл-йўриқ хусусида нималар гапирганлари батафсил эсимда йўқ ҳозир. Фақат оталарча ғамхўрлик билан:

— Тошкентга қандай келиб қолганингу турмушинг қандай кечаётгани тўғрисида куни кеча айтишган менга, — дедилар. Кейин савол бердилар: — Хўш, биздан қандай ёрдам керак?

— Менинг паспортим йўқ,— дедим бир оз дудуқланиб,— паспортсиз радиога истисно тариқа ишга олишнинг эвини қилишди-ю, аммо бирон жойга прописка дан ўтиб, яшашнинг иложи бўлмаяпти.

ШАРОФ АКА ўша маҳаллар масъул котиб вазифасида ишлаётган, ҳозир эса машҳур ёзувчиларимиздан бири Шомил Аляддинни чақиртирдилар.

— Шомил ака,— дедилар у остона босиб кирар кирмас,— мана бу бола билан милицияга бориб, илтимос қилинг... Қўлида қалами бор экан, кўчада беҳуда тентираб куни ўтмасин. Шуни яхшилаб тушунтиринг уларга. Йўлини топиб, паспорт беришсин.— Шомил ака бажонидил хўп, деди. Орқама-орқа чиқар эканмиз Шароф ака бизни яна тўхтатдилар.— Паспортни олганингдан кейин бир келарсан,— дедилар менга,— ҳали айтиб берганларингни қоғозга тушириб, бир бошдан ёзмайсанми? Ҳа, шундай қил... — дея қўшиб қўйдилар. Шомил акага эса:— бунинг қўлига Литфондан юз сўм пул ҳам ундириб беринг!— деб тайинладилар.

Шомил аканинг ёрдами билан паспортли бўлдим. Кўнглим ўрнига тушди. Чунки ҳамма қатори тенг ҳуқуқлиман энди. Лекин гап бунда ҳам эмасди асли. Энг муҳими, эртанги куни нима бўлишини билмай, боши қотиб юрган кимсанинг кўнглини тоғдай кўтариб, ҳаётий йўл кўрсата билишликда эди. «Бир оғиз яхши сўз билан одамни хурсанд қилиш зарур бўлган жойда, унга хазина берсанг ҳам қарамайди», деган эди Алишер Навоий. Мен ҳам худди шундай вазиятни бошдан кечирдим. Шароф ака билан бўлган қисқагина мулоқотдан сўнг олис-олисликлар сари парвозга чоғланган лочин сингари ҳис қилдим ўзимни. Унчамунча шеърлар машқ қилиб юрардим, ҳикоялар ёзишга киришдим. Кетма-кет икки тўпламим босмадан чиқди. Ўқишни битириб, радиода адабий-драматик эшиттиришлар таҳририятининг катта муҳарририман. Ишим юришишга юришди. Аммо, Шароф аканинг «бир келарсан», деганларининг уддасидан чиқа олмадим. Чунки ўша биринчи учрашувдан кўп ўтмай, Ўзбекистон Олий (Совети) Кенгаши раислигига кўтарилиб кетган эдилар, уёққа кириш эса менга йўл бўлсин. Бунинг устига у кишининг эсларидан ҳам чиқиб кетгандирман, деб ўйлардим. Янглишган эканман. Шароф аканинг хотираларига қойил қолиш керак. Уларнинг кузатувларидамидим, билмайман, ҳеч нарсани унутмаган эканлар. Тошкент телевидениеси ташкил бўлармиш, деган миш-мишлар юрган кунлар. У пайтларда Марказқўм котибаси хизматини ўтаётган Зуҳро Раҳимовна Раҳимбобоева бошлиқ шу соҳанинг уддасидан чиқа оладиган қобилиятли ёшлар танлови ўтказила бошланди. Директорлик вазифасига Мирсолиҳ Мираҳмедович Мирағзамов тайинланди. Режиссёрлар, техник ходимлар учун ҳам одам топилди. Масъул муҳаррирликка эса Шароф Рашидович мени тавсия қилибдилар. Буни Зуҳра Раҳимовна кейинчалик айтиб берган эди.

Шу-шу мен телевидениенинг энг биринчи муҳаррирларидан бўлиб қолдим. Синов кўрсатув (у маҳаллар синов эшиттириш деб юритиларди) бошланишига пухта тайёргарлик кўрдик. Илк кўрсатувимизга айнан Шароф Рашидовни таклиф қилганмиз. Ҳаммамиз Олий (Совет) Кенгаш раисини кутиб олиш учун кўчага чиқдик. Шароф ака машинадан тушибоқ, чаққон келиб, барча билан сўраша бошладилар. Мен яна ийманиб, четда — орқароқда турардим. Эътибор бермасалар керак. деб ўйлардим. Яна янглишибман. Ким биландир сўраша туриб, мен томон нигоҳлари тушди-ю, одатдагича қошларини хиёл чимирган ҳолда билинар-билинмас жилмайиш билан «қалайсан?», дегандай имлаб қўйдилар. Кейин дарров қўл чўзиб, нима ҳақдадир савол бердилар. Кутилмаганда қулоғим ғип битиб, нима деганларини пайқамай қолдим. Назаримда анави топшириқни бажармадингми ҳалигача, дея енгил танбеҳ бергандай бўлдилар. Вужудимни илиқ тер босди. Лавлагидай қип-қизариб кетдим. Ҳамма менга қаради. Биров аҳволимга ачинди, биров мазахнамо кулди чамамда.

Шароф ака шу оқшом экран орқали янги телевидение ташкил бўлиши муносабати билан ҳаммани табриклаб, қисқа маъруза қилдилар. Студиядан чиқишлари билан бари ходимлар ўраб олишди. Яна Шароф ака барчани ғалаба билан қутлаб, ишларида муваффақият тиладилар. Мирсолиҳ Мираҳмедович у кишини машинагача кузатиб келди-да, тўппа-тўғри менга юзланиб, «Сизни танир эканлар, «анави қора болани ишга олиб, яхши қилибсиз», дедилар, «Хурсанд бўлдим» деди. Буни ҳамма эшитди. Эртасиданоқ бутун жамоа ўртасидаги обрўйим икки-уч бор ошиб кетди. Барчанинг эътиборидаман. Лекин бундан ҳеч-ҳеч мағрурланмадим. Фикри-хаёлимни Шароф аканинг ўша илк учрашувдаги «...айтиб берганларингни бир бошдан ёзмайсанми? Ҳа шундай қил», дея тайинлаганлари банд қилган бўлиб, асло тинчлик бермасди. У киши мендан доим худди шуни кутаётгандай назаримда.

У ПАЙТЛАР ишчилар ҳаёти мавзусидаги асарларга алоҳида аҳамият бериларди. Шароф аканинг «Ғолиблар» повести (кейинчалик тўлдирилиб, қайта ишланиб, роман деб атала бошланди) ҳам айнан шу мавзуда ёзилган. Мен уни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Кейин таваккал қилиб, ишчилар синфи ҳақида асар ёзишга астойдил бел боғладим. Уни мен ҳам повесть деб атадим. Қўлёзма билан батафсил танишиб чиққан Саид Аҳмад ака эса бутунлай фикримни ўзгартириб юборди:

— Бунинг повесть эмас, роман бўлибди. Роман деб айтавер — деди.

Саида Зуннунова эса асарга «Йўл» деб ном қўйиб берди.

Китоб босмадан чиқиши биланоқ, бир нусхани Саид Аҳмад акага бердим. Шунда у:

— Бу китобингни ёзиш ғоясини биринчи бўлиб Шароф ака берган демаганмидинг?— деб сўради. Кейин маслаҳат берди:— Шунинг учун бир нусхани уларга юбор. Иккинчисини Абдулла Қаҳҳорга етказ...

Унинг айтганини қилдим. Лекин ўша кундан бошлаб паққос тинчим йўқолди. Икки устоз ўқишаётган бўлса, нима фикрга келишдийкин, энсалари қотиб, ғойибона таъна тоши отишмаётганмикин, айниқса, Шароф акага ёқмай, қўлингдан келадиган ишни қилсанг-чи, тирмизак, роман ёзишни ким қўйибди санга, дея жаҳллари чиқмаётганмикин, деб хуноб бўламан. Шу тарзда ич-этимни ейман, эшитадиган таъна-дашномларимни тасаввур қилиб, кечалари уйқум қочади.

Абдулла Қаҳҳор бир куни «Романингизни Кибриёхон билан бирга ўқияпмиз. Ярмига келиб қолдик», дедилар. Лекин яхши ҳам демадилар, ёмон ҳам. Шунисига шукур, деб кўнглим хиёл тинчиди. Шароф акадан ҳам шу хилда гап эшитсам майли эди. Фақат ранжимасалар бас, дейман.

ОРАДАН етти-саккиз ой ўтди. Ниҳоят, уй телефоним жиринглаб қолди.

— Жон!— деган овоз келди трубкадан. Одатда Асқад ака, Туроб ака, Раҳмат акагина шундай мурожаат қилишарди менга. Лекин буниси Раҳмат Файзийлигини дарров танидим,— биринчига китоб берганмидинг?— Гап нима ҳақда бораётганини тушундиму, нафасим ичимга тушди. Трубка ушлаган қўлим қалтираб кетди.— Сандан сўраяпман, Жон?— давом этди Раҳмат ака. Ғулдирғулдир қилиб, нима жавоб қилганимни билмайман.— Столи устида экан. Рамзиддин билан бирга кириб борувдикки, қўлига олиб, «Мана бу китобнинг авторини танийсизларми, — деб сўради биздан. Мен ҳазиллашиб, йўқ, танимайман, дедим. Енгил кулишдик. Менимча охиригача ўқимагану у ер-бу еридан чўқилаган шекилли:—«Мендан салом айтиб, раҳмат, деб қўйинглар. Шу хилда ёзишни давом этаверсин», деди кейин. Ҳа, укам бу ҳам сенинг ютуғинг. Лекин шундай-шундай бўпти, деб бировга оғзингдан гуллаб юрмагин, ҳар ким ҳар хил фикрга бориши мумкин-да, шундай эмасми? Менга тушундинг-а?

Раҳмат акага ташаккур айтишни ҳам унутиб қўйдим. «Хайрият, хайрият», дейман нуқул. Дилим кундай ёришиб кетди. Дунёда мендан бўлак бахтиёр одам йўқдай эди, гўё. Ўзимни қўярга жой тополмай кўчага чиқаман, уйга кираман. Раҳмат аканинг огоҳлантиришини унутиб қўйиб, кимгадир телефон қилгим, мақтангим келади. Ким биландир «дардлашсам» дейман. Эртасидан бошлаб, Шароф аканинг айтганларини такрорларармикин, деган ниятда Рамз Бобожоннинг оғзини пойлайман. Назарига тушишга интиламан ҳадеб. Бироқ, у жим. Ниҳоят бир куни ёзувчилар уюшмаси биноси ёнида машина кутиб турганини кўрдиму, бетакаллуфгина яқинлашдим.

— Рамз ака, аҳовунда Шароф аканинг олдида бўлибсизларми?— ўсмоқчиладим дадил.

— Ҳа,— деди у дафъатан эсига тушгандай, лекин шошилмай,— роман берганмидинг?— деб сўради.

— Шундай бўлувди.

— Яхши ёзибди, деб мақтаган бўлди. Сенга салом айтиб қўйиқимни сўради.

Ҳар ҳолда Раҳмат Файзийнинг айтганларини тасдиқлатиб олганимдан мамнунман.

ШАРОФ АКАНИНГ икки оғиз оддийгина таъбири адабиётга бўлган мендаги ҳавас чўғининг аланга олишига сабаб бўлди. Ижодий қобилиятимга нисбатан астойдил ишонч туғилди менда. Дадил парвозимга қаноат бахшида этди. Қатор қиссалар ёздим. Етти романнинг муаллифиман. Шунинг учун бир умрга миннатдорман у кишидан. Дарвоқе, муҳтарам зотнинг эл-юрт фаровонлиги йўлидаги беҳисоб хизматлари, минглаб бошқаларга қилган яхшиликлари олдида менга кўрсатилган лутф-карамлар заррага тенгдир. Аммо, ҳақиқий инсоннинг инсонийлик хислатлари, бетакрор ҳимматларини рўй-рост далиллаш учун шу кичик таърифнинг ўзи кифоя эмасми?

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

Биздан сўрабсиз

???

Савол: Мен германиялик Клаус Науман исми-шарифли фермер билан хат орқали танишман. Акам ҳарбий хизмат чоғида унинг уйида меҳмонда бўлган экан. Энди у менга мусиқа асбоби юбормоқчи. Агар юборса, менга етиб келадими? Уни қаердан оламан?

Ғайрат ҚАЛАНДАРОВ,
Сирдарё вилояти, Бахт шаҳри,
Охунбобоев кўчаси, 19-уй.

Жавоб: Дўстингиз Клаус Науман мабодо сизга мусиқа асбоби юбормоқчи бўлса, Сиз унга уй адресингизни, алоқа бўлими номерини жўнатинг. Чет элдан жўнатилган ҳар қандай совға Тошкент темир йўли вокзали қошидаги халқаро алоқа бўлими божхонасида назоратдан ўтказилиб, кейин тўғри сизнинг уй адресингизга жўнатилади.

???

Савол: Яқинда дўстим билан баҳслашиб қолдим Товуқнинг битта тухумидан иккита жўжа чиқадими? Илтимос, табиатнинг ушбу мўъжизаси ҳақида маълумот берсангизлар.

Салом билан,
Райҳон САФАРОВ,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон шаҳри.

Бу саволга ёш биолог олим, ТошДУ аспиранти Фарход ЖУМАЕВ жавоб беради.

Жавоб. Савол жуда ҳам ажойиб. Тўғрисини айтсам, менинг ўзим ҳам бу воқеага гувоҳ бўлмаганман. Лекин иккита сариғи бор тухумни учратганман. Биологиядан махсус Генетика фани ажралиб чиққан бўлиб, бу фанда асосан тана аъзолари, белгилари, авлодларнинг ўхшашликлари ва ўзгарувчанлиги ўрганилади. Генетика фанининг «Эгизаклар» методи бор. Бу методда эгизакларнинг одамлар, ҳайвонлар, қушларда пайдо бўлиш сабаблари ҳужайранинг мейоз йўли билан бўлинишида бўладиган ўзгаришлардан келиб чиқади. Шундай қилиб, товуқларнинг бир тухумидан иккита жўжа чиқиши назарий жиҳатдан табиий ҳол ҳисобланади.

???

Савол: Атоқли, ардоқли шоирамиз Зулфия ва унинг фарзандлари ҳақида билгим келади.

Холисхон ҒОЗИЕВА,
Фарғона вилоятининг
Қува районидаги
«Бўстон» жамоа
хўжалиги бригадири.

Жавоб: Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг фарзандлари — катта суянч тоғлари Ҳулкар ва Омон. Ҳулкар Олимжонова Тошкент Давлат университетида кўп йиллардан бери муаллима, Омон Олимжонов эса Ўзбекистон Олий Кенгашида етакчи мутахассис. Ҳар икковлари ҳам фан номзоди, оилалик, бола-чақалик.

Зулфия опа фарзандларининг ва дилбар келини Риояхоннинг, ҳамда набиралару эвараларнинг меҳр-ардоғида фароғатли ҳаёт кечирмоқдалар.

???

Савол: Орзуим кинооператор бўлиш. Халқимизнинг қийин ва мураккаб ҳаёти лавҳаларини ленталарга туширсам, деб юраман. Ўзбеклардан чиққан биринчи кинооператор Худойберган Девоновнинг номини эшитганман. Лекин унинг қандай қилиб оператор бўлгани ҳақида билмайман. Агар мумкин бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз.

Нормурод ЙЎЛДОШЕВ,
Қарши шаҳридаги
1-мактаб ўқувчиси.

Жавоб: Хивада 1878 йили туғилиб, вояга етган Худойберган Девонов Хоразмга сургун қилинган немис санъаткорлари билан танишади. Панор бува деган қария унга киноаппарат билан муомила қилишни ўргатади. Унинг отаси котиблик қилиб топган пулини ўғлини ўқитишга сарфлагани учун ҳам Худойберган 1907—1908 йилларда Москва ва Петербергга сафар қилиб, у ердан илм-фаннинг мўъжизалари — телескоп, граммафон, фото ва кино аппаратлар олиб келади. Ва Урганч, Хива бозорларини, серқатнов кўчаларни суратга ола бошлайди. Шундай қилиб Худойберган Девонов 1913 йилда 114 метрлик «Ўрта Осиё меъморчилиги», 1916 йилда 160 метрлик «Туркистон кўринишлари», «Хива ва хиваликлар» каби фильмларни яратади. Хоразмга Охунбобоевнинг келишини, янги мактаблар очилишини, воҳага биринчи трактор келишини суратга олади. «Шарқ юлдузи» киноширкати ташкил топгач, Девонов Тошкентга таклиф этилади. Афсус, ўттизинчи йилларда у ноҳақ туҳматга учраб, қатағон қилинганди.

???

Савол: «Қутадғу билиг» номли асар ҳақида қисқача маълумот берсангиз. Чунки биз мактабда ўқиган пайтда бундай асарлардан бебаҳра қолганмиз.

Ўктам ЛАТИПОВ,
Хоразм вилояти,
Қўшкўпир райони.

Жавоб: Жаҳон адабиётининг нодир асарларидан бири «Қутадғу билиг» яъни «Саодатга бошловчи билим» номли бу китобни 1069 йилда улуғ шоир Юсуф Хос Хожиб яратган. Инсоний фазилат ва энг яхши хусусиятлар ҳақидаги бу китоб шоирнинг ўзи айтганидай:

Бошдан охиригача донолар сўзи
Гўёки тизилган маржондек ўзи

Шоир кўплаб ўлкаларга сафар қилиб, халқ ҳаётини, маданий адабий ёдгорликларини, анъаналарини пухта ўрганиб, асарни бир ярим йилда ёзади ва унда инсон комолотининг қатор белгилари ҳақида фикр юритади.

Шуниси қизиқки, инсон фазилатлари асар қаҳрамонлари сифатида рамзийлаштирилган. Масалан, адолат-Кунтуғди деб номланади ва шоҳ вазифасини бажаради. Давлат — Ой тўлди, ақл-заковот — Угдулмиш, қаноат — Ўзгурмиш кабилар. Улар шоҳнинг маслаҳатчилари сифатида баён этилади.

Китоб «Чўлпон» нашриётида бундан икки йил олдин 75 минг нусхада чоп этилган. Балким, сиз уни қишлоқ кутубхонасидан топиб ўқирсиз. Китобда айтилганидек:

Киши кўнгли гўё туби йўқ денгиз
Билим бор тубида, у инжу тенгсиз.

???

Савол: Тўрт яшар ўғлим негадир қўрқоқ. Нима қилсам бу камчиликнинг олдини олган бўламан.

С. КАМОЛОВА
Жиззах.

Жавоб: Биринчидан, фарзандингиз билан сайр қилиб юрганда ит, мушук, от, қўй каби ҳайвонларни кўрсатиб, ҳеч қачон «Қоч, еб қўяди, тишлаб олади» қабилида уни қўрқитманг.

Иккинчидан, бола ўйнаб юриб йиқилиб тушганда «Вой, шўрим» деб бақириб юборманг. Жиддий, босиқ ҳолда «Ҳеч нарса қилмайди, ўзинг полвон боласан» деб овутинг. Учинчидан, бола уйда ёлғиз қолмаслик учун ёки қоронғи хонада бир ўзи ухламаслиги учун баҳоналар ўйлаб топа бошласа дарров ниятини сезиб, масалани ижобий ҳал қилинг. Тўртинчидан, бола тунда нимадандир қўрқиб йиғласа ё сизни чақирса: уни уришиб берманг, аста юпатиб, мустақил ўзи ухлашга ўргатинг. Энг муҳими, болалар ёнида ваҳима қилманг. Агарда, сиз доим хотиржам, довюрак бўлсангиз у сиздан ўрнак олади.

???

Савол: Аёлларнинг қабристонни зиёрат қилишлари шариатга тўғри келадими?

Роҳила ЖУМАНОВА,
Қарши шаҳри.

Жавоб: Қабрларнинг зиёрати хусусида расулуллоҳдан шундай ҳадис бор: «Қабрларни зиёрат қилинглар, улар сизларга охиратни эслатади». Бу ерда зиёрат эркаклар учун хосдир. Аёлларни эса шариат қабристонга боришдан қайтаради. Оллоҳга қилинадиган ибодат яъни, намозда аёллар овозларини чиқаришлари мумкин бўлмаган ҳолда, қандай ҳам қабристонга бориб, овозларини чиқариб йиғлашларига рухсат берилсин? Ҳақиқатан ҳам Оллоҳдан қўрққан, ўзини мусулмон деб ҳисобловчи аёл шариат рухсат этмаган жойга бормайди.

«101 саволга 101 жавоб» рисоласидан олинди.

???

Савол: Менинг исмимни онамнинг бувилари ҳурматига Наима, деб қўйган эканлар. Ота-онамдан ва бошқалардан исмимнинг маъносини сўрасам ҳеч ким айтиб бера олмайди. Илтимос, исмимнинг қандай маъно англатишини аниқлаб берсангиз.

Наима ШОМИРЗАЕВА,
Наманган вилояти,
Янгиқўрғон райони.

Жавоб: Сизнинг исмингиз арабчадан олинган бўлиб, Наъим — яъни бой-бадавлат, роҳат-фароғатда яшовчи киши деган маънони англатади. А-ҳарфи эса аёллар номига қўшиладиган қўшимчадир.

Саҳифани маънавият, маданият ва табиат бўлими тайёрлади.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕЗ ОРАДА ТАНГЛИКДАН ЧИҚИБ ОЛАДИ»

— Турғунбой ака, биринчи суҳбатимизнинг якунида... «меҳнаткашларнинг манфаатдорлигини таъминлашга эришиладиган асосий йўл бу — мулкчилик муносабатларининг барча шаклларини имконият даражасида тенг ва кенг қўллашдан иборатдир» деган эдингиз.

— Тўғри, худди шундай девдим. Энди Тўлқин ака, шу мулкчилик муаммолари ҳақида бироз тўхтасак. Чунки кейинги ярим асрдан ортиқроқ муддат даврида мулкчиликнинг шахсдан тўлиқ алоҳидалашуви шаклларида. Алоҳидалашувнинг моҳияти шундаки, кишилар ишлаб чиқариш воситаларига, меҳнат анжомларига, ҳатто меҳнат натижаларига ҳам ўзиники деб эмас, балки ўзганики деб қарашлигида намоён бўлди. Аниқроғи, мулк шу нуқтаи назардан қараганда ҳеч кимникига айланиб қолди. Ҳатто бу мулкнинг шахсдан алоҳидалашувини ижтимоий мулкчиликнинг муваффақияти деб баҳоланди. Бу «муваффақият»нинг асоси сиёсий иқтисод дарсликларида қўйидагича таъкидланди: «Агар жамиятда ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги ҳукмронлик қилса, унда киши киши томонидан эксплуатация қилинмайди. Ҳўжалик планли равишда ривожланади, ижтимоий ишлаб чиқариш кишиларнинг ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондиришга бўйсиндирилган бўлади». Назарий жиҳатдан тўғри бўлган бу фикрлар, биласизми, амалда ўз ифодасини топмади. Аниқроғи ана шу ажойиб фикрларни ҳаётга татбиқ этадиган механизм барпо этилмади. Бу билан халқнинг фаровонлигини таъминлаш учун шакланган мулкчилик муносабатларининг асосига зил кетди. Натижада денг, иқтисодий тараққиёт ўз суръатларини пасайтира бориб, сўниш даражасига етди.

— Юзага келган вазиятни шу ишларга масъул ўртоқлар англашадими ёки бу муаммолар қоғозда ифода этилганча қолиб кетаверадими!

— Нега англашмасин, англашади. Фақат шуни айтишим керакки, бир гуруҳ кишиларда мулкчилик муносабатларини тўбдан ислоҳ қилиш эҳтиёжи пайдо бўлган бўлса, иккинчи гуруҳ кишилар эса мавжуд мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш асосида мустаҳкамлаш йўлини маъқул кўряптилар.

— Сизнингча қайси йўл тўғри!

— Мулкий муносабатларга тегишли мулоҳазалар ҳақида фикр айтишдан олдин, агар рухсат берсангиз, мулкий ҳуқуқнинг айрим томонларига тўхталиб ўтсам.

— Марҳамат.

— Мулкий ҳуқуқ табиатига кўра, бирор шахснинг буюмга, нарсага бўлган муносабатинигина эмас, балки шу буюм ёки нарсага нисбатан шахслар ўртасидаги имкониятларнинг доирасини ҳам белгилаб беради. Мулкий ҳуқуқ ўз таркибига кўра уч қисмга бўлинади: эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда фармойиш бериш ҳуқуқи. Мулкдор ўз фаолиятида айтиб ўтилган уччала ҳуқуқдан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга. Эгалик қилиш ҳуқуқи мулкка таъсир қила олиш имкониятини яратади. Фойдаланиш ҳуқуқи эса шахсга мулкнинг маълум бир фойдали хоссаларидан ўз эҳтиёж ва заруриятини қондириш йўлида тасарруф этишни англатади. Фармойиш бериш ҳуқуқи деганда, мулкнинг тақдирига (сотилиши, совға қилиш) тегишли қарор қабул қила олиш тушинилади.

— Ундан чиқди, биз мулкдор деб ҳисобланган меҳнаткаш халқ ўзининг барча ҳуқуқларидан четлаштирилган экан-да, Турғунбой ака!!

— Сиз бошқача фикрдамидингиз?

— Ҳар қалай унда бу ҳуқуқлар давлат ташкилотларидаги амалдорлар қўлида мужассамлашган бўлиб қолади-ку!

— Ҳа, худди шундай. Бунинг устига мулкий ҳуқуқларнинг баъзи амалдорлар қўлида мужассамлашуви кишиларнинг катта бир қисмини яна бир касалликка чалинишини кенгайтиради. Бу касаллик «амалдорликка интилиш»дан иборат. Бу «касаллик»нинг янг авж олиш жараёни билан шахснинг мулкий ҳуқуқларининг поймол этилиши жараёни орасида узвий алоқадорлик кузатилади. Хуллас, оддий халқ мулкдан алоҳидалашган сари, бир ҳовуч амалдорлар мулк устидаги «амал» деган елканли қайиқларда шамол қаёққа қараб эсса, шу томонга қараб сузишаверади.

— Демак, бу ўхшатишдан шуни тушундимки, мулкдор билан мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва фармойиш бериш ҳуқуқига эга бўлганлар орасидаги бузилган мутаносибликни бартараф қилиш керак.

— Тўғри, худди шундай. Энди мулкчилик муносабатларини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркиби нуқтаи назаридан таҳлил қилиб кўрайлик. Жами ижтимоий ишлаб чиқариш икки қисмдан: ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришдан иборат десак, меҳнаткаш халқ учун фақат истеъмол буюмларигина тақсимланади.

— Ишлаб чиқариш воситаларининг асосан ҳаммаси шахсдан алоҳидалашган мулк сифатида корхоналарга тақсимланади-ку!

— Ҳа, тақсимланади. Лекин мана шу тақсимланган мулкни олган корхоналарда мулкдорлик ҳуқуқи таъминланмаган. Шу туфайли корхоналар мустақил ва эркин фаолият кўрсата олмайдилар.

— Унда корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини қандай амалга оширишади!

— У бир неча табақали ва поғонали бошқарув йўли билан амалга оширилади. Масалан, 1989 йил охирига келиб, корхоналарнинг 38 фоизи собиқ иттифоқ, 54 фоизи собиқ иттифоқ-республика, 8 фоизи эса республика мулкчилиги тасарруфида бўлган. Корхоналар, давлат ёки кооператив мулкига эга бўлишидан қатъи назар, барчаси учун умумий бўлган ёки бир-бирига жуда ўхшаш молиявий тизгин билан боғлаб қўйилгандир. Корхоналардаги ишлаб чиқаришни бошқарув, асосан юқоридаги кўрсатмаларни ва давлат топшириғини бажаруврга қаратилганди. Меҳнаткашлар эса ишлаб чиқаришни бошқарувдан четлаштирилганди.

— Бу аҳволда жамият, жамоа ва шахс манфаатларининг ўзаро муштараклиги барбод бўлади-ку!

— Барбод бўлади эмас, барбод бўлди ва ҳатто улар орасидаги номувофиқликлар зиддиятга айлана борди. Шахснинг самарали меҳнат фаолиятини рағбатлантирувчи омиллар шакланмади. Ҳўжаликни оқилона омилкорлик билан юритишга эҳтиёж йўқолди.

— Нега шундай қилинди!

— Бунга асосий сабаб бир томондан шахснинг ва меҳнат жамоасининг ижтимоий мулкдан ва уни бевосита бошқаришдан маҳрум этиши бўлса, иккинчи томондан бошқарув аппаратининг бюрократлашуви асос бўлди.

— Демак, бошқарув аппарати бюрократлашувининг илдизи ваколат берган кишиларнинг манфаатларидан, алоҳида шароитлар пайдо бўлганлигига, меҳнаткашлар томонидан қатъий назорат ўрнатилмаганлигига ва ҳисобот талаб қилинмаганлигига бориб тақалади.

— Тўғри. Буларнинг ҳаммаси давлат мулкчилиги муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига акс таъсир кўрсатувчи омилларидан бирига айланганлигидандир.

— Бу тушунарли. Энди, Турғунбой ака, шахсий мулкчилик билан боғлиқ муносабатлар ҳақида ҳам бироз суҳбатлашсак.

— Ўзиям шу масалага келдик. Бизда шу пайтгача шахсий мулк асосан шахс ва унинг оила эҳтиёжлари доирасида ишлатилиши кўзда тутилган.

Ундан бирон-бир даромад манбаи сифатида фойдаланиш қонун билан чегараланган ёки тақиқланган. Қисқаси, сен барча даромад келтирадиган фаолиятингни корхонага бориб бажаравергин. Корхона эса давлатдан қайтганини сенга ва бошқаларга тақсимлаб беради. Бу билан шахсий мулкнинг ривожланиш жараёни сунъий равишда секинлаштирилди. Хусусий мулк тушунчаси жамият учун ёт нарсага айлантириб қўйилган эди. Чунки хусусий мулк шахсий мулкнинг бирон-бир даромад олиш учун фойдаланишдан иборат эди.

— Мулкка бунақа, бир томонлама қараш билан, яъни бир кишининг даромади ортиб, унинг бойиб кетишидан хавфсираш билан бир қаторда, нима учундир, иккинчи бир кишининг шу пайтнинг ўзидаёқ эҳтиёжи қондирилмай қолаётгани назардан четда қолибди-да.

— Афсуски, бутун жамият миқёсида қондирилмаган эҳтиёжларнинг тўплануви, кенгаюви ва мураккаблашуви давом этаверди. Чунки давлат сиёсатининг кишилар хоҳиш иродасига зидлиги бартараф этилмаган эди. Шахсий мулк эгасининг аҳволига чидамаган фидойи инсон — ёзувчи Эркин Воҳидов бундай нидо қилади:

Ўйла ким қайғурар очмизми, ё тўқ,
Азизим, бефойда даъводан кечгин.
Давлат деган сўзнинг бош-оёғи йўқ,
Давлат — бу ҳаммамиз, давлат бу ҳеч ким.

— Республикамизда шу масалада ҳозир бирон-бир иш қилинаяптими ёки йўқми!

— Албатта қилинаяпти. Бозор иқтисодиётига ўтиш бўляпти. Бозор деганда энг аввало мулкчилик муносабатларини ўзгартириш деб тушунмоқ керак. Мулкчилик муносабатлари ўзгариши билан ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам ўзгаради.

Республикамизда мулкчилик муносабатларига тааллуқли муаммоларни ҳал этиш борасида бир қатор қонунлар ва бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Улар тезда ўз самарасини бериши керак.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жуда мураккаб жараён. Унга ҳар томонлама чуқур тайёргарлик талаб этилади.

— Бу тушунарли. Энди айтинг-чи, хусусийлаштиришдан кузатилаётган асосий мақсад нима!

— Биринчидан, бозор иқтисодиётининг эркин, мустақил, беллашувчи товар ишлаб чиқарувчилар субъектига йўл очиш, иккинчидан, ҳар бир корхонанинг, самарали фаолиятига шароит яратиш; учинчидан, давлатни ўзига номуносиб бўлган вазифалар билан шуғулланишдан озод этиб, мулкдорларнинг бошқариш функцияларини кенгайтиришдан иборат.

Хусусийлаштиришнинг мукаммал дастури бўлмаганлиги сабабли, ноаниқликлар миқёси анчагина.

— Айтингчи, корхонани мажбурий хусусийлаштириш мумкинми!

— Мажбурий хусусийлаштириш қўйидаги оқибатларга олиб келиши мумкин. Булар ишлаб чиқариш жараёнидаги маълум меъёрларнинг бузилишига ва кўпчиликда норозилик келтириб чиқишига олиб келиши мумкин.

— Давлат тасарруфидан чиқариладиган хусусийлаштирилиш лозим корхоналарни неча гуруҳга бўлса бўлади!

— Уч гуруҳга. Биринчиси, давлат тасарруфида қолиши шарт бўлган корхоналар, иккинчиси, қисман давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган корхоналар ва учинчиси эса давлат тасарруфидан тўлиқ чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган корхоналардир.

— Гуруҳларга қайси корхоналарни киритамиз!

— Биринчи гуруҳга — республика аҳамиятига эга бўлган ихтисослаштирилган алоҳида корхоналар, иккинчи гуруҳга — вилоятлар даражасидаги аҳамиятга эга бўлган корхоналар, учинчи гуруҳга — қишлоқ хўжалигининг товар маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган давлат ва жамоат корхоналарини киритсак тўғри бўлади.

— Корхона мулкини хусусийлаштириш қайси йўсинда амалга оширилади!

— У текинга ёки пулга амалга оширилиши мумкин. Мулк текинга берилганда, унинг қиймати меҳнат жамоасининг барча аъзоларига тенг миқдорда тақсимланади. Меҳнат жамоаларига мулкни текинга тақсимлашлар ҳар доим тавсия қилинавермайди. Чунки бу ҳол мулкнинг қадрсизланиши, ташаббускорлик ва ишбилармонлик ҳиссиётини, сўндириши мумкин.

Хусусийлаштирилаётган корхона мулкини очиқ ёки ёпиқ ҳолда ўтказиш мумкин. Ёпиқ ҳолда хусусийлаштиришда фақат корхонанинг меҳнат жамоаси қатнашади. Очиқ ҳолда хусусийлаштиришда корхона меҳнат жамоасидан ташқари ҳуқуқий шахслар ва фуқароларга имконият яратилади.

ПОКЛОНИШ МУСТАҚИЛЛИК КУНИДАН БОШЛАНДИ

ИККИНЧИ СУҲБАТ

— Хусусийлаштиришга бирон-бир тайёргарлик кўриш керакдир-а!

— Албатта. Биринчидан, ишлаб чиқариш воситаларини инвентаризациядан ўтказиш ва уларни қайта баҳолаш; иккинчидан, ҳар бир босқичда давлат мулкининг хусусийлаштириладиган қисмини аниқлаш; учинчидан, хусусийлаштириладиган қисмидан бепул бериладиган бўлагининг салмоғини аниқлаш; тўртинчидан, ҳар бир фуқаро учун белгиланган тўлов маблағларининг миқдорини ҳисоблаш; бешинчидан, бепул ва пулли хусусийлаштириладиган мулкнинг расмий ҳужжатларини йўлга қўйиш лозим.

— Бундан чиқди, давлат корхоналари мулкини меҳнаткашлар мулкига айлантириш орқали жамоа корхоналарига, хусусий корхоналарга асос солинмоқда экан-да!

— Жуда тўғри. Лекин энг муҳим хулосалардан яна бири шундаки, хусусий мулкчиликка эксплуатация манбаи, иқтисодий тараққиётнинг тўғони, меҳнаткашлар эксплуатация манбаи, иқтисодий тараққиётнинг тўғони, меҳнаткашлар фаровонлигининг кушандаси деб, бир ёқлама қарашдан воз кечмоқлик керак. Ҳар бир нарсадаги каби бунда ҳам меъёрга амал қилинишига кўп нарса боғлиқ. Меъёрни эса халқнинг ўзи белгилашига шароит яратиш керак. Хусусий мулкчиликни бутамом иккор этишнинг оқибатларини ҳозирги мураккаб иқтисодий танглик кўрсатмоқда. Ундан самарали фойдаланиш тажрибаларини ривожланган мамлакатлар тажрибаси исботламоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг **«ИҚТИСОДНИ ЖОНЛАНТИРИШ УЧУН КОРХОНАЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИШИГА ЖИДДИЙ КИРИШМОҚ КЕРАК... ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ЭРКИНЛИГИГА ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ, УЛАРНИНГ ЭРКИНЛИГИНИ ЭСА ХУСУСИЙ МУЛК ТАЪМИНЛАЙДИ» — деган сўзларига тўла қўшиламан.**

— Турғунбой ака, энди режага кўра суҳбатни шахсий манфаатдорлик ва тадбиркорлик муаммоларига қаратсак, нима дейсиз!!

— Маъқул. Республикамиздаги иқтисодий тараққиёт муаммолари таҳлил қилиниши, ижтимоий меҳнат такомотинги даражаси мулкчилик муносабатларида юзага келган вазият билан бир қаторда шахс манфаатдорлиги ва тадбиркорлиги тўғрисида алоҳида тўхталишни тақазо этади. Маълумки, шахс манфаатдорлиги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бош мезони бўлиши керак, албатта!

— Эришилган амалий натижалар келтирилган мезонга риоя этилмаганини кўрсатяпти-ку!

— Тўғри. Биз шахсга кўпроқ биологик жонзот сифатида ёндошиб, унинг ижтимоий-иқтисодий сиёсий муносабатлар ҳомиласи эканлигини менсимаслигимиз талайгина нохушликлар туғдирди, десам муболаға бўлмас.

Ўн йиллар мобайнида шахс манфаатдорлиги кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг моддий омили соясида эди. Аниқроқ қилиб айтганда, ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштириш ва янги турларни яратиш асосий мақсад қилиб қўйилди.

— Эҳтимол шундан, шахс ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг оддий ижрочиси сифатида шакланди. Меҳнат шахс истиқболининг манбаи бўла олмади. Шахсий, жамоа ва давлат манфаатларининг уйғунлиги таъминланмади.

— Шахснинг ҳақ-ҳуқуқи хўрланяпти деб келинган мамлакатларда эса, инсоннинг ўртача умри бизларникидан анча юқори, болаларнинг ўлими бир неча марта камроқ бўлиб чиқди.

— Сиёсатимизда амал қилган ақидаларга кўра, Турғунбой ака, хусусий мулкчиликнинг йўқотилиши, шахсга илҳомлантирувчи куч бахшида этиши, меҳнат эса аста-секинлик билан яшаш воситаси эмас, ҳузур-халоват ва ижодий фаолият манбаига айланиши керак эди.

— Ҳаётда бу ақидалар ўз ўрнини топа олмади. Чунки меҳнатнинг мазмуни шахсий манфаатдорлик ва масъулият нуқтаи назаридан келиб чиқмас экан, иқтисодий тараққиётдаги ижодий силжишларга ва самарадорликнинг ошувига эришиб бўлмаслиги ойдинлашди. Иқтисодий тараққиётдан мақсад шахснинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлашдан иборат бўлишлиги, ишлаб чиқариш воситалари — ишлаб чиқаришни ривожлантириш эса шу мақсад йўлидаги восита сифатида хизмат қилишлиги лозим.

— Шахс ўз манфаатдорлигини қондириш борасида истеъмол сифатида намоён бўлса, ишлаб чиқаришдаги меҳнати билан яратувчи бунёдкор-ку, ахир!

— Тўғри, агар шахснинг истеъмол даражасини таҳлил қиладиган бўлсак, унда бир томондан миллий урф-одатлар, анъаналарнинг бу ишга боғлиқлигини, иккинчи томондан мулкчилик шаклларининг ривожланганлиги, давлат тузумининг демократлашганлиги ва даромадлар миқдори билан белгиланишини ҳисобга олмоқ керак.

— Турмуш тажрибаси шуни тасдиқламоқдаки, халқнинг оғир аҳволини иқтисодий тараққиёт сари йўналтиришлик учун иқтисодий усулларга воситачилик қилувчи тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш талаб қилинмоқда.

— Фақат шуни унутмаслик керакки, иқтисодий усулларни ҳаётга тадбиқ этиш маъмурий зўравонликларсиз ҳал этилиши керак. Бунда шахснинг эркинлиги, мустақиллиги, ташаббускорлиги асосидаги бошқарувга суянмоқлик даркор. Бу бошқарув ҳар бир шахснинг манфаатини жамоа, давлат манфаати билан уйғунлаштира олиши лозим.

— Янглишмасам, тадбиркорлик ва ташаббускорликсиз шахснинг манфаатдорлигини ошириш ва иқтисодий тараққиёт муаммоларининг ечимини аниқлаб олиш мумкин эмас.

— Янглишмадингиз, Тўлқин ака, тадбиркорлик ҳар бир вазиятни баҳолашда кенг қамровли ёндашувни талаб этувчи тушинча бўлиб, ишбилармонлик ва ташаббускорликнинг ижобий томонларини ўзида мужассамлаштирган. Тўғри, шу пайтгача ишбилармонлик ва ташаббускорлик анча тор маънода қўлланилган. Ишбилармонлик деганда кўпроқ маҳаллийчиликка, маҳкамачиликка асосланган ва эски воситаларга суянган ҳолда амалга ошириладиган фаолият тушунилган. Ташаббускорлик эса, бирор объектдаги муайян вазифаларни ҳал этиш йўлидаги ҳаракатларни акс эттирган.

— Бундан чиқди тадбиркорликни шахснинг маҳорати ва имкониятларини текширувчи мезон деб қаралса тўғри бўларкан-да!

— Шундай дейиш мумкин. Бу билан ҳар бир шахс учун ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбурият белгиланади. Бу ўз навбатида мажбуриятга ижодий ва масъулият билан ёндашиб вазифаларни тўғри ҳал этиш қобилиятини юзага чиқаради. Янгиликка интилувчанлик, энг самарали ечимларни излаш, асослаш, қабул қилиш ва тадбиқ этиш кенгаяди.

— Демак, тадбиркорлик нафақат шахс ёки жамоа даражасида, балки давлат миқёсида ҳам олиб борилмоғи керак.

— Худди шунда ҳар қандай хўжалик системасининг тараққиётига тадбиркорлик пухта замин бўла олади. Ҳали ташкилий такомилига эришилмаган ечимларни тез аниқлаш ва ҳал этиш талаб қилинган шароитда, ҳар бир киши учун тадбиркорлик муҳим сифат ҳисобланади. Тадбиркорлик барча фаолият соҳаларида меҳнат сарфларини тежашни, ишлаб чиқариш фондлари ва моддий ресурслардан унумли фойдаланишни, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражасини юксалтиришни кўзда тутади. Уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик қанча паст бўлса тадбиркорликка талаб шунча юқори бўлади.

— Тадбиркорликнинг хўжалик таваккалчилигига муносабати унда қандай бўлади!

— Ижобий бўлади. Акс ҳолда, оддий ижрочидан тадбиркорнинг фарқи бўлмай қолади. Ўзингиз ўйланг, вазият мураккаблашган сари кўпроқ таваккалчилик асосида қарор қабул қилишга тўғри келаверади. Аммо бу ишда битта катта куч бюрократияни енгишга тўғри келади.

— Демак, инсонларнинг тадбиркорлик орқали енгиши керак бўлган энг катта куч — бюрократия денг!

— Балли. Бюрократия айрим одамларнинг иш услубигина эмас, у бошқариш фаолиятининг ҳамма соҳасига кенг ёйилган касалликдир. Бюрократия ўз табиатига кўра ташаббускорона меҳнатнинг душмани бўлиб, бошқарув аппаратининг самарадорлигини тушириб, муаммолар ечимини ўз вақтида ҳал этишни таъминламайди. Бюрократиянинг яна бир хусусияти қоғозбозликка асосланган сансаларликдир.

— Бюрократия қайси манбаларга суянади, нега у шу даражада яшовчан!

— Биласизми, Тўлқин ака, бюрократиянинг иккита ўта мустаҳкам манбаи бор. Биринчи манбаи — бу кўп босқичли марказлашган давлат бошқаруви; иккинчи манбаи эса бошқарув маданиятининг пастлиги.

— Ундан чиқди, тадбиркорлик фаолиятида бюрократияга қарши кураш жуда оғир кечади.

— Бўлмасамчи. Бунга одамларнинг ижтимоий қарамлиги, тайёрга ийёрлиги бир томондан, иккинчи томондан эса сансаларликка, расмиятчиликка, қуруқ қоғозбозликка нафратсизлик бунга сабаб бўлади. Умуман бюрократия устидан тадбиркорлик ғалаба қилмас экан иқтисодий тараққиёт ўзининг равон йўлига тушиб олиши мушкул.

— Республикамизда тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий ислоҳотлардаги аҳамиятини ошириш мақсадида бир нечта қонунлар, ҳужжатлар қабул қилинди, бу ишлар ўз самарасини берар, ахир.

— Беради, албатта. Лекин ҳам бор. Масалан, шу қонунлардан бири «Тадбиркорлик тўғрисидаги қонун»дир. Ушбу қонун ўз таркибига кўра ўнта моддадан иборат. Бу моддалар «Корхона тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги ҳамма «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунларнинг узвий давоми, Аммо қонун тадбиркорликни кенг авж олишига тўлиқ имконият яратмайди. Қонундаги айрим моддалар афсуски, эътиборлар ва ноаниқликлардан ҳоли эмас.

— Шулар ҳақида тўлароқ тўхталишингиз мумкинми!

— Бемалол. Тадбиркорликка берилган таърифни қаранг (1-модда). «Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлик асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорлик билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир».

Таърифга кўра, тадбиркорликнинг асосий мақсади фойда олиш деб кўрсатилган. Аммо фойда «Корхона тўғрисида»ги қонунинг 18-моддасига кўра, ҳамма корхоналар ўҳжалик фаолиятининг молиявий натижаларини умумлаштирувчи асосий кўрсаткич эканлиги баён этилган. Тадбиркорликнинг умумий қоидалари (3-модда) баён қилинаётганда охирги банддаги учта қоида нима учундир қўшилиб кетган. Қонунда тадбиркорликнинг субъекти (4-модда) тўғрисидаги модда келтирилган, аммо тадбиркорликнинг объекти тўғрисида лом-лим дейилмаган.

Тадбиркорликнинг ҳуқуқлари (5-модда) жуда мавҳум ҳолда умумлаштирилган бўлиб, бешта банда аниқлаштирилмаган бошқа қонунларга мурожаат қилинган. Бундай ҳолда тадбиркор ўз ҳуқуқини ушбу қонундан эмас, балки бошқа қонунлардан ахтариб юришига тўғри келади.

Шарт бўлмаган ҳолда ҳам тадбиркорнинг мажбуриятлари (8-модда) ва масъулиятлари (9-модда) алоҳида-алоҳида моддаларга бўлиб ташланган. «Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари» (10-модда) ҳақидаги модданинг иккинчи банди, мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг 39-моддаси 2-бандидан юлиб-юлқиб олиб ёзиб қўйилган. Бу камчиликлардан қатъий назар қонунда тадбиркорнинг амалий фаолияти учун ҳуқуқий мезонларга асос солинган.

— Тадбиркорлик ишида инсон омили қандай роль ўйнайди? Мисол билан тушунтириб берсангиз.

— Японияннинг йирик бизнесмени Мацуситанинг фикрича муваффақиятнинг калити ўрганишга интилувчанликдан ва ривожланаётган борлиқни англашдан иборат. Шунинг учун бўлса керак, Японияда ўн йиллик мактабни битирувчиларнинг 94 фоизи олий таълим ўқув юртларида билим олишни давом эттирар эканлар. Мана шу инсон омили эмасми?

Иқтисодиётни тиклаш йилларида ёлланма меҳнат учта қоида асосида ташкил этилган.

Биринчи қоида: ишчиларни меҳнат нафақасига чиққунча иш билан таъминлаш;

Иккинчи қоида: ёшни ва иш стажини ҳисобга олувчи иш ҳақининг алоҳида тизими;

Учинчи қоида: касаба уюшмаларининг тармоқ бўйича эмас, корхона қошида ташкил этилиши.

Мана шу уч қоида ишчиларни бор кучлари билан меҳнат қилишга ундаган. Чунки бу система орқали моддий манфаатдорлик, иш билан бандлик, иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига мос равишда ошиб бориши ва маъмуриятнинг ғамхўрлиги уйғунлашган.

— Турғунбой ака, бугун жаҳон жамоатчилигини ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги муваффақиятлари билан жалб қилаётганлардан бири Швеция ҳисобланади. Сиз унинг шу соҳадаги фаолиятини ўргангансиз. Мумкин бўлса «Швеция модели» ҳақида бироз тўхталсангиз.

— Унда «Швеция модели»нинг айрим диққатга сазовор томонларинигина айтиб берай. 1989 йилда мамлакат аҳолиси 8,5 млн. кишини ташкил этган. Шундан 1 млн. иммигрант (келгиндилар). 16—64 ёшдаги фаол аҳоли 53 фоизни ташкил этган. Қишлоқ ва ўрмон хўжалигида ишчи кучининг 4 фоизи шуғулланади. Ишсизлик 1,5 фоизни ташкил этади.

Швеция уч хил мулкчиликка асосланган иқтисодга эга: хусусий, давлат ва кооператив. Жамоаси эллик кишидан ортиқ бўлган корхоналарнинг 85 фоизи хусусий капитал билан ишлайди. Ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг 75 фоизи хусусий корхоналарга, қолганлари давлат мулкчилиги ва кооперативларга тўғри келади. Давлат сектори ва давлат мулки деган тушунчалар бир-биридан фарқ қилади. Давлат сектори пул маблағларини жамғариш ва қайта тақсимлаш орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим йўналишларини таъминлайди.

— Швеция юксак ривожланган мамлакатлар орқасида давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви жиҳатдан биринчи ўринда туради. Шу тўғрими!

— Тўғри. Буни давлат секторининг салмоғини белгиловчи кўрсаткичлар орқали солиштириш мумкин. Масалан, жами ички маҳсулотдаги давлат истеъмолининг салмоғи: Японияда — 10,3 фоиз, АҚШда — 18,7 фоиз бўлганда, Швецияда — 29,3 фоиздир. Давлат секторида ва суғурта хизматида банд бўлганлар Японияда — 20,3 фоиз, АҚШда — 31,3 фоиз бўлганда Швецияда — 36,7 фоизни ташкил қилади.

— Швеция давлатининг иқтисодий сиёсати қисқа қилиб айтганда қандай мақсадларни кўзлайди!

— Унинг иқтисодий сиёсати икки мақсадни: биринчидан, тўлиқ бандлик, демак ишсизлик бўлмаслиги ва иккинчидан, даромадларни тенглаштиришни кўзлайди. Шуни ҳам айтиш керакки, давлатнинг фаол аралашуви мулкчиликка монополия қолида эмас, балки қайта тақсимлаш соҳасидаги маҳоратига асосланган бўлиб, инфляция ва нарх-навонинг ошувига етарли даражада акс таъсир кўрсата олади.

— Ундан чиқди, у ерда кооперативлар ҳаракати анча кучли мавқега эга экан-да!

— Ҳа, улар кучли мавқега эга. Чунки кооператив корхоналар ҳамкорлик фаолияти ва ўзаро ёрдам асосида ўз аъзоларининг манфаати ва эҳтиёжи билан бевосита боғланган. Уларда кооператив ҳаракат капиталнинг уюшувидан эмас, балки одамларнинг уюшувидан иборат.

— Унинг ўзига хос принципи бордир, ахир!

— Ҳа, иккала ишлаб чиқариш ва истеъмол кооперативларининг ҳаракат принциплари бирдай бўлиб, улар қуйидагича:

биринчидан, эркин аъзолик; иккинчидан, сиёсий партиялар ва диний жамоалардан мустақиллик; учинчидан, «бир овозга — бир аъзо», тўртинчидан, қўйилган пайга даромадларнинг чекланганлиги; бешинчидан, ривожланиш учун капитал тўплаш ва иқтисодий мустақиллик; олтинчидан, маърифат соҳасидаги фаолият.

Умуман олганда, шуни айтиш мумкинки, «Швеция модели»да кўзга ташланадиган томонларга ишсизликнинг камлиги, иш ҳақи соҳасидаги бирдамлик сиёсати, давлат ҳаракатларининг жуда катта салмоғи, солиқларнинг юқори белгиланиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

— Лекин, Турғунбой ака, «Швеция модели»даги энг муҳим томон, шведларнинг миллий хусусиятлари ҳақида ҳеч нима демадингиз. Менимча бу жуда муҳим томон.

— Гапингизга қўшиламан, Тўлқин ака, миллий хусусиятлар табиийки, катта роль ўйнайди. Шведлар ҳаётга ақл кўзи билан қараш, мулоҳазакорлик, масалаларни ҳал этишда чуқур ишланувчанлик билан ёндошиш, можаролардан ўзни четга ола билиш, ҳиссиётга берилмаслик, ички интизом ва маҳдудлик хусусиятларига эгалар.

— Биз ўрганадиган нарсалар уларда анчагина экан.

— Ҳа, улардан ўргансак ёмон бўлмайди. Ушанда президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтган. «... иқтисодий эркинлик диёримизда тезроқ қарор топсин!» деган ниятлари тезроқ амалга ошади.

— Турғунбой Қўчқорович, шу билан бу суҳбатимизни тугатсак. Келгуси сафар истиқболли хўжалик юритиш шакллари ва уларни бошқариш масалалари ҳақида фикрлашсак, нима дейсиз!!

— Бажонидил.

— Раҳмат сизга.

Суҳбатдош: Тўлқин МУҲИДДИН.

Нуқтаи назар

ЛУҒАТЛАРГА ТАШНАМИЗ

Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институтининг луғатшунос олимлари олдида ўзбек тилининг бир томли ва кўп томли изоҳли луғатларини тузишдек жуда муҳим вазифа турибди. Бундан 10 йиллар бурун ўзбек тилининг кўп томли луғатини тузиш ҳақида ҳукуматимизнинг махсус қарори ҳам чиққан ва луғат ўн томдан иборат бўлиши кераклиги кўрсатилган эди. Агар ўтган даврда луғат устидаги ишлар ўз маромида олиб борилганида, ҳозир унинг бир-икки томи нашр этилган, ҳеч бўлмаганда, тайёрланиб, нашрга топширилган бўларди. Мутасадди олимлар, институт раҳбарлари ўзларининг турли ҳисоботларида «луғат тузилмоқда», «луғат тузиш ишлари қизғин бормоқда» каби ваъдалар билан шу пайтгача жамоатчиликни алдаб келдилар.

Тўғри, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни тузувчилар учун инструкция» (Тошкент, 1990 й) чоп этилди. У «Кириш» «Ўзбек тилининг кўп томли изоҳли луғати, унинг манбалари ва хронологик чегараси ҳақида»ги тушунтириш мақоласи ва 11 бобдан иборат. Унда «шартли қисқартмалар ва белгилар», «составли грамматик белгилар», «манба қисқартмалари рўйхати», «муаллифлар номи қисқартириш намуналари» ҳам берилганки, уларни ўқиган кишида, «демак кўп томли изоҳли луғатни тузиш ишлари жадаллашиб кетибди-да», деган тасаввур ҳосил бўлади.

«Кириш»да муаллифлар кейинги вақтларда чиқарилган ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғатини, икки томли русча-ўзбекча луғат ва бир жилдли ўзбекча-русча луғатларни катта бир «ютуқ» сифатида қайд этадилар. Аслида мана шу луғатларни профессор А. К. Боровков раҳбарлигида нашр этилган «Ўзекча-русча» (1959 й) ва «Русча-ўзбекча» (1954 й) луғатлари билан қиёс қилсангиз, уларнинг орасида сўз бойлиги жиҳатидан фарқни деярли кўрмайсиз. Инструкцияда 1981 йилда Москвада чоп этилган икки жилдли изоҳли луғатда Октябрь инқилобидан то 1970 йилларгача бўлган ўзбек тили лексикаси акс этган, деб бўрттириб гапирадилар. Лекин луғатда берилган мисолларнинг деярли асосий қисми 60-йилгача, жуда оз қисми эса, нари борса, 60-йилларнинг бошларигача нашр этилган адабиётлардан олинган. Шунинг учун ҳам бу луғатдан кўпчилик мамнун бўлмади.

«Кириш»да кўп томли изоҳли луғатнинг неча томдан иборат эканлиги, унинг умумий ҳажми қанча табоқ бўлиши, тузиш қачон бошланиб, қачон якунланиши ҳақида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. Шунингдек, бундай луғатни тузиш учун луғат бўлимида тўпланган картотека фондининг миқдори ҳақида ҳам бирон оғиз сўз йўқ.

Аввало, аниқ ўрганиб чиқиш керак: ўн томли изоҳли луғатни тузиш учун бўлимда тўпланган картотека фондидаги сўзлар етадими? Ахир 1989 йилнинг ёз ойларигача бу фондда жами бўлиб 1500000 дан сал кўпроқ сўз (қайтариқлари билан) борлигини билганмиз. Буёғига ҳам нари борса фондда жами бўлиб 1500000 дан сал кўпроқ сўз (қайтариқлари билан) борлигини билганмиз. Буёғига ҳам нари борса 500—600 минг сўз йиғилган бўлиши мумкин. Хўш, бу икки — икки ярим миллион сўздан иборат бўлган бўлиб, картотека фондида қайтарилмайдиган сўзлар миқдори қанча? Буларнинг чиндан ҳам изоҳли луғатга олиниши лозим бўлганларининг миқдори чамалаб кўрилганми, шулардан ўн томли изоҳли луғатнинг яратилишига олимларнинг ишончлари комилми?

«Инструкция»да бундай маълумотлар ҳақида лом-мим дейилмайди. Ҳозир луғат бўлими луғат картотекасини машинада кўчиришга ўтиб, «Кибернетика» илмий — ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли бир ташкилот билан шартнома боғлаган. Бу ташкилот институт луғат бўлими берган китобларни кўпайтириб, ксеро қилиб, кўчириб, кесиб беради, бўлимдаги бор-йўғи 4—5 лаборант (катта илмий ходимлар бир неча йиллардан бери ўз диссертациялари билан банд эдилар) эса шу карточкаларнинг тепасига «бош сўз» чиқариш билан овора. Еппасига машинада матн кўчириб, ҳамма сўзларни йиға бериш — бу илмий меҳнатдан қочиш, давлат маблағини эса беҳуда сарфлашдир.

Бундай ҳолда луғат қачон тузилади? Кўп томли изоҳли луғатни тузишдан аввало картотека фондидаги сўзлар тинмай ўрганилиши, бунинг учун кўп илмий ходимларнинг биргаликдаги меҳнати талаб этилади. Бўлимда эса бўлим мудири, икки катта илмий ходим (бири 70 дан ошди, иккинчиси бошқа соҳа мутахассиси) ва яқинда ишга келган 4—5 лаборант бор, холос. Ҳали булар изоҳли луғат тузиш ишига илмий ва амалий жиҳатдан малака олиш учун бир неча йил тайёрланишлари керак. Бўлимнинг аҳволи ва истиқболи жуда чатоқ.

«Инструкция»да айтилишича», кўп томли изоҳли луғатда 80—100 минг атрофидаги сўз қамраб олинади ва уларга доир барча маъно ва қўлланишлар, ифода воситалари, турли бирикма ва фразеологик бирликларга батафсил изоҳ берилади» (6-бет). Ўн томли луғат учун бунча сўз озлик қилади. Ўн томли изоҳли луғат учун 400—450 минг сўз олинмоғи керак. Бунинг учун эса бир-бир ярим миллиард атрофидаги картотека фондига эга бўлиш талаб этилади. Бошқа мамлакатларда бундай фондлар бор.

Кўп томли изоҳли луғатнинг манбаларида 70 йилдан то 90 йилгача бўлган адабиёт деярли акс этмаган, бор-йўғи ўн учта шоир ва ёзувчининг номи эски рўйхатга шунчаки қўшиб қўйилган, холос. Шунинг ўзи ҳам «Инструкция» тузишда мавжуд картотека фонди ўрганиб чиқилмаганидан, бор бўлса, ундаги адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва техникага доир манбаларнинг номлари аниқланмаганини билдиради. Очиғи, 60—90 йиллар адабиёти (бадиий адабиётдан то техника ва қурилишгача бўлган китоблар, газета ва журналлар) ҳали карточкага тўлалигича олинмаган. Бундай аҳволда қандай қилиб кўп томли изоҳли луғатни тузиш мумкин?

Ўзбек адабий тилининг изоҳли луғати фақат бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлардаги сўзлар луғати бўлмай, балки ўзбек халқи ўқийдиган ва қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, қурилиш, техника каби соҳаларга тегишли бўлган ҳар хил адабиётларнинг ҳам луғатидир. Шуларнинг ҳаммасидан сўзлар тўпланиши ва улар изоҳли луғатда акс этиши лозим.

«Инструкция»да кўп томли изоҳли луғатнинг чегаралари, яъни бу луғат қайси даврларни ўз ичига олиши масаласида ҳам бир-бирларига қарама-қарши бўлган фикрлар билдирилиб, ниҳоят шундай ёзилади: «Изоҳли луғатнинг хронологик чегарасини Навоий давридан ёки Фурқат ва Муқимийдан эмас, балки Октябрь социалистик революциясидан кейинги даврдан бошлаш маъқул топилди. Чунки луғат мабодо Алишер Навоий давридан бошланадиган бўлса, биринчи навбатда, Навоий ва бошқа ўзбек классик намояндаларининг барча асарларини тўлиқ равишда карточкага олиш керак бўлади. Бундай ишни амалга ошириш учун жуда катта куч, маблағ ва кўп вақт талаб этилади. Иккинчидан, классик адабиётимизда қўлланилган турли сўзлар ва формалар, ибора ва ифода воситалари, ҳатто гап ва жумлалар структураси жиҳатидан ҳозиргиларидан кескин фарқ қилади» (11-бет).

Бундай асоссиз даъволар билан Навоий асарлари, унинг замондошлари ва Октябргача бўлган давр ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилининг кўп томли изоҳли луғатига киритмаслик луғат бўлими ходимларининг бевосита раҳбари бўлган филология фанлари доктори Азим Ҳожиевнинг ўзбек совет адабиёти ва ҳозирги ўзбек тилининг классик ўзбек адабиёти ва эски ўзбек тили билан бўлган алоқалари, тадрижий ривожланиши ва алоқаларини инкор этиб ёзилган «машҳур» мақоласида («Ўзбек тили ва адабиёти», 1987 й, 2-сон) баён қилинган ғайриилмий ва ҳатто реакцион қарашлари таъсиридир. Бизнингча ўзбек халқи адабиёти ва тилини Октябрь туфайли иккига бўлиб ташлаш, бу икки давр орасидаги давомийликни инкор этиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ўта кетган жоҳиллик ҳисобланади. Биз ҳозирги тил сиёсатимиздан фойдаланиб, бугунги ўзбек адабий тилини бойитишнинг муҳим манбаини буюк бобомиз Навоий меросидан, унинг салафлари, асарларидан, у яшаган замондан, иложи борича, ундан ҳам аввалги даврлардан, яъни Ўрхун ва Енисей обидаларидан, Маҳмуд Қашғарий, Юсуф хос Хожиб, Аҳмад Яссавий меросларида ва замонларигача олиб борадиган тарихий изларимиздан, аждодларимизнинг муборак йўлларидан қидирмоғимиз жоиздир. Ўзбек халқи худди ўша йўллардан юриб келди. У ўзининг кўп йўқотган нарсаларини, сўзларини ҳам шу йўлдан бориб топади ва тиклайди...

«Инструкция»да кўп томли изоҳли луғат ўзбек адабий тилида кейинги даврларда юзага келган янги нормаларни белгилайди, тилда нормаларни тайин қилади, дейилади (бу жумла аслида С. Акобировдан кўчирилган). Лекин ана шу янги нормалар нималардан иборат экани аниқ бир-икки мисоллар билан кўрсатилмайди. Бундай янги нормаларни ажратиб кўрсатиш учун ҳам меҳнат талаб этилади-да. Бу меҳнат эса яна картотека фондини синчковлик билан ўрганишга боғлиқ.

Инструкция — бу изоҳли луғат низоми. Агар бу низом бой ва аниқ материал асосида илмий жиҳатдан тўғри принциплар бўйича яратилса, изоҳли луғатни тузиш иши анча енгиллашади, луғат пишиқ ва пухта тузилади. Шу ўринда ўзбек тилининг кўп томли изоҳли луғатини тузувчиларга мўлжалланган янги инструкция қандай ва нималарга асосланиб яратилди, деган савол туғилиши табиий. Бу ҳақда «Инструкция»нинг бош муаллифи Т. Алиқулов шундай ёзади: «Мазкур иш 1964 йилда босилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғатининг тузувчилари учун инструкция» асосида яратилди». Аслида ҳам шундайми? Йўқ.

1964 йилда нашр этилган «Қўлланма» тажрибали луғатшунос С. Ф. Акобиров раҳбарлигида бир группа етакчи олимлар томонидан тузилган бўлиб, ўзбек тилининг икки томли изоҳли луғатини яратишга мўлжаллаган эди. Айтишларича, бу луғат 45—50 минг сўзни изоҳлашга қаратилган нисбатан кичик ҳажмдаги норматив луғат эди. Бундай «луғат олдига қўйилган масаланинг тўла ҳал этилиши, аввало, унинг асосий базаси — картотеканинг мукаммаллигига боғлиқ. Мавжуд картотека эса тобора тўлдирилиб бораётганлигига қарамасдан, ҳали етарли даражада мукаммал эмас». (6-бет).

Янги «Инструкция» роппа-роса 25 йилдан кейин — 1990 йилда тамоман бошқа олимлар гуруҳи томонидан, энди очиғини айтайлик, 1964 йилдаги «Қўлланма» асосида эмас, балки уни айнан кўчириб олиш асосида яратилди. Унинг фақат бир боби, яъни Насим Маматов ёзган 1-бобигина кўчирилмаган, муаллифнинг ўзи томонидан ёзилган. «Инструкция»нинг кўплаб бобларини луғат бўлимининг мудири Тешабой Алиқулов 1964 йилги «Қўлланма»дан айнан бобма-боб, параграфма-параграф кўчирган қўйган. Баъзи мисолларнигина алмаштирган, холос. Айрим ўринларда эски «Қўлланма»даги икки параграф бирлаштирган ёки бир параграфни иккига бўлган, бир параграфдаги «эслатма»ни алоҳида параграф қилиб ёзган.

Бундай иш усулини илмий тилда «плагиатлик» — кўчирмакашлик ёки жўн қилиб айтганда, «ўғрилик» деб аталади. «Инструкция»нинг кириш қисми ва тушунтириш мақоласи ҳам, озгина қўшимчаларни ҳисобга олмасак, мазмун эътибори билан ўзгартириб кўчирилган. Керак бўлса исботлаб беришимиз мумкин. Кўчирмачилик билан яратилган «Инструкция» сўзсиз ўзбек тилининг ўн томли изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма бўлолмайди.

Шу ўринда яна бир фактни эслаб ўтиш лозим. Т. Алиқулов шоир Ҳамзанинг юз йиллик тўйи муносабати билан «Ҳамза асарлари лексикасининг кортотекаси ҳақида» номли мақола эълон қилди («Ўзбек тили ва адабиёти», 1989, 1-сон, 73—75-бетлар). Мақолада айтилишича, «Ҳамза асарлари лексикасининг мукаммал картотекаси фонди вужудга келтирилган» (73-бет) эмиш, унинг карточкалари ҳам луғат бўлими фондидаги карточкалардан шакли ва мазмуни ҳамда беш хил илмий моҳияти билан фарқ қилар эмиш, «эндиликда мазкур фондни алфавит сирасига олиш, адибнинг драматик, назмий ва насрий асарларидаги сўзларнинг миқдорини аниқлаш, уларнинг қўлланиш частотасини белгилашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда» (75-бет) эмиш.

Наҳотки, бундай ёлғон сўзларга биз ишонсак? Ахир луғат фондининг ягона картотекасидаги сўзлар алфавит бўйича тақсимланадими ёки шоир, ёзувчиларнинг лексик бойлиги бўйича тартиблаштириладими? Бўлим ўн йиллар бурун режалаштирилган ўн томли луғатни тузиш ишига ҳали киришилмагани ҳолда Ҳамза луғатига эҳтиёж қаердан туғилди? Бу луғатларнинг қайси бири аввал тайёр бўлади?

Саволлар, саволлар... Уларга жавоб топиш учун аввало институтнинг мудроқ кадрларини уйғотиш, илмли, тадбиркор, серғайрат олимларни раҳбарлик ишларига дадил кўтариш, улар куч-ғайратидан фойдаланиш керак. Ҳориган отлар аравани узоққа тортиб боролмаслиги ҳаммага аён. Шундай экан, барча соҳада бўлгани сингари илмда ҳам замонавий ёшларга таянсак ютамиз.

Дўстмурод АБДУРАҲМОНОВ.

БИЗ НЕГА ЙИҒЛАЙМИЗ?

ОТА-ОНА вафотидан кейин мусулмон бандаси қилиши лозим бўлган кирқта фарзанд бирида шундай дейилган экан: «Ўзинг оҳу фиғон тортиб йиғлама ва ўзгаларнинг ҳам йиғлашига йўл қўйма! Ота-она дафн қилингандан кейин уларнинг зиёратига чиқишни одат қилсанг — улуғ кишилар йўлини тутган бўласан».

Биз-чи? Нега биз бошимизга ўлим тушганда ўз куйганимиз, ўз ёғимизга коврилганимиз етмагандай одамларнинг «кўзи» учун ҳам уззу кун оёқда тик туриб йиғлаймиз? Айниқса, биз аёллар?

Сизга бошимдан ўтган бир лавҳани айтсам, балки мени тўғри тушунарсиз, деган умиддаман.

Онам ўттиз етти ёшида вафот этганида ҳушимдан айрилдим. Ўзимга гоҳ келиб, гоҳ келмай туш кўраётгандек эсанкирайман. Зора, туш бўлса, дейман. Дунёга келган гўдакка кўкрак тутиб улгурмаган, йиғлаб ошни ичадиган яна етти ўғил-қизнинг бағрини доғлаб кетган мунис, меҳрибон онам учун йиғлайман. Изгиринда колган кузги япроқдек дилдирайди, юрагим.

Кибрай катта қишлоқ. Аҳолиси зич яшайди. Кўнгил сўраб ҳар куни гурух-гурух аёллар кела бошлашди. Минг рахмат келишгани учун. Лекин...

Мен ўшанда эндигина ўн еттига тўлган, ўлим нима, аза нима, айтиб йиғлаш нималигини биринчи марта кўриб турган бир нимжон қиз эдим. Кечгача мингта аёл келса — ҳаммаси билан биттама-битта кўришиб, айтиб йиғлашим кераклигини уктиришди.

Албатта, шунча одам онам хотирасини йўклаб эшикдан келади-ю менга ҳамдард бўлиб йиғлайди-ю мен қандоқ чидаб тура оламан? Кўз ёшларим баттар дарё бўлиб оқаверди. Овозларим хиппа бўғилса ҳам, юрагим узилиб тушса ҳам фарёдимнинг чек-чегараси йўқ эди.

Гоҳо одамлар қадами бироз товсилиб колган дақиқаларда айвон четидаги курсига ҳолсиз чўкиб, кенг уйни тўлдириб ўтирган аёлларга беихтиёр кўзим тушарди. Ҳозиргина мен билан кўришиб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлаган аёлларнинг чеҳрасида беғубор табассум, бахтиёрлик жилваланиб, оғизларини тўлдириб-тўлдириб таом танаввул қилишлари менга алланечук гала-ти кўринарди. Мен содда ўйлардим-ки, елкамга осилиб, марсия айтиб йиғлаган ҳар бир аёлнинг онамга юраги куйиб бораётгандек. Кейинроқ англадим-ки, баъзи аёллар, ҳа, баъзи аёллар урф-одат учунгина овоз чиқариб, тил учида йиғлар эканлар. Ҳатто ҳол-аҳволимизни, қандай йиғлай олишимизни кўриш учунгина келадиганлар ҳам топилар экан.

Қалб тўридаги шоиримиз Санда Зуннунова вафот этганида маъракасига устоз Зулфия опа бошчилигида жамоамиз билан борганимиз ёдимда. Йиғи-сиғи бошланди. Шунда кимдир «Нодирани чақиринглар, кўришиб йиғласин!» деганида Зулфия опа қўли билан аста имо қилиб, «Тинч қўйинглар, уни» деди. Ва ёши улуғ аёллардан бирини четга имлаб майингина шивирлади. «Илтимос, Нодирани йиғлатманглар, унинг онадан айрилганининг ўзи етиб ортади. Юрагини асранглар. Ҳали Нодира ўқиши, турмушга чиқиши, она бўлиши керак. Онаси хотирасини бир умр эъзозлаш керак. Унинг жуда ишлари кўп. Юрагини эҳтиёт қилинглар!» деди. Аёл қўлини кўксига қўйиб, чин дилдан розилик билдирди.

Юрагини эҳтиёт қилинглар! Мен нима сабабдан юрагим яримта бўлиб колганини ана ўшандагина англаб етдим.

Тўғри, ота-она учун биз бир умр йиғлаймиз. Йиғлаш-йиғламаслик ҳакида бировдан сўраб ўтирмаймиз. Фақат мен урф-одатга риоя қилишда меъёрни билмаганимиз, бир-биримизга жабр қилганимизга ачинаман, холос. Биз бошига ўлим тушган инсон ҳузурига уни баттар кон-кон йиғлатиб, томоша қилиш учун эмас, кўз ёшларини артиб, овутиш, далда бериш, имкон қадар йўл-йўрик кўрсатиб, кўнглини кўтариш учун борганимиз яхши эмасми?

Биз азиз, ардоқли кишиларимиз хотирасини унумли ва ҳалол меҳнатимиз билан эъзозласак, ҳафтада бир куръон тиловат қилиб, унинг руҳига бағишласак, кабрини обод қилсак, тинч, осойишта яшасак — бундан ортиқ савоб бўлмаса керак. Сиз бунга нима дейсиз, қадрдонларим?

Санъат МАҲМУДОВА.

HANTAREX
SOVIET UNION

Европадан келтирилган аъло сифатли товарлар Сизлар учун!

- Профессионал электрон техниканинг барча турлари
- Алоқанинг барча турлари
- Етакчи Европа фирмаларининг янги ва сақлаб турилган автомобиллари
- Шоу-бизнес учун видео ускуналар

HANTAREX SU ◆

— Бу ишончли шерик!

Тошкентдаги телефон (3712) 34-96-11
Телефакс: (3712) 34-64-92

АСТРОВАЗ ФУҚАРОЛАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШИШГА ИНТИЛЯПТИ

АВ АСТРОВАЗ

«АстроВАЗ» ишга муҳтож бўлган ҳамда суғурта ходими ва брокер сифатида ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлган барча фуқароларга иш жойларини таклиф қилади.

Биз шунингдек, доимий иши бўлса-да, қўшимча пул ишлашга муҳтож кишиларга ҳам катта ҳақ тўланадиган иш топиб берамиз.

Ўз ходимларини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги ўз бурчини бажаришга интилаётган корхоналарга биз ишсизликдан суғурта қилиш, шунингдек, тиббий суғурта қилиш имконини берамиз. Тиббий суғурта бизнинг йўлланмамиз билан республикамиздаги ва Москва шаҳридаги энг яхши шифохоналарда юқори малакали тиббий ёрдам олиш имконини беради.

1992 йил 1 июлдан «Астроваз» ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси учун фуқаролар ва корхоналарнинг бир галги бадаллари бўйича йиллик фойдани 25 фоизгача оширди.

Қўшимча ахборот олмоқчи бўлсангиз, қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 33-03-69; 32-04-69; 55-32-18; 68-53-30; 78-48-16.

СИЗНИНГ МУАММОЛАРИНГИЗНИ БИЗ ҲАЛ ҚИЛАМИЗ

NURSE НЯНЯ ЭНАГА

«NURSE» — «НЯНЯ» — «ЭНАГА» акционерлик компанияси **ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ,** яъни болаларни парваришлаш ва унга қараб туришда ёрдам беради.

Биз сизнинг буюртмангиз асосида уйингизга энага юборамиз. Сизлар ишга, ўқишга, дўконга, театрга ёки меҳмонга кетганингизда у болаларингизга қараб туради.

ЭНАГАНИ
- бир неча соатга, бир кунга, бир ҳафтага ёки шартнома тузиб, узоқроқ муддатга,
- бола касалликдан тузалгунча,
- фақат очиқ ҳавода сайр қилдириш учун таклиф этиш мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам энага нима ишлар қилиши кераклиги тўғрисида алоҳида келишиб олинади.

- Шунингдек, компания болаларни яхши кўрадиган ва улар билан ишлашни хоҳлайдиган барча кишиларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

«NURSE» — «НЯНЯ» — «ЭНАГА»
АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ ЭНАГАНИНГ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ БЎЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАДИ:

Уларнинг ҳар бири махсус касб тайёргарлигидан ўтган.

Кўрсатиладиган хизматларнинг батафсил рўйхатини қуйидаги телефонлар орқали билишингиз мумкин:
33-83-77, 32-53-43, 32-58-13.

Буюртма бериш учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, «Правда» газета кўчаси, 41 уй. («Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг кўп қаватли бино вестибюлида буюртмалар учун махсус қути бор.)

«NURSE» — **«НЯНЯ» — «ЭНАГА»** **акционерлик компанияси.**

Жамғарма банки

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ.

— 250, 500, 1000 сўм қийматидаги облигациялар 20 йил муддатга чиқарилган.

1000 сўмлик облигация битта сериядаги икки рақамли иккита беш юз сўмлик облигациядан иборат, 250 сўмлик облигация эса беш юз сўмлик облигациянинг ярми ҳисобланади.

Заём облигациялари республика жамғарма банки муассасаларида эркин сотилади ва сотиб олинади.

Жамғарма банки Сизнинг хоҳишингизга кўра облигацияларни сақлаб бериш учун қабул қилади ва облигациянгизга чиққан ютуқлар тўғрисида Сизни хабардор қилиб боради.

Облигацияларнинг бутлиги давлат томонидан кафолатланади!

Ютуқлар беш юз сўмли облигацияга заём баҳосини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 250 000, 100 000, 50 000, 25 000, 10 000, 5000, 2000 сўм миқдорида белгиланган.

2-тираж — 1992 йил 30 сентябрда Урганч шаҳрида

3-тираж — 1992 йил 30 декабрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

1993 йилдан бошлаб ҳар йили навбатдаги тиражлар йилнинг ҳар чорагидаги охирги ойнинг 30-кунида ўтказилади.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!
...Ва Сизни Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки муассасаларида кутамиз!

БАХТНИНГ БИР КЕЛМОҒИ БОР...

Қулоқ солинг, яхшилар, хонанда Ҳотамжон Ҳожиев қўшиқ айтаётир!

У ўзининг ширали овозига ҳамоҳанг ички бир нолалар билан куйламоқда. Унинг қўшиқларида Она Ватан, жонажон ўлкамизнинг ўтмиши, бугуни, келажаги мужассам.

Ҳар бир хонанданинг ўзига хос, ўзига яраша овози, қўшиқ айтиш оҳанги, услуби бўлади. Яхши хислатлар ўзига хос мезон бўлиб ҳофизини элга танитади. Ихлосмандларини кўпайтиради. Яхшилар битта яхши қўшиққа минг бож, минг ҳирож берганлари бежиз эмас.

Ҳақиқий қўшиқни топиш игна билан қудуқ қазишдан кўра қийинроқ. Қўшиқни маромига етказиб айтиш, кўнгилларга кириб бориш ундан ҳам қийин. Ҳофизлик касбининг ҳам аччиқ, ҳам ширин нонидан тотиш бахтига эш бўлган Ҳотамжон буни яхши тушунади.

Қулоқ солинг, яхшилар, хонанда Ҳотамжон Ҳожиев қўшиқ айтаётир!

Денгиз кенгу, билгилки, қирғоғи бор,
Қаттиқ тегма, дилимнинг кўп доғи бор.
Сабрли бўл, бахтнинг бир келмоғи бор,
Соғлигингдан асло нола айлама.

Бу сатрларнинг муаллифи таниқли хонанда, лирик қўшиқлар айтиш устаси Фахриддин Умаров эканлигини Ҳотамжон менга шипшитиб қўйди. Ушбу сатрларда кўнгил тубининг ичичидан беихтиёр отилиб чиқувчи сўнгсиз бир нидо бор. Бир марта зада бўлган кўнгилнинг нолалари бу, шукроналикка ундовчи саховатли қалбнинг ўтинчлари, марҳамати ҳам шу! Зеро, Ҳотамжон бу марҳаматни, бу ўгитни яхши тушунади.

...Уста Миродил (илоҳим, охиратлари обод бўлсин!) санъатни, ҳақиқий қўшиқни қадрлайдиган, жону дили билан тинглайдиган нозиктаъб инсон эдилар. Оддий шофёр, санъат шайдоси Миродил ака ва Хосиятхон аяларнинг Бўзбозордаги хонадони ҳамиша ҳофизу машшоқларнинг кўнгилтортар маскани бўлиб қолганди. Расулқори, Маъмуржон ака, Мулла Тўйчи, Жўрахон ака, Фахриддин ака сингари устоз санъаткорлар бу хонадоннинг доимий меҳмонлари эдилар. Миродил ака айниқса, Фахриддин Умаровнинг дилрабо ва жонфидо қўшиқларини севиб тингларди. У киши билан ҳамсуҳбат бўлишни яхши кўрарди.

«Ўлмасам, шу Ҳотам ўғлимни сизга шогирд қилиб бераман, уста», дегувчи эди раҳматли Миродил ака.

Отанинг нияти холис экан, ижобат бўлди. Ёш Ҳотамжон қўлига рубоб олиб, тетапоя қўшиқларини хиргойи қила бошлади. Ўшанда отасининг севинганларини кўрсангиз эди. Тинимсиз ўқиш-ўрганиш, тинимсиз машқлар ўз самарасини бера бошлади. Ўша даврларда эл орасида машҳур «Якка бу Фарғонада», «Парво этиб кет» каби қўшиқлар Ҳотамжоннинг кўнгил мулкига, бир умрлик ҳамроҳига айланди, қолди.

Ҳотамжоннинг қулига илк рубоб тутқазиб, куй чалишни ўргатган раҳматли Эргашбой Бозорбоев, Ўзбекистон халқ артисти Ҳаким Нишонов ва ниҳоят Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров унинг истиқболига умид кўзи билан боққан эдилар. 1963 йили ёш ҳофиз Фахриддин аканинг маслаҳати билан Ўзбек Давлат филармониясига ишга келди. Мустақил ижод қилиш, бу ердаги санъаткорларнинг кўзи ўнгида бўлиш ёш санъаткорнинг масъулиятини янада оширди.

Ҳотамжон янгидан-янги қўшиқлар ўрганди, ўзи уларга куй басталаб, маромига етказиб куйлади. Унинг ижросидаги «Ойжамол» (Уйғун), «Ширин хаёл» (Ўткир Рашид), «Солиб кўнглимга оташлар» (З. Обидов), «Онам қабрида ўсган майсалар» (Т. Али), «Сени озод кўрсам, она Туркистон» (Д. Ҳасан) каби қўшиқларда санъаткор қалбининг енгил титроқлари, овозининг сеҳри намоён бўлди.

Яхши санъаткор эл кезади. Ҳотамжон Ҳожиев чет элларга ҳам ташриф буюриб, олқиш олган санъаткор. Афғонистон, Польша, Чехословакия, Корея,

Венгрия, Лотин Америкаси каби мамлакатларда ҳам унинг овози янграган.

Бугунги кунда Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Шодлик» ашула ва рақс дастасининг яккахон хонандаси Ҳотамжон Ҳожиев янгидан-янги қўшиқларни айтиш, элга манзур қилиш иштиёқида изланмоқда ва бу борада янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Ҳофиз қалбидаги эзгу ниятларини рўёбга чиқаришда Ҳабибулло Йўлдошев, Муҳаммаджон Мадраҳимов, Авазбек Ваҳобов сингари санъаткор дўстлари яқиндан кўмак бермоқдалар.

Ҳотамжон Ҳожиев табиатан куюнчак, тўғри сўз инсон.

«Ҳозирда қийинчиликлар кўпу меҳр-оқибат тақчил бўлиб бораётган замонда бировдан гина қилишга ўрин йўқ. Аммо санъатимиз мутассадилари санъаткорларнинг қадр-қимматини кўтаришга бош-қош бўлиб турсалар айни муддао бўларди», дея мулоҳаза қилади Ҳотамжон.

Инсон доимо умид билан яшайди. Умидли инсон ҳақиқий ижодкордир. Ижодкор эса, изланади, меҳнат қилади, инсон аталмиш зоти шарифни қадрлайди. Бундан Ҳотамжон ҳам мустасно эмас.

Қулоқ солинг, яхшилар, хонанда Ҳотамжон Ҳожиев қўшиқ айтаётир!

Қўшиқда қанот, қўшиқда умидбахш умрибоқийлик, сўнгсиз ва туганмас бахт бор...

Шавкат ТУРОБ.

ҚЎШИҚ АЙТГАН ЕТАР МУРОДГА...

БАДИИЙ ҳаваскорларнинг Бухородаги Абу Али ибн Сино номли маданият ва техника саройида ўтган кўрик-танлови қатнашчиларидан кимдир хассос шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг ана шу пурҳикмат сатрларини эслаган бўлса ажаб эмас. Негаки, инсоннинг азалий ҳамроҳи бўлмиш куй-қўшиқ ҳозирги қийин иқтисодий шароитда ҳеч қурса тушкун дилларга мадад берар. Илло, касаба уюшмалари вилоят кенгаши саъйи-ҳаракати билан ташкил этилган мазкур тадбирда бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳамда якка хонандалар ижросидаги оммавий куй, қўшиқ ва рақслардан ташқари халқ ижодиёти намуналари ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Ўзига хос санъат байрамига айланган ижодий беллашувларда деҳқончилик саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси вакиллари биринчи, халқ маорифи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси иккинчи, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хизмат ҳамда савдо ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмиталари учинчи ўринни эгалладилар. Бухородаги тери таносил касалликлари шифохонаси ҳамшираси Орзигул Камолова, Навоий паррандачилик фабрикаси ишчиси Санобар Рўзиева, Бухоро район матлубот жамиятининг ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси Зумрад Ҳамдамова, Когон районидаги «Бухоро» давлат хўжалиги ишчиси Иди Муҳаммадиев, шунингдек, Фрунзе номли давлат хўжалигининг фольклор-этнографик ансамбли, Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бадиий ҳаваскорлари, Бухоро давлат муаллимлар институтининг дуторчи қизлар дасталари ижросидаги куй, қўшиқ ва рақслар жюри аъзолари ва томошабинларни мамнун этадилар. Ғолиблар диплом ҳамда совринлар билан тақдирландилар.

Меҳнаткашларнинг маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Келинг, ҳозирги иқтисодий қийин шароитда ҳеч бўлмаганда санъатни унутиб қўймайлик.

Маҳмуд ЭРАЛИЕВ,
Бухоро вилояти.

КИНОАНЖУМАН ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI халқаро Тошкент кинофестивали яна меҳмонновоз Ўзбекистонда 8—15 октябрда ўтказиладиган бўлди. Ҳар икки йилда бўладиган, чорак асрлик тарихга эга ушбу анжуманни жаҳон кино мухлислари, айниқса, ўзбек халқи орзиқиб кутишаётган эди. Чунки анжуман турли социал, сиёсий ва иқтисодий сабабларга кўра 1990 йилда ўтказилмай қолганди.

Хўш, бу йилги кўрикнинг ўзига хос қай томонлари, хислатлари бор? Унинг раҳбарлари кимлару ҳомийлари ким? Иштирокчиларичи? Қаерда очилиб, қаерда ёпилади? Қандай фильмлар кўрсатилади? Билетлар нархи қанча? Хуллас, киношиқивозларнинг бу каби кўплаб саволларига ушбу кинокўрикка бағишланган, ташкилий қўмита томонидан уюштирилган матбуот конференциясида жавоб топилди.

Бу йилги фестиваль Ўзбекистоннинг мустақиллиги шароитида ўтказилаётган дастлабки эркин халқаро кинокўриклиги билан диққатга сазовордир. Бу ўз ўрнида мезбонларга ҳам шараф бағишлайди, ҳам жиддий масъулият юклайди. Унинг ташкилотчилари Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси ҳамда Республика кинематографчилари уюшмасидир. Маданият, умуминсоний қадриятлар Халқ академияси эса унинг ҳомийсидир. Фестивалга тайёргарлик ва уни ўтказиш ишларига Республика Бош вазирининг ўринбосари Эркин Самандаров раислигидаги ташкилий қўмита раҳбарлик қилмоқда. Фестиваль бош дирекцияси ижроий орган бўлиб, унинг бошқарувчиси Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси раиси Хайрулла Жўраевдир. Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси бошқаруви раиси Малик Қаюмов фестиваль президентидир.

Кўрикда бадиий фильмлар танлов асосида ва ахборот тарзида намойиш этилади. Шунингдек, миллий кинематографчилар ҳамда айрим ижодкорлар яратган кинолар ҳам кўрсатилади. Бу гал ҳужжатли кинолар танлови, шов-шувли, сохта ташвиқотлар бўлмайди, турли шиорлар кетидан ҳам қувилмайди. Асосан: **«Ассалому алайкум, Сизнинг уйингизга хотиржамлик тилаймиз»** мавзуси устида баҳс кетади. Зеро, ҳозирги иқтисодий қийин шароитда халқ руҳини кўтариш, одамларни маънавий бойликдан баҳраманд этишнинг ўзи ҳам катта гап. Қейин анжуман орқали анъанага айланган умумжаҳон, умуминсоний қадриятларимизни сақлаб қолишда ҳам ҳикмат кўп.

Анжуман кунлари анъанавий кинообзор ишлаб туради. Бу ерда иштирокчиларнинг музокаралар олиб боришларига, ўз фильмларини тарғиб қилишларига, шартномалар тузишларига барча имко-

Фестиваль А. Навоий номидаги Санъат саройида очилади, фильмларнинг танлов кўриги эса Киночилар уйида ўтказилади. Кўрик кунларида пойтахтнинг энг яхши кинотеатрлари фестиваль ихтиёрида бўлади, уларда кўрик кинолари намойиш этилади.

Киноанжуман қатнашчилари ва меҳмонлари иштирокида турли мавзуларда маданий дастурлар ташкил этилади. Улар кўҳна Самарқанд шаҳрига боришади, ёшлар, фан арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашадилар. Булар меҳмонларга мустақил Ўзбекистонда юз берётган жараёнлар билан яқиндан танишиш имконини беради.

Кинокўрикка 60 дан ортиқ мамлакат вакиллари келиши, уч қитъа киношуносларидан ташқари Англия, Франция, Германия, Испания каби Европа мамлакатларидан, БМТдан кузатувчилар, ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам кўплаб киномутахассисларининг қатнашиши кутилмоқда.

Фестивалга ўртача 22—25 миллион сўм ва 112 минг доллар сарфланиши, билетлар баҳоси 10—12 сўм атрофида бўлиши мўлжалланмоқда. Кинокўрикдан тушган даромад ўзбек киносининг ривожи учун ишлатилади.

Матбуот конференциясида анжуманнинг боришини ҳар томонлама ёритишлари учун журналистларга яратилган имкониятлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Хуллас, ташкилий қўмита ва Бош дирекция Тошкент киноанжуманининг ғоялари ва анъаналари сайёрамиз халқлари орасидаги сиёсий ва умуминсоний алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир қадам бўлиб, кино санъатининг камолатига хизмат қилади, деб умид билдирдилар. **Бу умидни амалга ошишига ишончимиз комил.**

А. ДАМИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Онажоним табиат

ЧИРЧИҚДА ЧАҒАЛАЙ ЧИНҚИРДИ

ЁЗНИНГ нафас олиш қийин жазирама кунлари эди. Дам олиб хордиқ чиқариш учун Сирғали Жанубига йўл олиб, Чирчиқ бўйига тушдим. Одатда дарё соҳили сўлим бўлади, мен бу ерда акс ҳолни кўрдим: ҳаммаёқ қум-тупроқ, тош-шағал, чиқинди-ахлатлар уюмлари билан қопланиб ётибди. Тирик табиатдан асар ҳам йўқ. Дарё ўзанида эса бир анҳорча келадиган ифлосланган қоп-қора сув оқаяпти. Бирдан оқ чағалайга кўзим тушиб қолди. Қаердандандир адашиб келган бу бечора қуш дарёдан ризқ-рўз тополмай чарх уриб чинқирди, очлигидан ҳоли қуриб ахлатлар устига қанотларини зўрға ёзиб қўнди, бир зум нафас ростлаб дарё суви устида парвоз қилди-да, сувга шўнғиб-шўнғиб кўрди-ю, ифлосланган дарёда емиш йўқлигидан яна нола қилиб чинқирди.

Табиатни севган киши бу ҳолни кузатса, нафақат оқ чағалай ноласига, дарёнинг ўзи бору, номи йўқлигига, катта дарёнинг наботот олами-ю жониворларига қирғин келганига, икки соҳил тошлоғу ахлатхоналарга айланиб кетганига надоматлар ўқийди, кўзига ёш олади! Яширмайман, диёримизнинг хариталарга тушган ажойиб тоғ дарёсининг бу аянчли ҳолига ўзим ҳам юрагим тўлиб йиғладим.

Мен Чирчиқни болалик чоғларимдан биламан. Бир пайтлар унинг бу соҳилидан қарасангиз у соҳили кўзга эласэлас кўринарди. Зилол сувлари тўлқин-тўлқин бўлиб, аждар мисол тўлғаниб, буралиб айқириб оқарди. Одамлар ундан қайиқларда, от-уловлар паром-солларда ўтишарди. Дарё бўйларида тўқайзорлар, чакалакзорлар, дов-дарахтлар, ўтгиёҳлар яшилланиб, яшнаб ётарди. Ҳайвонот олами ҳам бой эди. Тулки, бўри, чиябўри, тўнғиз дейсизми, ўрдак, ғоз, турна, лайлак дейсизми, юздан ортиқ қушлар тури дейсизми, ҳаммаси бор эди, айниқса тустовуқ-қирғовуллар галаси осмонни булутдек қоплаб учганда табиат атласдек жилоланиб, товланиб кетарди. Дарёнинг турфа балиқларини, зоғора ва лаққа балиқларини қовуриб еганда мазаси оғизда хуштаъм бўлиб қолар эди. Чор россияси ўлкамизни босиб олмасдан олдин Чирчиқ водийсида паҳлавон айиқлар ва Турон йўлбарслари эркин-эмин яшаганини умри асрдан ошган кексалар ҳамон мароқланиб гапирадилар.

Агар дунё харитасига назар ташласак, азим шаҳарларнинг ҳаммаси азим дарёлар бўйида бунёд этилганининг шоҳиди бўламиз. Бунга мисол қилиб Россия пойтахти Москва-река соҳилида, Петербург-Нева, Париж-Сена, Нью-Йорк — Гудзон, Деҳли-Жамна дарёлари канораларида барпо бўлганини кўрсатиш мумкин. Шарқнинг машъал шаҳри — Тошкент ҳам уч минг йил муқаддам Чирчиқнинг ўнг соҳилида қад кўтарган, авлодларимиз уни она дарё деб, сувини замзамга қиёслаб келганларки, буни қўҳна тарих ҳужжатлари ҳам исботлаган. Тарих яна шунга гувоҳлик берадики, диёримизга хоҳ машриқдан, хоҳ мағрибдан келган бирор золим босқинчи Чирчиқ воҳасини булғаб, ифлослантириб ёки қуритиб қўймаган. Афсус-надоматлар бўлсинки, табиати бир жаҳон Чирчиқ дарёси кейинги етмиш йил ичида сувлари ҳар томонга бўлиниб, атрофи ва ҳавзасида юзлаб саноат корхоналари қурилиб, чиқит-оқавалар ўзанига ташланиб хароб қилинди, дарёмиз деярли қуриди.

Лекин, шоир айтганидек, «сувлар кўчкинчи» бўлса ҳам, «дарёлар — собитдир», яъни барқарор, йўқолиб кетмайди. Тян-шан тоғлари қор-муз-чашмалари билан диёримизга оби-ҳаёт кони ва посбони бўлиб турибди. Табиатнинг бу инъомидан ҳеч ким маҳрум этолмайди. Бандалар эса ана шундай сахийликка куфрона иш тутиб, Чирчиқ ҳавзасида минглаб завод-фабрикалар, чиқинди ташлайдиган корхоналар, уй-жойлар, дала ҳовлилар, турли иншоотлар қуриб ташлашганки, буни табиатга нисбатан жабр-зулм, тузини ичиб тузлиғига туфурмоқ дейиш керак. Дарёларни жиловлаб қўйишни, тўплаб сунъий денгиз яратишни ёки манфаат учун бошқа томонларга оқизиб исроф қилишни инсофдан деб бўлмайди, донишманд башорат қилиб айтганидек, «табиат устидан қозонилган ғалабамиз билан ҳаддан ташқари талтайиб кетмайлик. Ҳар бир ана шундай зафар учун табиат биздан ўч олади...»

Ҳа, табиат ёмон ўч олади! Бунга биргина мисол. Чирчиқ суви Ғазалкентда бўғилиб бир қисми ўйланмай Оҳангарон воҳасига оқизилгани учун ўша томонларда баҳор ойлари қанчадан-қанча тошқинлар бўлиб, қанчалаб фожеалар юз берди, ахир!

Қўҳна тарихдан қолган воқеа ҳам бунга ибрат бўлади. Қадим Эрон подшоларидан бири сон-саноқсиз лашкари билан қўшни мамлакатни босиб олгани сафарга отланибди. Бир неча кун йўл юрилгач, катта дарё олдидан чиқибди. Лашкари аста-секин кечуядан ўта бошлабди. Шунда фожиа юз берибди. Подшонинг севган оқ тулпорини олиб ўтишаётганида, гирдобга дуч келиб чўкиб кетибди. Ғазабланган подшо, дарёни тўсиб, бошқа томондан оқизишни, тулпори чўккан жой кўриниб туришини, худди ўша ерга оқ тулпори хотирасига ҳайкал қўйишни буюрибди. Подшонинг сўзи — амри вожиб! Лашкардаги жамики аскар бир неча ой машаққат чекиб, янги ўзан кавлабди, дарёни ўша томондан оқизишиб, оқ тулпорга ҳайкал қўйишибди... Сўнг подшо урушга жўнаб, қайтиб келса дарё салобат билан яна асли ўзанидан оқаётган эмиш, оқ тулпорига ўрнатилган ҳайкалдан ҳам нишон қолмаган эмиш...

Қиссадан ҳисса шуки, кимда ким табиатнинг табиийлигини фаросатсизлик ёки қайсарлик билан бузса, «ал-қасосу миналҳақ», деганларидек, унинг жабру жафосини тортади, Ҳаёт яна шуни исботлаганки, Аллоҳ яратган нарсани ўзгартириб бўлмайди, унга бирор тузатиш киритилган тақдирда ҳам, у давр ўтиб яна ўз измига, тибиий ҳолатига қайтади. Чирчиқ дарёсининг табиати шу даража бузилдики, эндиликда уни таниб ҳам бўлмайди. Қодир Аллоҳ ўзи асрасину, агар табиат даҳшатли хуруж қилиб Чорвоқ сув омборида фалокат юз берса борми, юқоридаги ҳикояда баён этилгандек, дарё ўзининг эски ўзанидан тошқин билан оқиб, ўзани ва атроф-теварагидаги барча қурилишу мавжудотни суриб-сидириб кунфая-кун қилади.

Келинг, башоратдан бир оз чекиниб, дарёнинг таржимаи ҳоли билан қисқача танишайлик. Чирчиқ асосан Чорвоқ манзилгоҳидан бошланиб, йўл-йўлакай яна Ўгом ва Оқсақотасой дарёларидан, сой-жилғалардан, чашма-булоқлардан сув олади. Дарё Тян-шан тоғларидан оқиб келадиган Чотқол, Кўксув ва Писком дарёлари сувларидан тўйинади. Тоғлардаги қум-тошларга, турли жинсларга, олтин қирғоқларга чарх урилиб пишиб-етилган, маъдан-моддаларга тўйиниб келадиган бу дарё сувининг мазаси-ю шифобахшлилиги таърифи йўқ. У Чорвоқ сув омборидан бошланганича, ўзининг 164 километрлик масофасида бир неча шаҳар-қишлоқларни босиб ўтиб, Чиноз қишлоғи ёнида азим Сирдарёга қуйилади. Илгари у Сирдарёнинг энг катта ирмоғи ҳисобланган бўлса, ҳозирда унга ўртача бир анҳор сувини зўрға олиб боради.

Чирчиқнинг тармоқ сув ҳавзалари тарихи ҳам қизиқ. Машҳур муаррих Яҳё Ғуломов кўп йиллик машаққатли текширувларидан кейин ҳозирги Бўзсув канали Чирчиқ дарёсидан бундан тақрибан 2 минг йил муқаддам чиқарилганлигини аниқлаган эди, сўнгги асрларда эса Бўзсувдан шаҳарнинг ҳар томонига — Анҳор, Салор, Қорасув, Кайкавус, Бўрижар, Оқтепа, Қон Кус, Қорақамиш каби ўнлаб анҳор ва каналлар қазилди. Тошкентнинг асосий қон томири — Бўзсув асрлар бўйи одамларни оби-ҳаёт билан таъминлаган, далаларни суғорган, яна нур-зиё бахш этган. 1926 йилнинг 1 Май куни Йўлдош Охунбобоев ва Файзулла Хўжаев иштирокида Бўзсувда қурилган биринчи нурхона ГЭС ишга туширилган эди. Шундан кейин Бўзсув оқими бўйлаб 1936 йилда Бўрижар, 1937 йилда Қодирия, 1939 йилда Оқтепа, 1946 йилда Салор, 1950 йилда Шайхонтоҳур, 1940—48 йилларда Логинов номли, Товоқсой ва учта Оққовоқ, 1945—50 йилларда бешта Қуйи Бўзсув нурхоналари қурилди. Халқимиз «Сув-ёруғлиқ» деганида жон бор эканки, Бўзсувдан диёримиз нурга чулғанди, хонадонларга зиё бахш этилди, ишлаб чиқаришда ҳад-ҳисобсиз қувватмадад бўлди, буларнинг ҳаммаси она дарё Чирчиқнинг шарофати, мўл-кўл сувининг саховати билан амалга ошди.

Лекин Чирчиқ водийси бўйлаб қурилган ўнлаб саноат корхоналари, завод-фабрикалар ва бошқа иншоотлар дарё сувини ифлослантиришда «мусобақа» ўйнадилар. Турғунлик йилларида табиатни муҳофаза қилувчи муассасаларнинг раҳбарлари-ю мутасаддилари: «Оби-ҳаётни сақлайлик, ҳаво мусаффолигини асрайлик!» деб айюҳаннос солдилар, қоп-қоп буйруқлар чиқардилар, қоғозбозлик қилдилар, қуруқ ваъдаларни беравердилар, ҳисоботларда нуқул рақамларни, фоизларни рўкач қилиб, амалий чораларга келганда лоқайд бўлдилар. Дарё сувини булғаган, ҳавони ифлослантирган корхоналарга жарималар солинди, лекин уларнинг бепарво раҳбарлари жаримани ўз чўнтагидан эмас, халқ мулки-бойлиги ҳисобидан тўлаб ялло қилиб кетавердилар. Қўй-чўпон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади, деганларидек, табиат муҳофазаси билан шуғулланадиган ташкилоту раҳбар тўралар шу қадар кўп эдики, бир-бирларига ишониб, «менга нима» тарзида иш тутиб, табиатни таназзулга учратдилар. Марказ «фармони олийси» билан энг заҳарли заводу фабрикалар Чирчиқ воҳасида қурилиб, сув ва ҳавомиз ортиқ даражада ифлослантирилди.

Чирчиқ дарёси бошланишдаёқ Чорвоқ турар жойининг чиқинди-оқаваларини оқизиб «йўлга» чиқадиган бўлди. Чирчиқ шаҳри эса, «Индустрлашган шаҳарман» деб ҳар дақиқада дарёга тонналаб ифлос ташлайди, заҳарли газис-тутинини ҳавога пуркайди. Бўзсув ва унинг тармоқлари бўлган ўнлаб анҳор-каналларга сон-саноқсиз корхона-ю муассасалар заҳарли чиқиндилари ва оқаваларини ташлайди. Агар табиат муҳофазасини бузаётган, Чирчиқ дарёси ҳавзасида сувни ва ҳавони ифлослантираётган саноат ва бошқа турдаги корхоналар номларини рақам қилсак борми, бир жилдли китоб бўлади.

Шаҳардан заҳарланиб оқиб чиққан сувлар далалардаги мевазор боғларга ва экинзорларга ишлатилиши, ундан зарарланган ноз-неъматларни одамлар еб заҳарланса нақадар аянчли бўлишини нега ҳеч ким ўйламайди? Ҳамма: «Сув заҳарланмасин, ҳаво тоза бўлсин!» дейди-ю саноат корхонасининг амал курсисида ўтирган тўра мансабидан айрилиб қолмаслик учун режа кетидан қувиб, табиат ифлосланишига зарра парво қилмайди, демак ўз манфаатининг амалга ошишини ўйлайди. Яна ҳамма бир хил бор ҳақиқатни айтади: «Бир пайтлар кўчадаги ариқлардан ётиб сув ичардик, тоза бўларди, ҳозир мағзавага ўхшаб ифлосланган сувларга қараб кўнглинг айнайди, ҳатто қўл ювгани ирганасан». Тўғри гап. Аммо амалий ишга, дарёканалларнинг тозалигини сақлашга келганда шунақа ҳақ гапни айтган оддий одамлардан тортиб, юқори лавозимдаги раҳбарқача ҳамма ўзини қуруққа олиб қочади. Мутасаддиларнинг раҳбарлар қуруқ ҳисобот беришига жуда устаси фаранг бўлиб кетишганки, мана биргина мисолни ўқиб кўринг:

«Тўртта корхона-ташкилотларда текшириш ўтказилди. Натижада 24 раҳбар ва жавобгар шахсларга жами 1560 сўм жарима солинди. 18 мансабдор шахсга протокол тузилиб, маъмурий жазога тортилди. 12 та корхонанинг цехларида иш фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги қўмитанинг қарори чиқарилди. 12 тадан зиёд бирлашма ва ташкилот раҳбарларига жарималар солинди».

Тамом вассалом! Бизда кўпинча ана шундай ҳисоботлар билан қутилиб кетилади. Айбдор бир чеккада яна қилмишини давом эттираверади, текширувчи ҳам ҳисобот бердимку, деб лоқайд юраверади, табиат эса озор чекиб, одамлар саломатлигига зарар етаверади. Бизда текширишлар, чора кўришлар, жарималар, акт ёзишлар, протокол тузишлар, маъмурий жазо беришлар, хайфсан эълон қилишлар бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб, кўнгилни беҳузур қиладиган даражага етган! Амалий тадбир, қатъий чора, қаттиқ қонун йўқ! Ҳаммаси алдоқчилик, кўзбўямачилик ва қоғозбозлик! Жарима солиш, маблағ тўплаш ва маъмурий жазолар билан бузилган табиатни тузатиб бўлмайди! Сафия кўчасидаги 50—100 йиллик ажойиб дарахтлар кесиб ташланди-ю, бунга буйруқ берган ташкилотга 36 минг сўм атрофида жарима солинди. Хўш, шунча пулга ўша дарахтларни кўкартириб, яна аслидек қилиб қўйиш мумкинми, ахир?! Ким ўша дарахтларни кесишга буйруқ берган бўлса, у ландавурни қаттиқ жазолаб «кўр» кўзини очиш, «ақли»ни киритиб қўйиш керак эди!

Чирчиқ дарёсининг ифлосланишига ва қуриб бораётганига ҳам мана шундай эскича иш услуби, лоқайдлик, калтафаҳмлик, «менга нима» мазмунидаги бепарволик сабаб бўлмоқда. Қўйлиқдан токи Сирғали томонгача соҳил ёқалаб борсангиз Чирчиқ нақадар хароблигининг гувоҳи бўласиз. Оқава сувларнинг дарёга бетўхтов оқизилаётганини, ахлатхоналар, турли чиқиндилар уюм-уюм бўлиб ётганини кўрсангиз беихтиёр ёқа ушлаб: «Ё алҳазар, Чирчиқ таназзулга учрабди-ку!» деб юборасиз. Ўнлаб корхоналардан ташқари баъзи «ишбилармон» учарлар йўлини топиб, ҳужжатини тўғрилаб олиб дарё ўзанига қатор-қатор дала ҳовлилар қуриб олишганки, табиат гўё фақат улар учун яратилган!

Тошкентнинг сўлим табиати билан бирга баҳор, ёз ва куз ойлари анча иссиқ бўлишини назарга олганда, меҳнаткашлар учун истироҳатгоҳлар, хиёбонлар, сайргоҳлар, боғроғлар, кўл ва дарё соҳиллари жуда зарур. Бунга кўп имконият-шароитларимиз бор. Маълумки, Тошкентнинг жанубидаги Бектемир райони 1990 йилдан эътиборан шаҳар ихтиёрига ўтказилди. Унинг умумий майдони 868 гектар бўлиб, аҳолиси 23 минг кишини ташкил этади. Шунингдек, Бектемир райони саноат корхоналарининг кўплиги ва ишлаб чиқариш кучларининг юқорилиги билан ажралиб туради. Чирчиқ дарёси ва унинг атрофидаги «Бахт» кўли каби сайргоҳлар шу район ҳудудига қарайди. Лекин, минг афсуски, шу ерда оғир табиат танглиги юз бериб турибди. Қарангки, металлургия, машинасозлик қурилиш саноати ва бошқа турдаги ширкат корхоналари Чирчиқ ҳавзаси майдонига жойлаштирилган. Ҳозирда ҳам корхоналарни дарё ўзани ҳисобига кенгайтириш ва янгиларини қуриш давом этмоқда. Канализация сув тозалаш станциясининг ишга яроқсизлиги туфайли ҳар куни 10 минг куб метр оқава тозаланмай дарёга ташланмоқда. Яна шуниси ачинарлики, нефть маҳсулотлари омборлари, ёқилғи тарқатиш жойларидан нефть-мойлар оқиб туриши натижасида ер ости сувлари ифлосланяпти, бу эса аҳолининг асосий ичимлик суви бўлган қудуқларни заҳарлаяпти. Булар ҳам етмагандек, дарё ҳавзасидаги хўжаликлар, кўплаб корхоналар ва дала ҳовлилардан дарёга кўплаб чиқинди-оқавалар ташланмоқда. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бу ачинарли аҳволга бутун куч-ғайрати билан кураш олиб борса ҳам, натижаси бўлмаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек диёридаги кўплаб дарё, кўл, канал, анҳор ва йирик сув ҳавзалари турғунлик йилларида хароб ҳолга келдики, буни Чирчиқнинг аччиқ қисматида ҳам кўриб турибмиз. Ўзбекистонимиз мустақил бўлиб, эндиликда барча бойликларга, табиатга ўзимиз эркин хўжайин эканмиз, ҳаммасини асраб-авайлашимиз, она юрт истиқбол-камоли учун жонкуяр бўлишимиз керак. Шаҳарнинг жанубидан, чамаси қирқ километр масофадан оқиб ўтадиган Чирчиқ соҳиллари ахлат-чиқиндилардан тозаланса, дов-дарахтлар, гул-буталар ўстирилса, мевазор боғлар бунёд этилса, сайргоҳ-хиёбонлар, истироҳат боғлари ва касаба уюшмаларининг дам олиш уйлари очилса, Тошкентнинг кўркига кўрк қўшилиб, жаннатмакон гўша бўлур эди. Чирчиқ соҳиллари тартибга келтирилиб, сувлари тозаланиб айқириб оқиб турса, унинг бағрида минг-минглаб ҳамшаҳарларимиз мириқиб дам олар эди.

...Мен сайр этиб Чирчиқ бўйларини кезганимда, хароба бўлиб ётган соҳилларни кўздан кечирганимда, оқ чағалай қуш ифлосланган дарёдан емиш тополмай чинқирганда хаёлимдан шундай ширин ўй-фикрлар ўтди, куюниб қўлимга қалам олдим-да, аччиқ бўлса ҳам дилдагиларни очиқ ёздим.

Дарёси қуриган элнинг бахти кулмайди, фаровонлик кўрмайди, фаровонлик кўрмай, ризқ-насибаси бутун бўлмайди. Бизнинг Чирчиқ азамат тоғларнинг дарёси, унга меҳр-оқибат кўрсатсак ҳусну жамоли мусаффо табиати билан руҳимизга куч-мадад, шарқирама сувлари билан дастурхонимизга мўл-кўл нозу неъматлар инъом этаверади.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

Суратларда: азим Чирчиқ дарёсининг ахлат-чиқинди билан хароб этиб ташланган соҳилларини кўриб турибсиз.
Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.



АТОРНИНГ КУТИСИ

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ! МЕН ИШОНЧВОЙМАН!

Мен «Ишонч» оиласида кечагина гўзал она юртим Ўзбекистоним бўйлаб сайр қилиш, заводу фабрикаларда, жамоа ва давлат хўжаликларида, маҳалла-ю ўқув юртларида бўлиш, меҳрибон «Ишонч» мухлислари билан мулоқот қилиш, улар дардига қулоқ тутиш, шодлигига шерик бўлиш учун туғилдим.

ҲАЙРОНМАН?

ТОШКЕНТ шаҳри, Миробод районидаги 105-почта ходимлари 1992 йил учун обуна бўлган баъзи мухлисларга июль, баъзиларига август ойидан бошлаб газета нусхаларини етказмай қўйишибди. Нега улар шундай қилишди экан, ҳайронман.

БОШИМ ҚОТДИ...

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси А. Навоий номидаги Давлат Академик катта театри ёнидан ўтаётиб, театрга кираверишда бинонинг ўнг ва чап томонларида деворга ўрнатилган икки эълон тахтасига кўз югуртирдим. Биринчи ва иккинчи суратларга қаранг. Уларнинг фарқини топа олмадим. Сиз топиб кўринг-чи. Мен қизиқиб кетиб, театр атрофидаги барча эълон ва хабарномларни суратга олдим. Учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи суратларга қаранг. Топинг-чи, нега бошим қотди?

ШИНГИЛ МАСЛАҲАТЛАР

● Ярим пиёла қайнатилган ловияни вилка билан эзиб, унга 2—3 чой қошиқ лимон суви ва 1 чой қошиқ ўсимлик ёғини қўшинг. Уни илиқ ҳолида юзга суртиб, 20 дақиқа туринг. Шундан сўнг уни аввал илиқ сувда, кейин совуқ сувда ювиб ташланг. Бу ниқоб терини озиқлантиради ва оқартиради.

● **Жавдари ундан қилинган нонни илиқ сувга бўктириб, юзга суртинг. 15—20 дақиқадан сўнг юзингизни совуқ сувда ювиб ташланг. Бу юз териси ғалвирак бўлганларга тавсия этилади. У кучли таъсир кўрсатиш қувватига эга.**

● Кўзингизни юмиб, кўз қовоғингизга юпқа қилиб кесилган хом картошкани қўйинг. Мускулларингизни бўш қўйиб, 5—10 дақиқа ётинг. Бу кўз атрофи чарчаганда, кўз терисини тиниқлаштиришда ёрдам беради.

БУ, ЎША ҒИРВОНЧИЛИК...

Ҳамма ернинг ўз Габроваси бор. Наманганда бирон даврада ҳазил мутойиба гап айланса, дарров шаҳарнинг кун ботиш даҳаси Ғирвон тилга олинади. Дарҳақиқат, Наманганга темир йўл ўтказилиб илк марта паровоз гудок чалиб кириб келганида олдига янги ўрилган беда чиқариб солганлар ҳам ана шу оқ кўнгил, содда дил ғирвонликлар...

ЧАНҚАГАН ПАРАВОЗ

— Ўша воқеа чиндан юз берганмикан? — сўрадим бир гал ана шу даҳалик Охунжондан.

Дўстим қошларини чимириб, шубҳамдан ранжигандек бўлди.

— Секин гапирасиз-а, ака. Беда кўтарганлар орасида дадам ҳам қатнашганлар. Шахсан ўзлари ўриб берган эканлар.

Охунжоннинг айтганларига ишондим. Юз йилдан ошиқ умр кўрган Охунжоннинг падари-бузруквори ёш боладек содда табиат, қўй оғзидан чўп олмаган инсон эди.

— Паравозчилар ичаклари узилиб кулишгандир, — дедим ўша воқеани ҳаёлан кўз олдимга келтириб.

— Унчалик эмас, — Охунжон қўл силтади. — Ўзбекчани биладиган мужик дадамнинг елкасига қоқиб, — Раҳмат, бобой, лекин отимизнинг қорни очмаган, чанқаган холос, — дебди ва ярим соат ўтмасдан темир йўл четидаги баланд темир қувурдан машинасига сув тўлдирибди. Деҳқонлар барибир бедани қайтариб олиб кетишмабди. Сувга тўйган жониворнинг қорни очади, кечқурун сўраса, берарсан, деб қолдиришибди.

Гапининг охирида Охунжон жилмайганича қўшиб қўйди:

— Беда келтирганлар анча йилгача овқатланмасдан нуқул чанқайверадиган «темир тулпор» қилигидан ҳайрон бўлиб юришган экан.

БЕНЗИН КЕРАК

Бу гапни ҳам ўша Охунжон топиб келди.

— Кеча ён қўшнимиз Хамидхон кўчада қўл кўтариб қолди, — дея гап бошлади у. — Қарасам, қўлида пақир. Сездимки, ҳозир бензин сўрайди.

— Охирги томчилари билан кетяпман, — дедим зорланиб. — Анави бурчакда Ҳафизхон троллейбусни кавлаштиряпти. Эрталаб саройдан чиққан, ҳеч қанча юрганича йўқ. Сўрасанг, беради.

Хамидхон у тарафга қараб юрди-ю, қутилганимга шукр, деб мен бу ёқа қараб ғизилладим.

Оқшом дарвоза тақиллаяпти. Чиқсам Хамидхон. Авзойи чатоқ, сал бўлмаса ёқамдан оладиган.

— Ие, сенмисан, оғайни, қадамларига ҳасанот, қайнонанг яхши кўрар экан, ош тайёр, — дедим сир бой бермасдан.

— Ошинг билан басар бўл, ёлгончи, — дея юзлари хўроз тожисидек қизарган қўшним ўшқира бошлади. — Сен ҳам, Ҳафизинг ҳам ғирт аҳмоқ экансанлар.

— Қайси гуноҳим учун сўкяпсан, ўртоқ!

Хамидхон жаҳл билан дарвоза киррасини тарақлатиб тепди.

— Ахир, троллейбус бензин билан ишламас экан-ку! Сўраб борсам, у ярамас ҳам шундай демасдан башарамга бақадек бақрайди-да:

— Кераклисини қуйиб олабер. Идиши томида, — деса бўладими!

Пақирни кўтарганимча машина томини чунон ахтараман, иккита темирдан ўзга ҳеч ваҳо кўринмади. «Бензин турадиган идишинг қаерда, тополмаяпман», деб сўрашимни биламан, атрофда кулги кўтарилди. Қарасам, одамлар тўпланиб мени томоша қилишаётган экан. Ер ёрилмади, мен кириб кетмадим. Пастга иргиб тушиб жағини эзиб қўяй десам, қаёққадир беркиниб улгурибди, зангар!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
Наманган шаҳри.

КОЛБАСАДАН ЧИҚҚАН ШПРИЦ

Жанубий Африка Республикасида яшовчи Питер Рассоув юрак санчишидан сал бўлса «оёқ узатиб» юборай деди. Бунга сабаб унинг ниҳоят даражада қўрқиб кетганлиги бўлди. Колбаса ичидан шприц чиққан эди.

Питер колбасани бутунлигича бир тишлаганини билади — нақ укол зарбидан ҳушини йўқота ёзди. Оғзига санчилиб қолган шприцни тортиб олди-ю ҳаёлига: «Тамом бўлдим — СПИД», деган фикр келди.

Энди Питер руҳий кечинмалари учун колбасани ишлаб чиқарган компаниядан товон талаб қилмоқда. Ишни босди-босди қилиш учун компания бир яшик колбаса бериб юборган экан, лекин жабрланувчи ундан қатъий воз кечибди.

ҲАМ ЁНҒОҚ, ҲАМ ОЛМА

БРАЗИЛИЯНИНГ қурғоқчил ўрмонларида ажойиб ўсимлик ўсади. Уни маҳаллий халқ кажу дарахти деб атайди. Бу дарахтда бир пайтнинг ўзида ҳам ёнғоқ, ҳам олма пишади. Бу ғаройиб дарахт кўп ҳам катта эмас. Бўйи 10—12 метрга етади. Бироқ у анча серҳосил ҳисобланади. Бир мавсумда бу дарахтдан 10—12 килограмм ёнғоқ ва 30 килограмм атрофида олма териб олиш мумкин. Дарвоқе, маҳаллий аҳоли унинг майдаланган барги билан тишларини тозалашади.

МУСИҚА ДАВОЛАЙДИ

МАШҲУР ҳорижий гипертоник шифокорларнинг кейинги вақтлардаги хулосаларига кўра, мусиқа билан қон босими пасайиб кетган беморларни даволаш мумкин экан. Шифокорлар касалларга мумтоз санъат асарларидан бирини эшиттиргач, қон босимлари ўлчаб кўрилган. Бунда босим ўз ҳолига қайтганлиги маълум бўлган. Шифокорлар ушбу ҳодисани қуйидагича изоҳлайдилар: «Одам мусиқа тинглаётиб ўзи билмаган ҳолда бир маромда нафас олади ва астасекинлик билан тинчлана бошлайди. Касалнинг бу ҳолати вегетатив нерв системасини мўътадиллаштиради. Даво учун сокин, нозик мусиқалар танланади. Чунки ўта даражада баланд овоз ҳам акс таъсир ўтказиши мумкин экан.

«ТИЗЗА ЎЙИНИ»

КАРИС ўсмир ва ёшларининг энг севимли ўйини. Бунда бир оёқда тиззани букиб турилади ва шу ҳолатда турган рақиб билан бир-бирларининг тиззаларига уриб, бир-бировининг оёқларини ерга теккизишга ва ўртадаги чизиқдан ўтказиб юборишга ҳаракат қиладилар. Улар қанчалик оёқларини ерга теккизмай рақибини қулатса, шунча кўп баҳо олиб, голиб чиқади.

Ойнаи жаҳонда

СЕНТЯБРЬ

14 ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Алиса Мўъжизалар ўлкасида». Мультфильм. 1—2-сериялар. 18.30 Болалар учун. «Висола қиз ўйнасин». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Тилга эътибор». Адабий кўрсатув. 20.00 Президент фармонлари амалда. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ артисти Юнус Ражабий. 22.20 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. «Темирйўлчи» (Қўқон)— «Навбаҳор» (Наманган). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан ёзиб олинган. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.25 «Билиб қўйган яхши». 20.40 «Зиёкор». 21.25 «Лаҳза». Хабарлар. 21.35 «Боболар ери». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

17.50 «НЭП». 18.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қор мамлакати». Бадиий фильм (Япония). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Спорт уик-энди». 20.40 Режиссёр А. Вайда фильмлари таништирилади.

«Янги студия» таништиради: 21.05 «Ассалому алайкум». 21.45 «Бомонт». 22.00 «Бироқ». 22.15 «Қинғир-қийшиқ эфир». 22.30 «Қаранг, ким келди?». 23.35 «Джем-сейшн».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Телеэкранда премьера. «Граф Монте-кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 1-серия (Франция — Германия — Италия). 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.20 «Қўшниси тушмагурлар». 21.45 «Хонанда». 22.15 «Турникет». Мусобақалар. 23.15 Ешлар билан, ёшлар учун.

15 СЕШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Аксадо ҳақида эртак», «Қулупнай ёмғири». Мультфильмлар. 18.25 «Кичкинтой» устахонаси. 18.55 «Спортлото». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар. 19.40 «Мерос». Хазиний. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин». 19.10 «Шаҳар юмушлари». 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.10 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 10.55, 17.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.05 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан). 9.45 Болалар телевидениеси уюшмаси. «Юлдуз бўлмоқчиман». 10.25 Футбол шарҳи. 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс: 11.20 «Бегона шаҳардаги ёмғир». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.30 «Даҳмаза». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 13.00 «Номсиз қаср». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Венгрия). 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Ишбилармонлар хабарномаси. 14.35 «Адам Смит бойлиги дунёси». 15.05 «Ён дафтар». 15.40 «Уолт Дисней таништиради...» 16.00 «440 герц». Усмирлар учун мусиқий кўрсатув. 16.40 «Пластилин». Телефильм. 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Япон анъанавий мусиқаларидан концерт. 18.05 «Столни қандай олиб келишди». Мультфильм. 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Режиссёр А. Вайда фильмлари. «Канал». 21.55 «Ҳарбий ревю». 22.25 «Лаънати китоб». Катталар учун мультфильм. 22.40 «Кечки альбом». С. Марков шеърияти. 23.00 Янгиликлар. 23.40 Видеодром.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 7.50 «Ҳақиқат онлари». Святослав Федоров А. Караулов саволларига жавоб беради. 8.45 Мультипульти. «Қулупнай ёмғири». 8.55 «К-2» кинозали. «Интервенция». Бадиий фильм. 10.40 Бал рақслари танлови. Лотин Америкаси рақслари программаси. 11.20 Россия Конституцион суди залидан. 11.30 Кундузги сеанс. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 1-серия. 13.00 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.55 Телебиржа. 15.25 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция). 15.45 «Рост» студияси. «Хит-кундалик». 16.10 Мультипульти. «Ким афсона сўзлаб беради». 16.20 Янгиликлар. 16.35 «Анъанавий корейсча тўй». 16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Халқ рақслари. 18.00 «Серташвиш оила». 18.30 «Бир томчи сув учун». Ҳужжатли фильм. 19.00 Хабарлар. 19.20 «Қўшиқлар китоби».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 Телеэкранда премьера. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 2-серия. 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.20 «Унсиз оламга сайр». Ҳужжатли фильм. 21.45 «Мовий тун». 22.30 Экранда Туркия киноси.

16 ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Келди очилур чоғинг». Телефильм. 7.45 «Қизил олма». Бадиий фильм. 9.05 «Қушлар оламида». Кинопрограмма.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Алиса Мўъжизалар ўлкасида». Мультфильм. 3-серия. 18.20 «Наққош». Телефильм. 18.30 «Чорвадор». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти. 19.50 Бир асар тарихи. «Кашмир қўшиғи». Ёзувчи Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллигига. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Долзарб мавзу. 21.15 «Ҳорманг, бобо-деҳқонлар!» Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 22.15 «Суюнчи». Бадиий фильм. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Суҳбатга чорлаймиз». 20.20 «Спринт». 20.40 «Қизиқарли учрашувлар». 21.40 «Ўзбекистон бастакорлари». 22.20 «Тошкент саноати: хўжалик юритишнинг янги услублари шароитида». 23.00 «Улуғвор инсон». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.50 «Дюймчахон». Мультфильм. 10.20 «440 герц». Усмирлар учун мусиқий кўрсатув. 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс: 11.20 «Бегона шаҳардаги ёмғир». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.25 «Меҳмон». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 12.55 «Номсиз қаср». Олти серияли бадиий фильм. 2-серия. 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Телемикст». 15.05 «Ён дафтар». 15.10 «Уолт Дисней таништиради...» 16.00 «Муваффақият». Юқори синф ўқувчилари учун кўрсатув. 16.30 Ашула, рақс ва мусиқа ансамбли ижро этади (Мексика). 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали ҳамда Татаристон телевидениеси кўрсатувини таништиради. 17.55 «О, Марианна». 18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.50 «Сиёсат» студияси «Ватан учун ибодат». Телевизион бадиий фильм премьерасини намойиш этади. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Париж — Москва — Пекин» автораллиси. 20.55 Футбол. Кубок эгалари кубоги. 1/16 финал. «Спартак» (Москва)—«Авенир» (Люксембург). 2-тайм. 21.45 «Останкино» концерт студиясида актриса Вероника Кастро билан учрашув. 23.05 Янгиликлар. 23.40 «Останкино» хит-паради.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 «Махсус папка». 8.10 «Россия ордени». 9.10 Россиянинг телевизион театри. Л. Пантелеев. «Ишонаман». 10.15 Виктор Резников қўшиқлари. 11.10 Кундузги сеанс. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 2-серия. 12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 12.55 Россия Конституцион суди залидан. 14.25 «Бизнес — янги номлар». 14.40 «Сорак тоғи». 15.00 Янгиликлар. 15.15 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ». 16.00 Христианлар учун кўрсатув. 16.45 «М-трест». 17.00 Хабарлар. 17.20 Телеэкранда премьера. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 3-серия. 18.50 Россиянинг Конституцион суди залидан.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 «Айвон». 20.10 «Қайноналар». 21.00 Хабарлар. 21.20 Мусобақалар. 22.10 «Умид такиси». Видеофильм. 22.40 Талабларингизга биноан...» 23.25 «Тирик эканмиз...»

17 ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Куйла дуторим». Фильм-концерт. 7.55 «Суюнчи» Бадиий фильм. 9.10 «Ўлмас мерос», «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильмлар.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Алиса Кўзги орти ўлкасида». Мультфильм. 1—2-сериялар. 18.25 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Санъат дўстликка чорлайди». «Сумалак» ансамбли 19.50 «Енилғи савдосидаги ҳангомалар». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Ойдин кечалар». Ёшлар учун дам олиш кўрсатуви. 22.30 «Махтумқули». Бадиий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Бумеранг». 19.40 «02» тўлқинида». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Пульс». Хабарлар. 21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 17.20, 22.55 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.50 «Оператор Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм. 10.10 Футбол. Европа кубоклари. 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс: 11.20 «Уч номаълумли масала». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.25 «Тарвузли рейс». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 12.55 «Номсиз қаср». Олти серияли бадиий фильм. 3-серия.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Телемикст». 15.05 «Ён дафтар». 15.10 «Уолт Дисней таништиради...» 16.00 Япония телевидениесининг кўрсатуви. Япон автомобиль саноати тарихи. 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.50 Футбол. Европа кубоклари. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Футбол. Европа кубоклари. 22.00 «Қора қути». 22.40 «Қилмишингга яраша». Илмий-оммабоп фильм. 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Лимпопо».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 7.50 Киприс Мажейка. «НАТОдан репортажлар». 8.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 8.35 «Мусиқа устахонаси». 1-кўрсатув. 9.10 «Петербург афсонаси». 9.40 «Винил чангалзорлари». 10.10 XX аср кадрда ва кадр ортида. «Водород бомбаси ҳақида ҳақиқат ва афсона». 11.10 Кундузги сеанс. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 3-серия. 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.00 Россия Конституцион суди залидан.

14.25 «Сигнал». 14.40 «Тошлар тилга кирганда». 14.55 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси. 15.40 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 3-серия. 15.55 Янгиликлар. 16.10 Трансосэфир. «Дераза». 16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 «Ёшлар». 18.15 «Ислом маданият ёдгорликларида». 19.00 Хабарлар. 19.20 Мусиқий кўрсатув.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 Телеэкранда премьера. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 4-серия.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар. 21.20 Спорт. 21.50 «Чин қалбдан». 22.50 «Суврат». 23.15 «Оилавий мусобақалар».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.35 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Динамо» (Киев)— «Рапид» (Вена). 2-тайм. УЕФА кубоги 1/32 финалининг биринчи матчи.

18 ЖУМА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар. 7.35 «Қадрдонлар кўчаси». Телефильм. 8.00 «Махтумқули». Бадиий фильм. 9.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Алиса Кўзгу орти ўлкасида». Мультфильм. 3—4-сериялар. 18.30 «Чорраҳа». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Телефильм. 19.50 «Хотира». Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Долзарб мавзу. 21.15 «Хотира». Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов (давоми). 21.55 ЎзТВ фондидан. Эмин Усмонов. «Қўриқхонада». Телеспектакль. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.05 БИШКЕК КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

4.55, 10.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 »Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 9.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.35 «Коля, Оля ва Архимед». Мультфильм. 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс: 11.20 «Уч номаълумли масала». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.25 «Мансаб имтиҳони». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 12.55 «Номсиз қаср». Олти серияли бадиий фильм. 4-серия.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 Бридж. 14.50 «Бизнес-класс». 15.05 «Ён дафтар». 15.10 «Уолт Дисней таништиради...» 16.00 Э. Грач чалади (скрипка). 16.20 «Марказ». 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 «Вилоятдан қараганда. Деҳқон ислоҳот юкини кўтара оладими?. 17.40 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув. 17.55 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 10-серия. 18.20 «Инсон ва қонун». 18.50 «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 И.-С. Бах. «Бранденбург концерт». 20.40 «Детективлар клубида». Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Фанат». Бадиий фильм «Тирс» тижорат фирмаси).

ВИД таништиради: 22.15 «Музобоз». Танаффус пайтида (23.00)— Янгиликлар. 23.35 «Хордиқ чиқаринг». 23.50 «Ҳа» кўрсатуви. 00.20 «Обоз» майдончаси». 01.15 «Париж — Москва — Пекин» автораллиси.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Эълонлар. 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 «Нота бене» студияси. 8.35 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье». 8.50 «М-трест». 9.05 Вариацияли мавзу. Гитарада Анатолий Болотов чалади. 9.30 «Тунги актёрлар клуби»— тонгги эфирда. 10.40 «Бурда моден» таклиф этади... 11.10 Кундузги сеанс. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 4-серия. 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.00 Россия Конституцион суди залидан.

15.05 «Телебиржа». 15.35 «Раджа-йога ҳамма учун». 1-кўрсатув. 16.20 Янгиликлар. 16.35 «Баён». Видеофильм. 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 «Ҳар бир кун байрам». 17.30 Жума кунлари дисней. «Ёш Гарри Гудини». Бадиий фильм (АҚШ). 1-қисм.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20 Видеофильм. 18.30 «Ўрта осиё тароналари». Ҳужжатли фильм. 19.00 Хабарлар. 19.20 Концерт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 «Судья Иванованинг шахсий иши». Бадиий фильм. 20.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар. 21.20 «Ҳафта сўнггида». Дам олиш кўрсатуви. 23.20 «Мана шунақа малика».

19 ШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Тулпорим Меликуш». Бадиий фильм. 9.20 Миллий кураш бўйича халқаро мусобақа. 10.15 Халқ ижодиёти. «Дорбозлар». 10.55 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув. 11.40 «Оналар мактаби». 12.10 «Санъаткор ҳаётидан икки кун». Телефильм. 12.45 Шеърият дафтаридан. Абдували Қутбиддинов. 13.00 «Замандас» (қозоқ тилида). 14.00 Тижорат канали. Челак тумани «Самарқанд баҳори» ансамблининг концерти.

18.00 «Юлдузлар ҳақида эртак». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Сиҳат-саломатлик». 19.55 Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 Телевизион миниатюралар театри. 21.50 «Бобби». Ҳинд бадиий фильми. 1-серия. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

5.40, 14.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.45 Эрталабки гимнастика. 5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Спорт имконияти. 8.00 «Марафон-15»—«Кичкинтойларга. «Айиқча Бамси ва унинг дўстларининг ажойиб саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси. 8.25 «Ўзўзингга мадад бер». 8.55 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 9.25 «Ҳунар-ҳунардан унар». 9.30 «Инсон институти». 10.00 «Ирландия учрашувлари». Хотин-қизларнинг халқаро анжумани ҳақида. 10.30 «Кичик мўъжизалар». Мультфильм. 10.40 Хотирада қолган фильмлар. «Азиз инсон». 12.40 «Мусиқий дўкон». 13.10 «Боинг афсонаси». Телефильм премьераси. 1-фильм — «Қанотли рақиблар». (»Союзтелефильм», «Ковчег» студияси, «Авиафильм». 14.00 Янгиликлар. 14.25 «Оқ қарқара», «Томчи». Мультфильмлар. 14.50 «Зазеркалье». «Эртак ҳақида эртак». Бадиий фильм. 15.50 «Ташаккур» концерти. «Госко» акционерлик жамиятининг Большой театрдаги маданий тадбири. 17.50 «Қизил квадрат». 18.30 «Енотлар». Кўп серияли мультфильм. 18.55 Телевизион танишув. Урмас Отт Иннокентий Смоктуновский билан суҳбатлашади. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қишки олча». Бадиий фильм. 21.45 Рақслар, Рақслар, Рақслар. «Виктория» ансамбли (Севастополь). 22.05 «Юлдузлар бурчи белгиси остида». Танаффус пайтида (23.00)— Янгиликлар.

● ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 «Ибодатхона томон йўл». 7.40 Ишдан бўш пайтингизда. 7.55 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси ниҳоҳи билан». 8.25 «Услуб». 8.55 «Ретро». В. Шубарин. 9.25 «Америка юлдузлари». 5-кўрсатув.

10.00—13.15
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

13.15 «Қандай яшаймиз?» 14.00 Вариацияли мавзу. «Дўстлар уйи. 14.20 Россиянинг Конституцион суди залидан. 14.30 «Гололь уйида кечалар». 15.20 Кундузги сеанс. «Пилигрим» капитани». Бадиий фильм. 16.50 «Эксномарказ таништиради...» 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 «Ҳар бир кун байрам».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.30 Хабарлар. 17.45 Концерт. 18.15 «Инсоннят бойлиги». Видеофильм. 19.00 Хабарлар. 19.20 Манзарали фильм. 19.30 «Туркия ғорлари». Ҳужжатли фильм. 20.00 «Ҳафта шарҳи». 20.15 «Биз билан рақсга тушинг». 20.40 «Бизнинг хонадонимизда». 20.55 Манзарали фильм. 21.00 Хабарлар. 21.20 «Мюзик-холл».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 «Бирюк». Бадиий фильм. 23.15 «Россияда секс-бизнес».

20 ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Замин қалбига қулоқ тут», «Халқ куйларини қалбингда асра». Телефильмлар.

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Табассум қил». Фильм-концерт. 9.20 «Қувноқ стартлар». 10.15 «Семурғ». Бадиий фильм. 11.30 «Ёш полвонлар мактаби». 11.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Муниса рақслари». 12.10 «Ўзбекистон ўрмонлари». 12.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».

Тижорат канали

13.30 «Меҳнатда тобланган дўстлик». Чимкент вилоятидаги Янги Иқон қишлоғи аҳолисининг меҳнат ютуқлари ҳақида. 14.00 «Буюк Ипак йўли бўйлаб». 18.00 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 18.15 «Мультипанорама». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Уйимизда тинчлик, осойишталик бўлсин». 19.40 «Тараддуд». XI Тошкент халқаро кинофестивали олдидан. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!» Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 22.00 Футбол. Ўзбекистон биринчилиги. Олий лига. «Трактор» (Тошкент)—«Пахтакор». «Трактор» ўйингоҳидан ёзиб олинган. 23.30 «Бобби». Ҳинд бадиий фильми. 2-серия. 00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

5.20, 14.15, 18.00— Кўрсатувлар тартиби. 5.25 Руҳни чиниқтириш. 6.25 Эрта саҳарлаб. «Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси». Кўп серияли мультфильм. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.40 «Бувижон, ўргатинг». Мультфильм. 7.50 «Украинча гап-гаштак». Фильм-концерт. 8.30 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.00 «Тонг юлдузи». 9.50 «Олам дам олишда». 10.30 «Пи» белгиси билан. 11.20 «Янги авлод танлайди». 12.10 Кўрганкечирганлар (Н. Клюев, П. Корен). 12.50 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Саёҳатчилар клуби». 15.10 Халқ куйлари. 15.15 «Уолт Дисней таништиради...» 17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгиликлар. 18.05 Мариинскда променад.

Якшанба кинокўрсатувлари: 19.00 Кино янгиликлари. 19.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қишки олча-2». Бадиий фильм. 21.00 «Якунлар». 21.45 «Телелоция». 22.00 «Брэйн-ринг». Танаффус пайтида (23.00)— Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 «Ким отни расмини чизади?» Ҳужжатли фильм. 7.40 «Учинчи Халқаро Сибирь анжумани». 8.10 Фольклор. «Номаълум маданиятлар». 8.40 «Хоҳ ишонинг...» 9.10 «Эскулап» программаси «Қизчалар ва болакайлар, сизлар учун» фильмини таништиради (Голландия). 9.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 9.55 «Киролликдаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 4-серия.

10.25—14.00
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.20 Ёш ижрочилар концерти. 15.35 «Қонун учун курашчилар». Видеофильм. 16.30 «Мусиқа тили». 17.00 Енгил турк куйлари. 17.30 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.50 Голливуд классик фильмлар фестивали. «Шарада». 19.45 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 75-серия. 20.40 «Сигнал». 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз»дан олинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси А. Ф. Собировга отаси

Мирфозил СОБИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Оила аъзоларига сабр-тоқат ва бардош тилайди.

Сўнгги саҳифа

Таниқли грузин ёзувчиси С. Орбелиани «Дўст ғамингда ғамдош, беморлигингда шифокоринг, ўлим хавфи чанг солиб турган лаҳзада ўзини қурбон қилишга тайёр турувчи кишидир», деб бежиз айтмаган. Бугун биз ана шу фазилатларнинг барчасига эга бўлган уч оға-ини ботирлар, 50 йилдан буён дўстликни улуғлаб келган инсонлар ҳақида қисқача ҳикоя қилмоқчимиз.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

ТОШКЕНТ. 1942 йилнинг кузи. Темирйўл вокзали олдида юзлаб кишилар ўз падари бузрукворлари, оға-инилари, ёру биродарларини урушга кузатмоқдалар. Улар орасида эндигина ўн етти — ўн саккиз баҳорни қаршилаган пискентлик Абдумажид Самадов, Бўка районидан Абдумажид Умаров ҳамда Наманган вилоятининг Чуст районидан Ражаббой Раҳимовлар бор. Улар шу ерда дўст, биродар бўлишди. Доимо бирга бўлишга, урушдан эсон-омон қайтишса, борди-келди қилишга келишишди. Тақдирни қарангки, учовлон 159-ўқчи дивизиянинг 597-тўпчилар полкида, хизмат қиладиган бўлишди. Салкам уч йил давомида елкама-елка туриб жанг қилишди. Ана шу даҳшатли олишувлар давомида уларнинг дўстлиги янада мустаҳкамланди. Интиқ кутилган ғалабадан сўнг ҳам учовлон ўз аҳду паймонларига содиқ қолдилар.

Ҳозиргача собиқ разведкачи Ражаббой Раҳимов, радист Абдумажид Умаров, тўп командири Абдумажид Самадовларнинг дўстлиги давом этади.

Куни кеча Пискент районининг Бобур кўчасида, Абдумажид Самадов хонадонида 1942 йил кузида бошланган дўстликнинг 50 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Бу маросимда республикамизнинг турли вилоятлари ва районлари, хусусан Наманган вилояти, Тошкент шаҳри, Бўка районидан келган меҳмонлар иштирок этишди. Учрашувда сўзга чиққан Пискент райони ҳокими Абдусамад Носиров, Бўка райони ҳокими Қодиржон Элчибоев, Наманган вилояти Чуст район ҳокимияти номидан Адҳамжон Мирзаев ва бошқалар ярим асрдан буён дўстликни улуғлаб келаётган Абдумажид Умаров, Абдумажид Самадов ҳамда Ражаббой Раҳимовлар шаънига илиқ сўзлар айтишди. Шу куни маданият уйи бадиий ҳаваскорлик жамоаси меҳмонлар хизматида бўлиб, уларнинг дилини хушнуд этдилар.

Алишер ҲАКИМОВ,
«Ишонч» мухбири

Суратда: уч оға-ини ботирлар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ШИФОТАЛАБ БЎЛСАНГИЗ

ҚЎРИНИШДАН камтарин, эгнибоши ўзига ниҳоятда ярашиб тушган, сочи калта қирқтирилган Алевтина Ивановна Абдураҳмонова ўз ёрдамчилари билан ҳузуримизга ташриф буюрди. Ўзбекистон пойтахтида меҳмон бўлаётган бу аёл дастлаб ўзининг ғайрат-шижоати билан ҳайратга солди. Орадан ҳафталар ўтиб, унинг ишончига қандайдир даражада раҳна тушгандай бўлди — одамлар табиб таълимотига ончалик қизиқиш ҳосил этмаган эдилар. Бирок, телевидение орқали ўз таълимоти сир-асроридан кўпчиликни огоҳ этиши билан унинг қабулида, шифо топиш илинжида бўлдилар. Алевтина Ивановнанинг максади табобат ўқувини йўлга қўйишдан иборат эди, лекин беморлар Абдураҳмонова ҳузурига келиб, ундан ўз дардларига шифо беришини илтимос қилар эдилар. Табиб даволашга киришиб кетди: аник ташхси (диагноз)лар: кўяр, беморни кандайдир куч билан «сехрлар», маслаҳатлар берар, вужудга рефлектор методи билан таъсир ўтказарди.

Унинг ҳузурига келганларнинг қувватига-қувват қўшила бошлади, кўзларида нур пайдо бўлди, ўзларининг соғайиб кетишларига ишонч пайдо бўлди. Албатта, бу ҳолатга биров ишонарди, биров йўқ. Шунга қарамай уни тинглочилар гуруҳи ташкил топди. Машғулотлар амалий ишлар билан боғланган ҳолда олиб борилди: кечқурун ўқиш, сўнг амалий машғулот. Орадан беш кун ўтар-ўтмас айримларнинг кўнглидаги ишончсизлик туйғулари батамом барҳам еди. Чунки машғулотларга қатнашувчиларнинг ҳаммаси кўп яхши натижаларга эришиш мумкин эканлигини дил-дилдан ҳис этдилар.

Инсон вужудига таъсир этишнинг барча мажмуаси асосида инсоннинг якин келажаги ҳақидаги фан — парапсихология ётади. Биз шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, инсон вужудида ниҳоятда буюк имкониятлар мавжуд, расмий илм-фан ундан фойдаланмай келаётир, илгари яккам-дуккам кишиларга насиб этган бундай илм-фан сирларини ўрганиш эндиликда шу соҳага қизиққан кўпчилик кишиларга насиб этадиган бўлди.

Малакали фаолият жараёнида инсон вужуди аъзолари маълум ҳаракатлар маромини ҳосил этади. Ҳужайралар ва аъзолар маълум кувват босимига кўникма ҳосил этади. Бирок, шахсий ҳаёт жараёнида кутилмаган оғир ҳолатлар инсон вужудини камраб олади ва ана шу пайтда одам касалликка чалинади.

Инсон эса ўзини камраб олган атроф-теваракнинг барча ҳолатларидан таъсирланади, турли масофадаги иссиқлик окими тўлқинлари ҳиссиётлар орқали расман кайд этилади.

Ҳар бир машғулот бизга яхшилик истаги билан бошланар, саховат ва яхшилик туйғуларининг ҳаётбахш кудратига ишонч ҳосил этар эди. Шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, ўқиш-ўрганишдан иборат машғулотлар давомида муаллим — психология фанлари доктори Абдураҳмонова бу туйғуни ниҳоятда маҳорат билан вужудларга сингдирарди.

Маърузалар туркуми ва амалий машғулотлар билан табобат усулларидан самарали фойдаланиш, бакувват, гипноз, башорат қилиш, рефлексотерапия, фитотерапия, ўз вужудини ўзи бошқариш, кўз косасига қараб, касаллик хилларини аниклаш каби катор дастурлардан ҳам огоҳ бўлдик.

Халқ табобатида турли хил ўсимликлар, махсус тайёрланган қайнатма ва дамламаларга алоҳида эътибор берилади. 10 кун давом этган бу машғулотлар туфайли биз масаланинг моҳиятига доир дастлабки маълумотларга эга бўлган бўлсак-да, қалбларимизга саховат уруғи ташланган ва унинг мева беришига ишонч туйғуларимиз мустаҳкамланган эди. Биз атроф-теварагимизни қуршаган нарсаларга, бир-биримизга бошқача маъно билан қарай бошлаган эдик. Бу соҳага тегишли адабиётларни қидиришга тушиб кетдик. Ҳали кўпгина нарсалар моҳияти бизлар учун ноаник, бошимизни кўпгина муаммолар банд этган, кўпгина саволларга жавоб излашимиз лозим эди ва жавоб топамиз ҳам. Лекин битта нарсада ишончимиз катъий: шу ойда Тошкентда халқ табобати бўйича халқаро уюшманинг бўлинмаси ни ташкил этиш. Якинда Алевтина Абдураҳмонова бизнинг Республикамизга яна ташриф буюрди — у Самарканд, Бухоро ва Хева каби кадимий шаҳарларда ўз тажрибалари асосида машғулотлар ўтказди.

Дори-дармонлар тақчил айни замонда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ноанъанавий усуллар билан даволаш ишига ҳисса қўшиш, соғликни сақлаш бўйича маълум даражада улуғ қўлини демакдир.

У. КАМОЛОВ,
Н. МАРА-НОВИК,
Л. ЖАВАҚОВА,
У. ИСАМУҲАМЕДОВ
Тошкентдаги касаба уюшмалари ўлка ўқув-методик маркази ходимлари

МИННАТДОРЧИЛИК ИЗҲОРИ

Ўн бир фарзандни вояга етказдим. Яқинда пойтахт вилоятининг Паркент районида жойлашган «Сўқоқ» дам олиш уйида ҳордиқ чиқариб қайтдим. Тоғлар орасида жойлашган ушбу дам олиш маскани оромбахш табиати, тошдан тошга сачраб оқаётган зилол сувлари билан ўзига мафтун қилади кишини.

Дам олиш уйидаги саранжом-саришталик, озодалик, тартиб-интизомни кўриб қувонасан. Унинг заҳматкаш ходимлари Эдия Иброҳимова, Ҳайитали Абдувалиев, Кушан Усмонов, Сажарой Мақсудалиева ва Неъматжон Ҳасановларнинг меҳнати алоҳида таҳсинга сазовордир.

Хуллас, «Сўқоқ» дам олиш уйи меҳнаткашларнинг чинакам ҳордиқ чиқарадиган масканларидан бирига айланган. Дам олувчиларга манзур бўладиган бу оромбахш даргоҳнинг бутун жамоасига оналик меҳрим билан миннатдорчилик билдиришни истардим.

Ана шу дам олиш чоғида мен каби нафас йўллари қисадиган (астма) касалликларига даво бўлган бу масканни пансионатга айлантирилса, нур устига нур бўларди, деб ўйлайман. Менга ўхшаш кўпларнинг фикри шундай.

Раънохон ЖЎРАЕВА,
Қаҳрамон она,
меҳнат фахрияси.

ИШОНЧ

Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚЎШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовини — 56-52-89

● Масъул котиб — 56-52-78

● Котибият — 56-87-59

БЎЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-78; 56-87-73.

● Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-63.

● Безатиш ва суратқашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик — 56-55-85.

● ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24;
Гулистонда — 2-10-02;
Жиззахда — 2-39-54;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда — 4-19-97;
Самарқандда — 35-63-64;
Термизда — 2-70-07;
Тошкентда — 56-87-59;
Урганчда — 6-87-82;
Фарғонада — 4-47-73;
Қаршида — 5-33-71.

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.

СОТУВДАГИ НАРХИ 3 СЎМ.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 11 сентябрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Турғун Назаров,
Санъат Маҳмудова

● ҚЎНИМГОҲИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● Буюртма 386

● 110000 нусхада босилди

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12